

ДУНЁ АДАБИЁТИ ХАЗИНАСИДАН

АҲМАД ЛУТФИ ҚОЗОНЧИ

СЎНГГИ ТЎФОН

РОМАН

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

Аҳмад Лутфи Қозончи аввалги асарларида бўлгани сингари «Сўнги тўфон» романида ҳам мактаб ўқувчиси Ҳасан ва унинг муштипар онасининг бошидан кечирганлари орқали Аллоҳ ҳар бир бандасига ҳамisha меҳрибон эканлигини таъкидлайди. Жабрдийда онанинг, бегуноҳ боланинг илтижоси изсиз кетмаслиги Лутфуллоҳ амакининг уларга беминнат мурувват кўрсатиши орқали гавдалантиради.

«Сўнги тўфон» рамзий-мажозий маънони англатади. Романда Турсунга ўхшаган ёвуз, меҳрсиз кимсалар ҳар бир хонадон учун, жамият учун бамисоли тўфон дейилади.

Инсонга чуқур эҳтиром билан битилган «Сўнги тўфон» романини ўқиган ҳар бир кишининг қалбини инсоний туйғулар, ўйлар қамраб олади.

Тақризчи:

филология фанлари доктори, профессор
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Сўзбоши муаллифи:

филология фанлари номзоди, доцент
Абдулла УЛУҒОВ

ISBN 978-9943-297-7

© Аҳмад Лутфи Қозончи «Сўнги тўфон». «Янги аср авлоди»,
2008 йил.

ИНСОНГА ЭҲТИРОМ

Турк адиби Аҳмад Лутфи Қозончининг исми китобхонларга яхши таниш. Унинг «Саодат асри қиссалари», «Ўғай она», «Қайнона», «Бир виждон уйғонур» асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Маърифий-ахлоқий руҳдаги ушбу асарлар мароқ билан ўқилади. Адиб уларни инсонга чуқур эҳтиром билан ёзганлиги билиниб туради. «Сўнгги тўфон» романида ҳам шундай ўринлар борки, у жойларни ўқиётганда кишининг вужудида бир титроқ пайдо бўлади. Чунки оиласига зулм ўтказишдан бошқа иш қилмайдиган, фақат ухлаш учунгина уйига келадиган эр билан яшашга мажбур Фаридани очликдан қийналиб, совуқдан титраб-қақшаб қолганида овоз чиқармасдан Аллоҳга «Боламини тўйдириниш, вояга етказиш учун бировларга муҳтож қилма! Ўзингдан бошқа паноҳим, суянчим йўқ! Қулларингга қул бўлишдан ўзинг асра! Юзимни қора қилма!» деб дил-дилидан илтижо қилади. Бу муштипар аёлнинг аҳволи ўқувчини беихтиёр ўйлантиради. Шариат тартиб-қоидаларини мутлақо тан олмайдиган, жамият қонунларига итоат қилишни истамайдиган, бошқаларга зулм қилишдан роҳатланадиган зўравон отанинг, ўғли Ҳасаннинг тақдири қандай бўлиши ташвишлантиради.

«Сўнгги тўфон» романи воқеаларида саноқли қаҳрамон иштирок этади. Ҳасан ва унинг онаси Фаридани – асарнинг асосий қаҳрамонлари. Романда бир хонадон ҳаёти ёритилади. Бу хонадон соҳиби Турсун «болалигидан буён бирон марта яхши ишга қўл урмаган. Ўрта мактабни ҳам зўрға тамомлаган. Ўғирлик қилиб, турли нобоп ишларга аралашиб, аскарликка боришдан қочиб, ҳибсхонага бир неча марта тушган ва ўзига ўхшаганлар билан топишиб олган. Турсун туни билан кўча кезиш, ёмон жойларда ётиб қолишни одатга айлантирган. Насиҳату калтаклар кор қилмагани учун ота-онаси ҳам кичиклигидаёқ Турсундан умидларини узиб, ундан қўлларини ювиб, қўлтиққа уришган. Майхоналарни макон тутиб, қиморхоналарнинг кунда-шундасига айланган Турсун ота-онасининг узоқ йиллар пешона тери

билан топганини ҳавога совуради. Ҳашаматли уйини, боғини, ерини қўлдан бериб, ота-онасини куйдирган Турсун уйлангач ҳам ўша-ўшалигича қолади.

У бирор марта оиласи даврасида ширин суҳбат қуриб ўтирмайди, фарзандини кучоғига олиб эркаламайди. Турсун хотини ва ўғлининг қаҳратон қишда хароба бир уйда совуқ қотиб, очнаҳор ўтиришини асло хаёлига келтирмайди.

Аҳмад Лутфи Қозончи аввалги асарларида бўлгани сингари «Сўнгги тўфон» романида ҳам мактаб ўқувчиси Ҳасан ва унинг муштипар онасининг бошидан кечирганлари орқали Аллоҳ ҳар бир бандасига ҳамиша меҳрибон эканлигини таъкидлайди. Жабрдийда онанинг, бегуноҳ боланинг илтижоси изсиз кетмаслигини Лутфуллоҳ амакининг уларга беминнат мурувват кўрсатиши орқали гавдалантиради. Ҳаёт аслида Лутфуллоҳ амакига ўхшаган кишилар туфайли гўзал. «Сўнгги тўфон» да Турсун ёвузлик тимсоли бўлса, Лутфуллоҳ амаки, Ориф хожа, Солиҳбей эзгулик тарафдорларидир. Турсуннинг кўнгли бировларга жабр етказишдан ҳузурланса, Лутфуллоҳ амаки, Ориф хожа, Солиҳбей бошқаларга яхшилик қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билади.

Турсун бировларнинг пешона тери билан ишлаб топганини ўмариб, кишиларга азоб етказишдан ҳузур қилади. Чунки у «Мол ўғирлаганники» деган ақида билан яшайди. Ҳалол меҳнат қилиш тўғрисида насихат қилганларни ёмон кўради. Одамларнинг осойишта, фаровон турмуш кечириши учун барча амал қилиши зарур тартиб-қоидаларга қўниқни истамайди. Ёвузлик қилишни ўз аъмолига айлантирган Турсун муштипар хотинини ҳам, ўғлини ҳам аямайди.

Аммо муштипар аёл Фарида эрининг барча зулмларига чидайди. Унинг сабр-тоқати, бардоши ўғлининг қалбида эзгу туйғулар уйғонишига сабаб бўлади. Онасининг маҳзун қарашлари, хўрлик, уқубатлардан эзилган нигоҳлари Ҳасаннинг қалбига бошқаларга ачиниш ҳиссини сингдиради. Ҳасан онасининг ачинарли аҳволдан мутаассир бўлиб ўсгани боис отасининг йўлидан бормади. Отаси уни ўғирлик қилишга мажбур қилганда ҳам бундай қабиҳликка қўл урмайди. Онасининг дуолари, илтижолари Ҳасанни ёмон йўлга кириб кетишдан тўсиб туради. Ўғирлик, безориликни касб қилиб олган эридан рўшнолик кўрмаган жабрдийда аёл намоз ўқиган чоғида: «Ё Раббим, ўғлимни отасидек қилма» деб йиғлаб, ўксиб илтижо қилади. Романда «Оналар дуоси, албатта, ижобат бўлади» деган ҳикмат Ҳасаннинг ҳаёт йўли орқали кўрсатилади. Оналар миллатни тарбиялаб, вояга етказиши эса Фарида образида гавдалантирилади.

«Сўнги тўфон» рамзий-мажозий маънони англатади. Романда Турсунга ўхшаган ёвуз, меҳрсиз кимсалар ҳар бир хонадон учун, жамият учун бамисоли тўфон дейилади. Ҳақиқатан ҳам Турсунга ўхшаган шафқатсиз жоҳиллар бошқаларни топташи, хўрлаши туфайли одамларга тўфондан баттар зарар етказди. Манфаатпараст, ўз ҳузур-ҳаловатидан бўлак нарсани ўйламайдиган худбин кимсалар бошқаларнинг ҳаётини оғу каби заҳарлайди. Қаҳрамонларнинг ўй-кечинмалари, бошидан кечирганлари қўнғилга ҳазинлик солувчи ушбу романда табиатнинг ҳар бир ҳодисасига, теварак-атрофдаги ҳар бир воқеликка ибрат деб қараш керак, дейилади. Феъли нобоп эрининг берган озорларидан адои тамом бўлган Фариданинг мана бу каби маҳзун ҳолатлари кишини титратиб юборади: «Қайта-қайта дуо қилди. Жойнамозини йиғиб, токчага қўйди. Дераза олдига ўтирди. Кўзлари қаршисидagi уй тоmidан чуғурлашаётган чумчуқларга тушди. Жўшиб, берилиб, завқ билан сайрашаётганди. Уяларида бир кунлик егулик мавжуд бўлган кунни, балки ҳеч қачон бошидан ўтказишмагандир. Шунга қарамай, бирор дарди, ташвиши йўқлигини англатганди бу сайрашлар... «Ажабо, буларнинг турсунлари, ҳасанлари йўқмикан?.. Ҳеч дарди йўқмикин буларнинг?..» дея ўйлади Фариди. Шунда улар сингари бир қуш бўлишни, улардек дардсиз, ўйсиз бўлишни, улар каби узоқ-узоқларга учиб кетишни, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдиган ўлкаларда ватан тутишни, бировни танимайдиган қишлоқларга бориб яшашни шундай истаётгандики...» Асарда бадфеъл эри туфайли адоқсиз уқубат чеккан аёлнинг алам тўла қалб изтироблари ана шу тарзда баён этилган ўринлар талайгина...

Ҳасан бамисоли тикандан чиққан гул. У отаси каби ўғри бўлиб яшашдан ҳазар қилади. Ҳасан ҳалол, диёнатли муштипар онасининг маҳзун нигоҳларидан мутаассир бўлиб улғаяди. Унинг туфайли иймон-эътиқодли бўлиб вояга етади. Тақдир унга Лутфуллоҳ амаки, Ориф хожа, Солиҳбейдек ажойиб кишиларни дуч қилади. Уларнинг беғараз меҳр-муруввати, тарбияси туфайли ҳаётда ўз ўрнини топади. Адиб Ориф хожа, Солиҳбей, Лутфуллоҳ амаки образларида одамларга чуқур меҳр ва ҳамдардлик билан қарайдиган кишиларнинг олижаноб қиёфасини кўрсатади.

Ҳасан нима қилишини билмай, изтироб чекиб юрган пайтида Ориф хожа унга беғараз кўмаклашади. Ҳасан қалбида эзгуликка интилиш кучли бўлгани боис Солиҳбейнинг ишончини қозонади. Романда Ҳасан ҳаёти мисолида тақдир ҳар бир кишини яхши кишиларга рўбарў қилиши, буни, албатта, қадрлаш лозимлиги

таъкидланади. Ориф хожа, Солиҳбей, Лутфуллоҳ амаки образлари ҳар бир кишига ҳаётда ўз ўрнини топишга сабабчи бўлган одамларни эслатади. Бу эса асарнинг таъсир қуввати кучлилигидан далолат беради.

Оддий одамлар турмуши чуқур меҳр ва ҳамдардлик билан қаламга олинган мазкур асарда инсонни тубанлаштирадиган иллатларга эътибор қаратилади. Ичкилик барча ёмонликларнинг асоси эканлиги таъкидланади. Ичкиликни лаззат, саодат деб билладиган Турсуннинг жирканч ахлоқи кўрсатилади. Майхона – қарғиш теккан, жирканч жой, унинг ҳавоси бадбўй, қўланса. Чунки бу ерга оч ва яланғоч гўдакларнинг ризқидан юлиб олинган нарсалар келтирилади. Бу ерни макон қилиб олган кишилар умри исроф бўлаётгани хусусида мутлақо ўйламайди. Майхона, қиморхоналар инсоният саодати ўлдириб сотиладиган, оилаларни барбод қиладиган маразлар маркази. Майхоначи мол-дунё йиғиш илинжида биргина ичувчининг ҳаётига эмас, бир оиланинг, миллатнинг кундалик ҳаётига, келажагига тажовуз қилади, дейилади.

Ҳасан билан Турсун табиатан бир-бирига тамоман тескари кишилар. Турсун ўғрилиқ қилиш, қимор ўйнашдан роҳатланади. У шу одати туфайли аянчли ўлим топади. Унинг ўғли Ҳасан эса бошқаларга наф етказишга, кўмаклашишга интилади. Ҳасаннинг қалбидаги мана шу инсоний ҳис онаси Фариданинг тарбияси, инсоний бурчини чуқур ҳис қилган, йймон-эътиқоди мустаҳкам кишиларнинг таъсирида улғаяди. Романда бу каби мураккаб жараёнлар ишонарли ифода қилинади. Ҳасаннинг бошидан кечирганлари, азобли ўй-кечинмалари, Лутфуллоҳ амаки, Ориф хожа, Солиҳбейнинг инсоний бурчини англаш жараёнлари ҳаётий воқеалар асосида очиб берилади. Ҳасан ва унинг отаси Турсун тўғрисида «Бири гул бўлса, иккинчиси тиканга ўхшарди. Бунга ажабланмаслик керак. Чунки тиканнинг танасида ҳам гул бўлади», дейилади. Аянчли ўлим топган Турсуннинг қабри усти тиканлар, қичитқи ўтлар билан тўла бўлгани маълум қилинади...

Инсонга чуқур эҳтиром билан битилган «Сўнгги тўфон» романини ўқиган ҳар бир кишининг қалбини инсоний туйғулар, ўйлар қамраб олади.

*Абдулла УЛҒОВ,
филология фанлари номзоди, доцент*

*Инсоният учун холис ва самимий
хизмат қилаётган буюк инсон!..
Инсонийлик қадрини моддий бойликдан
устун кўрган... Виждон, қаноат ва пешона
тери билан яшашни хоҳлаган... Ҳақ ва адолат
туфайли ҳаловат топган шарафли инсон!..
Бу китоб СЕН учун ёзилди!..*

I

ҚИШ МАВСУМИ...

Халқнинг ярми қаҳратон қишнинг совуқ кунлари таҳликасида қолган бир пайтда иссиқ уйларида ҳузур қилиб ўтирган кимсалар бор. Уларда масъулият ҳисси йўқ. Ўз нархидан бир неча баробар қимматга сотилаётган қора кўмир виждони кир кимсалар кўнглидан дарак беради.

Ҳаво совуқ, аччиқ шамол эсиб турибди.

Яшаш иштиёқи берган ғайрат билан совуққа қарши курашаётган инсонлар кўп. Одамларнинг бу ҳолидан фойдаланиб, чўнтагини тўлдириб қолишни ўйлаётган кимсалар тиним билмайди.

Қалбида ҳамият туйғуси бўлмаган, ўзидан бошқани ўйламайдиган, ақли нафсига қул кишилар кўнгил ва одамийлик тушунчаларини англамайдилар, англай олмайдилар.

Булар баъзан ҳиссиз, қарашлари маъносиз болаларга дуч келишади.

Бу болалар нега ҳеч нарса ейишмайди. Уларга масъул бўлган ота-оналар айбими бу? Нега?

«Топса ҳам едирмайдими ё?!» деган савол туғилади.

* * *

Қиш фаслининг изғирини жонни ачитади. Аммо унинг ҳукми фақат бир мавсум, холос. Музлаган замин баҳор келса, албатта, уйғонади. Дарахтлар қайта куртаклайди. Кўзлар ҳайратдан ёнади. Юраклар тошади.

Ўшанда «Бу ерда қиш бўлмайдимиз?» деган савол ҳам берилади.

Одамларнинг манманлиги, бировни ўйламаслиги, совуқлиги қиш фаслини ҳам йўлда қолдиради. Улар ўз манфаатига боғлиқ бўлмаган барча ишни мутлақо унутишади.

Ғамхўрликка муҳтож одамлар томонга қалин парда тортишади. Бу пардага таъсир ўтказа оладиган ягона нарса – шафқат ва марҳамат туйғусидир. Аммо бу туйғу уларда топилмайди.

Баъзан бу парда ортидан фарёдлар эшитилади. Бу фарёд ва ёлворишларга эътибор бермайди.

Бу парда ортидан устига ифбат либосини ўраганларнинг ҳам бир фарёди эшитилади. Бу фарёд овозсиз. Бу инграшу фарёдлар бирор қалбга етиб бормайди, аммо унинг акс-содиси бутун еру осмонни тутади.

Бу акс-садолар инсонга инсонлигини эслатади. Ақлсизлигини ва ақлини фақат шахсий манфаат йўлида қўллаш инсонийликдан эмаслигини уқтиради. Ёрдамга муҳтож бўлганларга кўмаклашишга шошил, «Ҳеч нарсага муҳтож эмасдек турган, ифбат ва назокатини сақлаган нурли инсонларни топиб қўлидан тут!» деб буюради.

Бу амр юксак бир мақомда янграйди...

* * *

Январ ойининг иккинчи ярми... Изғиринли совуқ кунлар давом этарди.

Совуқдан тақиллаётган тишлар, қизарган қулоқлар, уюлган қовоқлар, уюшган қўллар ва оёқлар... сабр-бардош тугаб бораётганини кўрсатиб турарди.

Икки кун аввал уйда совуқдан қотиб ўлган ҳолда топилган бир эр-хотин ёнма-ён кўмилди.

Ночор аҳволда қолган одамларнинг дардига ким дармон бўлади?

Иссиққина хоналарида ётиб олиб, тамаки тутунини томоша қилаётганларми?

Ёки пул ишлаб қолиш дардида совуқнинг яна беш-ўн даража кўтарилишини кутаётганларми?

Умри давомида коинот Соҳибини эсламаган, инсониятнинг абадий саодатига чироқ тутган ҳадислар билан кўнгли ва ақлини боғламаган, «Қўшнисини оч экан, тўқ қорин билан тонг оттирганлар бизлардан эмас» ҳикматига эътибор қилмаганларми?

Ибрат нигоҳи билан қараган кўз, воқеаларни етарлича таҳлил қила олган ақл бундайлар юзида ибрат лавҳасини кўради ва ўқийди:

– Ҳақнинг ғазабини истайсанми?

– Йўқ!

– Халқнинг лаънатини-чи?..

– Йўқ!

– Ундай бўлса мендек бўлма...

Бу турдагилар инсониятга фақат бир марта – ўлганларидагина фойда келтирадилар.

* * *

Қизил байроқ мактаби ёнида оқшомгача кўмир тарқатилади. Бу ердан тўғри Иноятуллоҳ масжидига бориш мумкин. Икки юз эллик килолик кўмир пулини чўнтагига жойлаганлар қувонишади, навбати келганлар бирма-бир кўмирларини олиб қайтишади.

Бор кўмир тугади. Навбати келмаганлар, эртага олиш умиди билан тарқалдилар.

Шундай совақда соатлаб навбат кутиш, бир кунлик ишдан қолиш, эртага яна шу аёзда кутиш... Бундай нохуш ҳолатлар тамакининг кетма-кет туташини ва турли ножўя сўзларнинг айтилишига сабаб бўларди. Шундай пайтда овозини чиқармай, бетоқатлик бефойдалигини нафсига:

– Қўлга киритолмаганингга яраша ҳеч бўлмаса йўқотма! – дея уқтира олганлар ҳам бор.

Вақт жуда секин ўтади. Кўчалар кимсасиз қолди. Кўчани бошдан-оёқ сукунат қоплади. Онда-сонда итларнинг акиллаши эшитилади. Кўча чироқлари ўчиб, шаҳар уйқуга кетди.

Вайрона дейиш мумкин бўлган бир уйнинг эшиги очилди. Қоронғуда бир бош кўринди. Атрофга қаради. Қўлида сават кўтарган аёл секингина кўчага чиқди.

Аёл жуда кекса эди, кийимининг уवादаси чиқиб кетган; худди ўғриларга ўхшаб, чўчиб юра бошлади. Бироз юрди, сўнг тўхтаб, дам олди. У Қизил байроқ мактаби томон кетарди. Кўмир тарқатиладиган жойга етгунча икки марта тўхтаб дам олишга мажбур бўлди.

У босиб ўтган масофа беш ёшли бола учун ҳам узоқ ҳисобланмасди. Аммо шугина йўл унга оғир келди. Югуриш ёки юриш у ёқда турсин, юриб кетаётганларни кўрган-да ҳам ўзини чарчагандек ҳис қиларди.

Беш, ўн беш ёки йигирма беш ёшидаги ҳолатини эслаш-ни ҳам унутиб юборганди. Етмиш беш йиллик умрининг машаққатлари-ю азоблари ҳисобга олинса, у бу масофада икки марта тўхтаб, дам олишга ҳақли эди.

Ниҳоят, кўмир тарқатиладиган жойга етиб келди.

Хирагина ойдинлик қорани оқдан ажратиш имконини берарди. Аммо кундуз куни яхши кўролмайдиган кўзлар бундай ёруғликда истаган ишини бажариши амри маҳол.

Кампир тарашадек қотган бармоқлари билан қорларни четга сура бошлади. Топганини олиб, саватга солди. Қўллари мутлақо ҳеч нарсани сезмайдиган ҳолга келгунча ишлади. Кейин қўлларини қўлтиғи остига тиқди. Бироз исингач, қайта ишга киришди.

Аммо бирдан виждони ҳаракатга келди:

– Шу қилаётган ишинг тўғрими?

– Ибодатга мўлжалланган бино ёнида ўзингга тегишли бўлмаган кўмирни нега оляпсан?

– Сенга ўхшаган бошқа бечораларнинг ҳам бунда ҳақи бор-ку!

Бошини кўтариб, туманда ниманидир кўрмоқчи бўлгандек бир нуқтага тикилиб қолди.

Ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Ўз-ўзича гапирган бўлди: «Ястаниб, қаҳва ичиб ўтирганларни танимайсанми? Уларга учрашмайсанми? Уларга вазифаларини эслатмайсанми?»

Аммо бундан нима фойда?

Умри бўйи мол-давлатга банди бўлган кимсаларга виждон амри нимани ҳам тушунтирсин?! Тушунтира олганда эди, одамлар орасида бундай табақаланиш юзага келмасди.

Ярим жонга айланиб, бир оёғи гўрда бўлиб турганда бу ишларнинг нима кераги бор? Аслида ҳеч кимга тегишли бўлмаган, ҳеч кимнинг эътиборини тортмайдиган бир парча кўмирни олиш бировга зарар берадими?

Қўлтиқ орасига солинган қўллар бироз исинганди. Яна ҳаракатга тушди. Ёнғоқ донасидек келадиган кўмирлар саватга отилар, қўллар ўннга, чапга узаларди.

Майин қор ёға бошлади. Қўллар ҳаракати тезлашди. Бармоқлар яна тарашадек жонсиз ҳолга келди. Уйга қайтиш вақти бўлганди.

Базўр турди. Бели узилгудек оғирди. Бир-икки дақиқа юришга қийналди. Кейин:

– Бу бел тўғри бўлмайди, – дея саватга ёпишди. «Бисмиллоҳ», деб юра бошлади.

Уйдаги печкани ёқишни ва тезроқ исинишни ўйлади. Шу билан тонггача ухлайди. Кейин Аллоҳи Карим...

Соат бирга бонг урди. Бонг овози бир неча дақиқа шаҳар кўчаларида янграб турди. Яна жимжитлик чўкди. Фақатгина сават кўтарган аёлнинг оёқ товушлари ва бунга жўр бўлаётган ҳансирашигина эшитиларди.

Тун ярим бўлди, аммо кампир ҳали йўлнинг ярмини ҳам босгани йўқ.

Сават борган сари оғирлашиб, ҳар бир ташлаган қадами гўё уни уйидан узоқлаштираётганди. Тиззаларидан дармон кетиб, қўлларидаги қувват тугагандек эди.

Ёшлигида бундан бир неча баробар оғир юкларни нафас олмасдан кўтариб кетаверарди. Энди эса... Ягона фикри қўлидаги шу саватини уйига элтиш...

Кундузи бўлганида, бирор ўткинчи ёрдам берарди, эҳтимол. Аммо у умри давомида миннатга бўйин эгмаган, азоблар буриштирган юзини тиланчилик ва беорликнинг кири билан кирлатмаган ва оч қолмаслик учун бировлар берадиган тўрт-беш чақага кўз тикмаган эди.

Уят-ҳаё ҳисси уни бу йўлдан қайтариб турарди. Чорасизликдан ўғридек қилган бу ишига ҳам виждони рози бўлмаган, у ҳеч изн бермаганди. Учинчи марта дам олди. Сўнг юкини бир неча одим судради; шу маҳал орқадан оёқ тову-

ши қулоғига чалинди. Ўгирилиб қаради. Таниёлмади, бир одам келарди.

«Кўча бошигача саватни кўтаришармикан?» Бу фикр яшин тезлигида хаёлидан ўтди. Бунга жавоб топиш учун вақт керак эди.

Келаётган киши саватга қўл чўзди ва:

– Менга беринг! – дея қўлидан олди.

Елкасидан тоғ ағдарилган киши қандай енгиллик ҳис қилади? Кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олаётгани унинг қай даражада мамнунлигини билдирарди. Бутун коинотни сиғдирувчи қалб туйғуларини сўз билан ифодалаш мумкин эмас. Бу туйғуларни ўлчайдиган асбоб, тасвирлайдиган тил, ёзадиган қалам ҳали яратилмаган.

Қилинган яхшилик қилинаётган жойида қолди.

Куч-қуввати бор кишининг буни гапириши, яхшилик дейиши уятли. Аммо яхшилик кўрган кишининг ҳолатини кўз олдингизга келтирсангиз, у ҳис қилган мамнуният даражасини айтиб тугатиб бўлмайди. Орадан қирқ йил ўтар, аммо у яхшиликнинг хотираси ҳамон ёрқинлигича қалбда ўз ўрнини сақлаб қолади.

Яхшиликнинг катталигидан кўра яхшилик кўрган кишининг ҳолати муҳим. Яхшилик шу жиҳатдан баҳоланиши лозим. Кекса аёл миннатдорчилигини тинмай дуо қилиш билан билдирди. Саватни қўлидан олган одамнинг ким эканлигини билмайди, унга қараб:

– Сени Аллоҳ юборди, болам, дармоним қолмагани! – деди инграб.

Бу сўзлар ҳақиқатан инграшдек чиққанди.

Одамнинг қадамидан ортда қолмаслик учун ғайрат қиларди.

– Қул ҳалокатда қолмагунча Хизр учрамас экан. Хизр-мисан, кимсан, болам?..

Одам аёлнинг дуоларига эътибор қилмади. Гўё беш, олти, балки етти килолик саватни кўтариш учун бу дуо кўплик қилаётгандек.

Одам тез юрганлиги учун аёл бироз ортда қолди. Ораларидаги масофа бироз узоқлашди... Аёл эса тинмай дуо қилмоқда эди.

– Аллоҳ сендан рози бўлсин, нима мақсадинг бўлса етишгин!..

– Ушлаганинг олтин бўлсин, болам!..

– Аллоҳ дард кўрсатмасин. Сенга ҳам хизмат қилувчилар топилсин, болам! – дер, бир томондан ундан ортда қолмасликка ҳаракат қиларди.

Олдинда кетаётган киши бу дуоларни эшитмасди. Аммо дуолар унинг эшитиши учун эмас, Яратганнинг, ҳамма нарсага қодир бўлган, ёрдам берган Аллоҳнинг ризолиги учун қилинаётганди, қийин аҳволда қолганида келиб, ёрдам берган бу одамга кампир мукофот берилишини истарди.

Бу пайтда одам аёлниги уйига буриладиган жойга етиб келди. Аёл:

– Тўхта, ўғлим, ўша ерда қолдир! – деди. Аммо у кимса тўхтамади. Эшитмаслиги мумкин эмасди. Яна такрорлади. Ҳеч нарса ўзгармади.

Аёл бор кучини оёқларига тўплади. Гўё югураётганди. Тўрт-беш қадам қолганда яна гапирди:

– Ҳой, тўхта! Саватни қаерга олиб кетяпсан?!

Баланд овозда айтилган бу гап одамни тўхтатди. Ўғирилди:

– Нима дедингиз?

Ғалати савол эди. Биринчи кўриб тургандек эди.

– Саватимни қўй, деяпман!

– Нима деб алжираяпсиз?!

– Болам, сават меники. Ичидаги кўмирдан бошқа ёқадиган нарсам йўқ.

– Йўқ бўлса, мен нима қилай?! Уялмайсизми, шунча кўмирни ўғирлагани?..

– Ёлвораман, ўғлим, ёқишга ҳеч нарсам йўқ, совуқ қотаман!

– Қотавер! Шунча яшагансан.

Қария бу суҳбат асносида етиб келган ва саватга қўлини узатганди. Одам саватни четга тортиб:

– Нар и тур! Калтак егинг келмаяптими? – деди.

Аёл яна ёлворди:

– Нима бўлди, ўғлим! Қай аҳволдалигимни тушунмаяпсанми? Индамай олиб кетаверасанми? Саватимни олмасдан қўймайман. Ўзинг биласан, яна. Худога соламан, йўқса...

Одам индамай кета бошлади.

Аёл ҳам натижаси нима бўлишини ўйламасдан кўзи тушган катта бир тошга эгилди. Олиб отмоқчи эди. Аммо ололмади, музлаб қолганди. Ноилож қўлини тортди.

Нурсиз кўзлар кетаётган кишининг ортидан бир-икки дақиқа қараб қолди, кейин кампир:

– Аллоҳ жазоингни берсин, – деди ва музлаган ерга ўтириб қолди.

Одам масжидга бориладиган йўлда кўздан йўқолди. Кампир терлаб кетганди. Уйида ёқадиган ва исинадиган ҳеч нарса йўқ. У ўрндан амаллаб турди-да, оғир-оғир қадам ташлаб, вайронасининг эшигини очди. Уйининг совуқлиги ташқаридан асло фарқ қилмайди.

Ўйлайдиган аҳволда эмас. Бу тунгги фалокат умри давомидаги азобларнинг энг аччиғи бўлганди. Тўғри бориб, ётоғига кирди. Кўрпани бошига тортди, юмилган кўзларидан йирик-йирик икки томчи ёш думалаб, ёноқларига тушди.

Орадан яна бир соат вақт ўтди. Терлаган танаси муздек эди. Кўзлар ширин уйқуга кетгандек юмилди. Тинмай «Аллоҳ», «Аллоҳ» деяётган тили ҳам кўзлар юмилиши билан тинди.

* * *

Бу ҳодиса Турсун учун кутилмаган воқеа бўлганди.

Аввалига кампирнинг узундан-узоқ дуолари, кейин ёлворишлари Турсуннинг хатти-ҳаракати, берган «эркакча» жавоблари... Бир қўшиқнинг нағмаси каби оҳангдор эди. Турсун шундай вазиятдан фойдаланиб қолганлиги учун ўзидан мамнун бўлди.

Қадрдон дўстининг қўлидан тутгандек саватни маҳкам ушлаб олганди. Дунёнинг энг ширин нарсаи нима деб сўрасалар, шундай можаро натижасида қўлга киритилган «Мана бу ғанимат» дея саватни кўрсатарди.

«Неча пулга сотиш мумкин бу саватни?»

Турсун бу даражага борадиган жоҳиллардан эмас. Бу саватнинг алоҳида қадри бор. Ичидаги кўмир бир кечада ёниб битади, аммо сават шу тундан хотира бўлиб қолади. Турсун бунга ҳар қараганида ўша кеча хотирасини такрор ҳис қилади.

Масжидни орқада қолдирган Турсун шундай ширин халлар оғушида қоронғулик ичра кўздан йўқолди.

* * *

Уч кундан сўнг...

Инқилоб мактабининг учинчи синфида дарс тинглаётган болалар баъзан увиллаб эсаётган шамолга қулоқ тутсалар, баъзан кўз қири билан деразадан кўриниб турган боғчани, кўчани томоша қилишарди.

Синф ўртасида ёнаётган печка совуқнинг заҳрини кесади. Кирган совуқ ҳам иссиқ ҳавога дуч келиб мағлуб бўлади.

Сўнгги дарснинг охирларига келиб ўқитувчининг юзи буришди. Зотан, бошини партага қўйиб ухлаётган ўқувчини мамнуният билан томоша қилиб бўлмасди.

Ёнига келиб, қўли билан бошини силади ва:

– Ҳасан, ухлама, ўғлим! – деди.

Бош кўтарилди. Озғин чеҳра кўринди. Зўрға очилган бир жуфт кўз муаллимга боқди. Лабларидан уйқу аралаш бирикки сўз чиқди:

– Ухлаганим йўқ, устоз! Бошим айланаяпти?

– Нега, касалмисан?

– Йўқ, устоз!

– У ҳолда нега бошинг айланади?

– Билмайман, устоз!

Боланинг кўзлари яна юмилиб кетди. Бу кўзларда шўхлик йўқ. Ўқитувчи қайғуга ботди.

Кўнғироқ чалиниши билан болалар ҳовлига югуришди. Ҳамма чиқиб кетгач, ўқитувчи Ҳасаннинг ёнига келди. Елкаларидан силаб:

– Ҳасан, эрталаб нонушта қилдингми?

Ҳасан бошини кўтармай жавоб берди:

– Йўқ, хоним афанди, емадим.

– Нега емадинг, ўғлим?

– ...

Ҳасан бўғзига тиқилиб турган хўрсиниш-у кўзларида айланаётган ёшларни кўрсатмаслик учун бошини кўтармади.

Ўқитувчи саволини такрорламади, такрорлай олмади.

«Бор бўлса емасмидим?» деган жавобни эшитмасликни афзал кўргандир. Чунки боланинг аҳволидан шу нарса маълум эди. Ўқитувчи Ҳасаннинг иягидан ушлаб бошини кўтарди. Ёшга тўлган бир жуфт кўзга бир муддат қараб турди. Бу орада Ҳасан хўрсиниб йиғлай бошлади.

* * *

Ўша куни тушдан сўнг, дарслар тугагач, ўқитувчи Ҳасан билан бирга уйларига борди. Уйдаги манзара Ҳасаннинг нега нонушта қилмаганлигини яққол кўрсатиб турарди. Бу аҳволни кўриб, савол бериш, аҳволни тушунтиришни сўраш учун киши фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлиши керак. Моддий аҳволи бунақа оилада ҳузур-ҳаловат бўлиш-бўлмаслиги ҳам алоҳида бир масала...

* * *

Муаллима хоним Ҳасанларнинг харобасидан хафа бўлиб қайтди.

Дунёнинг қашшоқлигини шу уйда кўрди. Ёнида ҳолсизгина судралиб қадам ташлаётган Ҳасан:

– Мана уйимиз, устоз! – деганида уйни вайрона дейиш учун ҳам у кўп таъмир қилиниши лозимлигини бир қарашдаёқ тушунди, ичкарига киргач, фикри тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Уй ташқаридагидай совуқ эди. Жилмайишга уриниб қарши олган аёлга:

– Нега печка ёқмадингиз? – дейиш ноўрин эди. Бунақа саволни бериш ўта аҳмоқлик бўларди.

Бир жиҳатдан, бу манзарадан қаттиқ ранжиган муаллима қалбида мамнунлик ҳам пайдо бўлди. Чунки бу оила, бундай яшаш тарзини кўриб, ўз ҳолига шукр қилди. Шоҳо-

на ҳаёт кечиришга ўрганганлар ўз ҳолига шукр қилишлари учун бу ҳолни кўзлари билан кўришлари керак.

Китобларда, бадиий асарларда тасвирланадиган бу ҳаёт саҳнасини кўрганда инсоний туйғулардан буткул маҳрум кишигина ғамга ботмаслиги мумкин.

Бу оилани совуқ қиш ва очлик изтироби эзади.

Бу ҳолни сўз билан ифодалаш, чекилган азият, изтиробни тасвирлаш мушкул. Бу ҳолни фақат бошидан ўтказган кишигина ҳис қила олади.

Оқар сув ўтган жойида озми-кўпми из қолдиради. Баъзан жарликлар ҳосил қилади. Сув оқими тошларни, мустаҳкам қояларни парчалайди, вақти келиб қоялар қумга айланади.

Воқеалар ҳам шундай. Фақат улар қалбга таъсир қилади. Аламли воқеалар, изтиробли ҳодисалар юракни парчалаб емиради, кўнгилни куйдиради. Бу руҳий ҳолат инсоннинг юзида акс этади. Юз шу жиҳатдан қалб ойнаси вазифасини бажаради.

Шу боис ҳар бир инсон қиёфаси ҳақиқий маънодаги бир романдир. Фақат бу роман ёзувда, суҳбатда ифодаланмайди. Кўз билан ўқилади, қалб билан ҳис этилади. Аммо бу ҳаммаси эмас.

Шунингдек, бирор дарахтга қараб, фақат яшилликни, денгизга қараб, кўп сувни кўрган баъзи кимсалар одамлар юзида чизиқлардан бошқа нарсани кўра олишмайди.

Муаллима хоним Фариданинг юзидан кўп нарсани ўқиб олди. Булар ширин хотираларнинг излари эмас, балки аччиқ турмушнинг беомон зарбаларидан қолган чизиқлар эди, дейиш ҳақиқатга яқин.

Аёл муаллима бермоқчи бўлган пулни олмади.

– Отаси бирон нарса дейдими? – деган саволига:

– Йўқ, ҳеч нарса демайди, – деди, – Агар Ҳасанга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, тўғридан-тўғри ўзига қилинг.

Айтолмаётган нарсаси нима? Бу пулни Ҳасанга харжлолмасдан ўзим еб қўйишдан қўрқаман демоқчимми? Ёки айтолмайдиган бирор бўлак дарди борми? Ким биледи...

Ўша куни пешинда мижозларининг кўпчилиги ишсизлардан иборат қаҳвахона ёнидан бир тобутни кўтариб ўтишди.

Ўтирганлар ўзларини ўнглаган бўлди. Узатилган оёқлар йиғиштирилди. Лаблар пичирлади. Ўнг-сўлига қараб, савол берганлар ҳам бўлди. Ўтирганлардан айримлари эса бир кун ўзларининг ҳам шундай бўлишини унчалик англаб етмас, суёт эди.

Стул атрофида қарта ўйнаётганлардан бири, қарталарини ёпиб ўрнидан турди ва тобутни кўтариш учун даврадан ажралиб чиқди... Тобутни қўлдан-қўлга ўтказишаркан:

– Бисмиллоҳи ва ала миллати Расулulloҳ (Аллоҳнинг исми билан ва Расулulloҳнинг (с.а.в) бошлаган дини билан...) – дейишарди. Билмаганлар фақат «бисмиллоҳ» дер, кўтараётганлар мукофот ваъда қилган Аллоҳнинг раҳматини тилаб боришарди.

Қаҳвахонанинг айрим мижозлари озми-кўпми, инсонийлик вазифасини бажаргани боис кўнгли таскин топиб, ортга қайтдилар.

Стулда ўйин тўхтагани. Келиб жойларига ўтиришди. Оғзини очишга улгурмасдан ўртага олишди:

– Ҳа, Камол! Мулла бўлиб қолибсанми?

– Нега?

– Бу ерда шундай ўйин бўлаётганда жанозага қараб югурдинг-ку? Намоз ҳам ўқирсан, ҳали?!

– Бемаъни гапларни қўй. Марҳума маҳалламиздан.

– Тушундик.

– Кекса ва кимсасиз бечора аёл эди. Уйида совуқдан қотиб ўлибди. Икки кун ҳеч ким хабар олмаган экан.

– Тақдир, тақдир...

– Нимаси тақдир? Ўлибди, қутулибди, мана.

– Турсун, инсофсизлик қилма. Ўлим бу...

Турсун: «Ўлибди, қутулибди», деган бўлса-да, юраги бир зирқираб ўтди.

Уч кун аввал тундаги воқеа кўз олдига келди. Овози ўзгариб сўради:

– Совуқдан қотиб ўлибдими?

– Ҳа, икки кун уйда қолиб кетибди. Қўшнилар кампир кўринмай қолгач, хабар олишибди. Ўлигини топишибди.

Бошқа бири:

– Майли, майли, ўйинни давом эттирайлик, – деди.

Яна ўйин бошланди. Аммо Турсун ҳорғин кўринарди. Ниҳоят ўйин тугади. Яна бир қўл ўйнаш таклифи тушди, аммо Турсун эътироз билдирди. Ишим бор, деб кетди.

Аслида ҳеч қандай иши йўқ эди. Фақат кекса аёлнинг ўлими унинг кайфиятини бузганди.

Оғир-оғир қадам ташлаб, уйи томон йўл олди.

Уйига яқинлашаркан хотини бегона ва кўҳликкина кийинган бир аёлни кузатаётганини кўрди. Аёл кетаркан, у ҳам уйига етди. Турсуннинг вақт-бевақт келиши одат эди. Кечами-кундузми, эрталабми, кечқурунми яна кетарди. Умуман келмаган кунлари ҳам бўлар, қаерда бўлганлигини сўрашса, беадаблик билан ҳақорат сўзлар айтарди.

Шу сабаб ора-сира:

– Хуш келдингиз! – дейишар, у эса ҳуши келса жавоб берарди...

Яна бирор жанжал чиқармаслик учун Турсуннинг чеҳрасидан маъно уқиш ва шунга кўра муомала қилиш Фаридани учун одат эди.

Лекин Фаридани бу сафар адашганди. Чунки кўзи муаллимада бўлгани ҳолда, эшиккача келган Турсунга:

– Хуш келибсиз! – дейиши Турсуннинг таъбири билан айтганда, бевақт ўлиши эди. Ҳолбуки, Турсун бундай хато қаршисида сабрли бўлолмаслигини бир неча маротаба кўрсатганди.

– Шу бемаза сўзга нима эҳтиёж бор? – дегандек Фаридани хўмрайиб қаради. Бу қарашлар айна пайтда огоҳлантирар, вазиятга қараб, ҳаракат қилишинг керак, деди.

Яхши вазият нимани тақозо қилади? Қандай ва қайси сўз билан кутиб олиш керак? Буни шу дамда Турсун ҳам бил-

масди. Бу ҳаракатни ахлоқсизликнинг бир кўриниши деб қабул қилиш мумкин, холос.

Эшик олдида тўхтаб, тобора узоқлашиб бораётган аёлга яна бир неча дақиқа қараб турди ва:

– Ким бу аёл? – деб сўради.

– Ҳасаннинг ўқитувчиси.

Турсун жойида туриб гудранди:

– Жонга тегадиганлардан экан...

– Беодоблик қилма, Турсун.

– Беодоблик қилганим йўқ. Тўғрисини айтдим...

– Бирор кун яхши гап чиққанини эшитмаймизми, Турсун?

– Ааа! Ўзинг қандай гапиряпсан?

Ичкарига кирди.

– Туф, Аллоҳ жазоингни берсин. Икки дақиқа олдин келса бўлмасмиди бу одам! Нимага келибди ўзи?

– Ҳасан мактабда ҳушидан кетишига оз қолибди. Боши айланибди... – дея вазиятни тушунтирди Фарида.

– Келиб нима қилди? Бирон ишни қойиллатдим?

– Йўқ, нима қиларди?

– Сен одам бўлганингда кўп нарса ундирардинг ундан.

– Ундирардим! Унинг бола учун берганини отаси ерди, шундайми?

– У ёғи менинг ишим!

– Одамлар сенга хизматкор эмас.

Турсун негадир жаҳл қилмади. Бошқа пайт бўлганда ғазабланиб, жанжал бошларди. Тамаки олиб ёқди. Тутунини томоша қила бошлади. Хаёли марҳума кампирга кетди.

«Бизнинг маҳалладан бу марҳума, совуқдан қотиб ўлибдими, икки кун уйда қолиб кетибди...», деган гапларни қайта эшитгандек бўлди. Кейин ўша тунда қўлидан саватини олиб қўйган кампирнинг дуолари қулоғи остида жаранглади.

Турсуннинг кайфияти буткул тушиб кетганди. Ўрнидан туриб, бир бурчакка ташланган саватни топди. Оёқлари остига олиб, тегиб синдирди. Кейин печкага тикди. Гугурт чақиб туташтирди. Қўлларини печкага тутиб, исинишга ҳаракат қилди.

Сават часирлаб ёна бошлади. Ярим дақиқа ўтмасдан Турсун қўлларини печкадан тортишга мажбур бўлди.

Ўн дақиқача ўтиб, сават ўрнига бир сиқим кул қолди. Бир қисми тутун бўлиб, ҳавога учиб кетди. Энди ўша кеча ва ўша кампирдан Турсунга боғлиқ ҳеч нарса қолмаганди. Зеро, бу ҳодисанинг икки гувоҳи бор эди, бири ўлди, бири ёниб кул бўлди. Турсун бу воқеадан хабардор, уни биладиган ҳеч ким йўқ деб ўйларди.

Турсун учинчи бир шоҳиддан, ҳамма нарсани билувчи, кўрувчи, қилинган яхшилиқ ва ёмонлик қанчалик яширин бўлса ҳам хабардор бўлувчи гувоҳ борлигини билмасмиди?

Уни ҳеч ўйламасди. Ҳамма нарса саватнинг кул бўлиши билан тугади, деб ўзини ишонтиришни истарди.

Кампирнинг ўлими сабабини ким ҳам Турсундан кўрарди?

II

Турсуннинг ўғли Ҳасан... Алам ва изтиробга йўғрилган кунларни, ҳаётнинг турли аччиқ-чучукларини кўриб улғаяётган бир бечора гўдак... Меҳрибон ва қадрдон дўстга, тинч ва самимий бир оилага зор бола...

Гоҳо очлик ва совуқдан қутилган пайтлари ҳам бўларди. Исиққина шўрва ичган, яп-янги кийимлар кийиб, қор устида ўйнаган, музлаган қўлларини чўнтақларига солиб исинган пайтлари ҳам бўлган. Фақат уйғонганида буларнинг бари туш эканини билиб, хафа бўлиб кетади. Бунақа тушлар кўришдан қийналарди. Бечора бола...

Муаллима хоним уйларига келганидан икки кун кейин...

Пешинга яқин мактабдан қайтаётганда қулоқлари шанғиллаб, оёқларидан мадор қочган эди.

Уйда ёқишга ҳеч нарса йўқлигини билгани ҳолда онасидан печкани ёқишини сўраб, ёлвора бошлади.

Фариданинг қўлидан ҳеч иш келмасди. Ёқиши мумкин бўлган биргина қалбидан ўзга нарсаси йўқ эди. Шу боис ўғлининг дардига чора тополмаслиги ҳам аниқ.

Боласини овутиш учун қилган ҳаракатлари натижа бермади.
Кучи лабларини тишлашдан бошқасига етмади.

Ҳасан онасини тушунар, фақат охирида:

– Аммо аяжон, мен совқотяпман, – дейишдан ўзини тўхта-
та олмасди.

Ҳасан шундай дейишга ўзини ҳақли биларди. Чунки со-
вуқдан музлаб қолиш ҳеч гапмас. Аммо уйни иситишнинг
имкони йўқ эди.

Чорасизлик исканжаси орасида сиқилган она, гапирмас-
ликка ҳаракат қилган, аммо сабр-бардоши тўлган бечора
бир бола...

Бу ҳол онасини изтиробга солди. У умр бўйи сирларини
сақлаб келаётган деворга ўгирилди. Ўғлидан кўз ёшларини
яширди. Бундай маҳал ўқни сопқонда сақлаб бўлмаслиги-
ни унутди.

Ҳасанни пушаймонлик чуқур изтиробга солди. Шундай
бўлса ҳам, туриб онасининг ёнига келди ва:

– Йиғламанг ойижон, мен совқотганим йўқ! – деди.

Аммо ҳақиқат тамоман бунинг акси эди. Тишлари совуқ-
дан тақиллар, ҳатто сўзларни ҳам яхши айта олмасди.

Кўзлар тўқнашди. Бу тўқнашув бир муддат давом этди.
Она кўзларидаги меҳр-шафқат уни бағрига олди. Ҳеч қан-
дай кўз бундай боқмайди. Ҳасан онасининг кўзларидаги
маънони шу қадар чуқур англадики...

Она ўғлини қучиб, кўксига босди. Ҳасаннинг юзларига
муздек кийим тегди.

Икки муз бўлаги бир-бирига ёпиштирилса нима бўла-
ди? Ўртада шунга ўхшаган ҳолат мавжуд. Аммо бу икки
вужуд бир-бирларига боғлиқ эдилар, улар йиғлар ва изти-
роб чекишарди. Ҳар иккиси ҳам ўз дардини унутган, бир-
бирига тасалли беришга ҳаракат қиларди. Бир-бирларининг
дардини унуттиришга интилган икки бечора...

Ҳасан онасига тикилди. Онанинг юзида ҳаётнинг минг
бир азобларини кўриш мумкин эди.

Ҳасан бироз аввалги сўзларини такрорлади:

– Мен совқотганим йўқ, ойижон!..

Фарида кўзёшларини артди:

– Биладан совқотганингни, болам, аммо!..

Бошқа гапиролмади. Ҳасан унинг юзларига термулди. Фарида рўмолининг учи билан кўзларини артди.

Совқотиш ҳудудидан аллақачон ўтилганди. Бу ҳолда ҳаётни давом эттириш умиди сўниб борарди. Йўлларининг охири ўлим билан тугайдиганга ўхшарди.

Боласини яна бағрига босди. Ўпди, ҳидлади. Кўзлар тепага қадалди. Сўнгра хаста бир овозда:

– Мурувват қўлдан кетмасдан ол омонатингни... – дея ингради.

Ҳасан бу инграшнинг маъносини тушунадиган аҳволда эмас. Фақат онасининг илтижолари қабул қилинса, етим қоладигандек бўлиб юраги увишди.

– Ойижон!

– Нима, ўғлим?!

– Аллоҳ сизнинг дуоингизни қабул қилмайди.

– Нега болам?

– Чунки мен ҳам ёлвордим. Онаминг жонини олма, мени етим қолдирма, – дедим. – Сиз бўлмасангиз, кимни ойижон дейман?!

Мурғак бола бир-икки дақиқа қараб турди, сўнгра деди:

– Ўлгач, тупроқ бўласизми?!

Бу сўзлар бир жуфт кўзнинг юмилиб, ёноқларда икки томчи ёш пайдо бўлишига олиб келди.

Аслида кўзлар эмас, кўнгил йиғлар эди. Кўзлар эса бу оғунинг ёшларини оқизарди. Инжудек биллур доналар – ўттиз йилдирки кулиш нималигини билмаган юздан дард ва алам тўла кўкракка оқиб тушарди.

Бу дунёда Фариданинг кучи кўзёшларига етарди, холос. Кўзёш маҳзун қалбнинг садосиз тили эди.

Худди ердан буғланиб осмонга кўтарилган ва булутларга айланиб, яна ерга тушган ёмғирдек...

Сабр тошининг қачон парча-парча бўлганидан хабарсиз қолгани учун алам билан йиғлар, ўзи учун эмас, дунёга келишига сабаб бўлган бечора ўғли учун кўзёш тўкарди.

Яна кўзларини артди.

– Бўлди, болам, отангни топ, уйни иситиш учун бирор нима топиб келсин.

Ҳасан оёқ кийимларини кийиб, кўчага чиқди. Отаси бирор чора топа оладими?.. Ишониш қийин... Аммо чиқмаган жондан умид, балки ёлворса, печкага ёқиш учун бирор нарса топиб берар...

Ҳасан аввалига қаҳвахонага борди. Бу жой ишсизлар ёки ишдан чарчаб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлганлар билан тўла эди. Қуоқ тамаки тутунлари кўз очиргани қўймасди.

Тушунарсиз қийқириқ, шовқин-сурон қулоқни қоматга келтирарди. Столлар атрофи ёшу қари, турли одамлар билан тўла эди. Булар умр исрофи хусусида мутлақо ўйламайди. Вақтини, яна бир кунини ўтказиш учун бу ерда ўтиришарди.

Олди-қочди лофлар билан ўзларини хурсанд қилишарди.

Ора-сира ёнларига келган официантдан қаҳва, тамаки сўрашарди.

Ҳасан бир муддат у ёқ-бу ёққа қаради. Отасини кўрмади. Ёнига яқинлашган официант ундан нима кераклигини сўради. Аммо Ҳасан ҳеч нарса демай, қаҳвахонадан чиқди. Нафаси сиқилди. Ташқаридаги совуқ ҳаво ичкаридаги туманли бадбўй иссиқликдан баттар эди.

Бошқа бир қаҳвахонага борди. У ерда ҳам йўқ. Бошқа бир ўй Ҳасаннинг юрагини уюштирди: Ажабо, майхонадамикан? Қаҳвахоналардан топилмаган отасининг масжидда бўлмаслигига имони комил эди унинг.

Аммо у отасини қаҳвахонадан топишни истарди. Чунки дардини айтиш, аҳволни тушунтириш осонроқ бўларди. Оёқлари уни қўрқа-қўрқа майхонага бошлади. Ҳасан дунёнинг энг бахтсиз эшигини заиф қалби титраганча, дуолар билан отасининг бу ерда бўлмаслигини истаб очди.

Эшик очилиши билан дуою илтижолар тўхтади. Чунки бирдан Ҳасаннинг юзига: «Бу ерда дуо қилмагин!» дегандек урилган жирканч бир ҳаво, ҳаво эмас буғ, буғ эмас, оч ва яланғоч гўдаклар ризқидан юлиб қолинган ифлос бир ҳид урилди.

Бирдан боши айланган Ҳасан бурчақда бир қадаҳни кўрди. Уни ушлаган қўлнинг эгаси, қадаҳни завқ билан ичар ва икки бечорага масъуллиги мутлақо хаёлига ҳам келмасди.

Эшик очилиши билан майхоначи ўгирилиб қаради ва:

– Нима керак? – деди жаҳл билан. Бу ёшдаги бола ичимлик ичишга келмаслиги аниқ. Фақат унинг мижозини йўқлаб келиши мумкин. Шу боис у эшикни очган бирор бола, аёл ёки ақли расо одамни очиқ юз билан қарши олмасди.

Аммо бу қаршилаши куфрга тўла бўлса, ўзи ҳам ҳақорат эшитар ва натижа яхшилик билан тугамасди.

Шу сабаб, бечора майхоначи мижозларнинг пулини осонгина олиш учун аввал уларнинг шуурини йўқотиши, ақлини ишлатолмайдиган ҳолга келтириши лозим. Отасини излаб келган болага, албатта, очиқ чеҳра билан қарай олмас, қувонмасди ҳам. Шу боис икки масжид ўртасида қолган бенамоздек бир аҳволда:

– Нима керак? – деди.

Бу сўроқ:

«Даф бўл, кет, бу ердан!.. Менинг ризқим билан ўйнашма», дегани эди.

Майхоначи мол-дунё йиғиш илинжида инсоннинг энг қимматли борлиғи – ақлига тажовуз қилиши биргина ичувчининг ҳаётига эмас, бир оила, миллат, ҳатто, келажакка тажовуз эканини ўйлаб ўтирмасди.

Бу ер инсоният саодати ўлдириб сотиладиган, оилаларни барбод қиладиган кучли идора марказидир.

Бу ерга одамлар ҳушёр, нимани гапиргани ва нима қилганини биладиган ҳолда кирадилар. Чўнтаклари тўла пул. Фақат чиққанларида ҳақиқий маънода ақлини йўқотишади. Чўнтаклари ҳам юкини енгиллатган бўлади. Юролмайти, оёқда туролмайти.

Бироздан сўнг еган-ичганини ичига сиғдирилмаганлар кўча-кўйда итдан баттар ҳолга тушадилар.

Ниҳоят, уйда бўладиган жанжаллар, жирканиб тозаланган кийимлар...

Майхона мўрисида тугун чиқади. Тушуниш қобилиятидан маҳрум бўлган кимса учун бу тугун билан бошқа уй-

лар мўриларидан чиқаётган тутунларнинг фарқи йўқ. Аммо аслида бу тутун тўрт девор орасида ўлим жазосига, абадий қамоққа маҳкум қилинган юраклардан чиққан оҳлардир.

Ҳеч бир жанг майдони, тарихда ўтган ҳеч бир бузғунчи гуруҳ кишиларга майхоначалик зарар беролмаган, унинг-дек фалокат етказмаган.

Бу ерга ичиш учун келганлар ушбу суҳбатга гувоҳ бўладилар:

– Бу ер инсоният саодати янчилган ердир!

– Биламан.

– Ақлинг, шууринг бузилишига розимисан?

– Ҳа.

– Ўзингни йўқотмасдан бу ердан чиқолмайсан!..

– Масалан...

– Виждонсиз киши бўлсанг, обрў-эътиборингни йўқотасан.

– Розиман.

– Оилангга, фарзандларингга ачинмайсанми?

– Йўқ.

– Сендан олдин бу ерга кирганларнинг ҳеч бири бирор фойда кўрмаган, зарар кўрмай чиқмаган!..

– Тушундик.

– Натижада, бир жанжал чиқади, ҳаёт барбод бўлади!

– Мумкин.

– Ундай бўлса, натижанинг мутлақо зарарлигини билган ҳолда, марҳамат, кир, ичкарига!..

Ичкарида уларни хоин бир назокат, алдоқчи, сохта кулиб турувчи юзлар кутиб олади. Гўё ранг-баранг шишаларда сақланиб турган ва ичган кимсани маҳв қилувчи шаробдек.

Ҳар кун бу ерда кўтарилган қадаҳ ва айтилган куфр сўзлар лаънат ёғдирувчидир. Уни ижод қилганга, уни инсонларга гўзал кўрсатганга Аллоҳнинг тўғри йўлини топиш учун ақл берсин.

Майхоначи тўплаган давлатга, у қурган фабрикага, у билан боғлиқ ҳамма нарсага лаънат...

У бир салтанат барпо қилган. Бу салтанатнинг асосидан ўлмасдан аввал маҳв этилган фалокатларнинг изтироблари,

қуриган суякларнинг шақирлашлари эшитилади. Унинг саройи кеча-кундуз тўкилган кўз ёшлар билан тўлган.

Майхоначида унга азалдан бегона бўлган икки нарса бор: виждон ва ачиниш туйғуси... У ҳар иккаласи билан ҳам умри давомида мутлақо танишмаган. Ҳолбуки, қилаётган ишлари шу икки туйғуга тегишлидир.

Одамнинг чин инсон бўлиши учун энг зарур бу икки фазилат шу эшиқдан кирган ҳар бир киши билан бирга киради, аммо майхоначи бу фазилатларни ҳақоратлаб қувади.

Бутун инсониятнинг саодат раҳбари, барча анбиё ва мурсалийннинг султони Пайғамбар (с.а.в) ичкиликни барча ёмонликларнинг онасидир, деганлар. Ичкилик балосидан сақланишга буюрганлар. Бу ерда эса ичкилик кимсага лаззат ва саодат беради, дейилади. Бу мальюн жойнинг ёмонлиги ҳақида ҳар қанча гапирилса кам. Уни бор ҳолича тасвирлашга сўз ожизлик қилади.

Майхоначи Аллоҳ ҳаром қилган, Пайғамбаримиз (с.а.в.) душман деб билган ичимликни одамларга гўзал қилиб кўрсатишга интилади. Бир кун коинот ҳурмати учун яратилган Расули Акрам (с.а.в.)га учрашни хаёлига ҳам келтирмайди.

Аммо шу нарса аниқки, эртага қуриладиган адолат тарозисининг бошида майхоначи бўлмайди, тарози у томонга босмайди.

Ҳеч бир нафс зулмга учрамайдиган ҳисоб-китоб кунда майхоначининг иши ичирган ичимликлари сабаб бўлган жиноятларнинг ҳисобини бериш, уларнинг жазосини тортиш бўлади. Қўлларига қадаҳларни тўлдириб бериб, фалокатларга бошлаган, саноқсиз маъсумлар юрагини доғлаган майхоначига бир кун азобининг шиддатли ва аёвсиз эканини кўрсатувчи Аллоҳ бор.

Ора-сира келиб, отасини олиб кетиш илинжида бўлган бечора болаларга лаънатлар ёғдирган майхоначининг юзи майхонада кулади, қалби фақат ўша жойда роҳат топади.

Бўғзигача қарзга ботганларнинг, аёлининг узук, ҳалқасини ҳам ичкилик учун сотганларнинг елкаларига қоқа-қоқа давлат йиғишга шошилган майхоначи, албатта, ўлжасини

қўлидан тортиб олишга интилган болани яхши кутиб олармиди? Шу сабаб остонада турган ва бурчакдаги столга қараётган болага:

– Нима керак? – деди.

Ҳасан ўзини ортга тортганча:

– Дадамни излаяпман! – деди.

– Даданг бу ерда йўқ.

– Ана бурчакдаги столда ўтирибди.

Майхоначи аслида Ҳасан кимнинг ўғли эканини билмасди. Гапининг тўғри ёки нотўғрилиги уни қизиқтирмайди. Мақсади болани бу ердан кеткизиш эди. Аммо Ҳасан кетмади, бурчак томон юра бошлади.

Турсун ўғлининг майхонага келишидан хурсандга ўхшамасди. Шунга қарамай, улфатлари олдида пинагини бузмай:

– Кел, ўғлим! – деди. – Ўтир, бу ерга.

Улфатларига қаради ва Ҳасанни таништирди:

– Мана, кичик Турсун!

Ширакайф-сархушлар унга яхши муомала қилишди. Ўзларини унинг амакижонларидек тутишди. Кейин бир қадаҳ «ширин сув»дан Ҳасанга тақдим этишди.

– Ол, қани, Ҳасан! – дейишди. Нималар бўлаётганини тушунган Ҳасан бирдан ақлини йиғди, нима учун келганини хотирлади.

– Мен ичмайман, дада, – деди.

– А-аа, бўлмайди, асло бўлмайди.

Бошқалар ҳам қўшилиб, ташвиқ қила бошлади, қадаҳни бир кўтаришда бўшатадиган ота ўғил эканини айтиб, мақтай бошладилар.

– Қани, Ҳасан!

– Амакингни уялтирма, ўғлим!

Ҳаммалари ҳар томондан гапириб, Ҳасанни шошириб қўйишди.

– Дада...

Аммо бу ерда унинг гапини ҳеч ким эшитмасди. Турсун ўғлининг гапини бўлди:

– Валдирама. Ичсанг, яхшиликча ич. Бўлмаса, бу ердан йўқол!

– Мени онам юбордилар, дада!
– Яна бирон иш буюрдими?.. Бир тийин ҳам йўқ!..
– Жуда совқотяпмиз, дада. Уйда ёқадиган ҳеч нарса йўқ.
– Қотиб ўлсаларинг яхши, мен ҳам қутуламан. Салом айт,
қотиб ўларкансан, де. Агар қотмаса, ўзим бориб қотираман...
– Дадажон...
Турсун чидолмади. Ҳезланганча ўрнидан турмоқчи бўлди.
Ҳасан дарҳол ортига тисарилиб, эшик томон кета бошлади.
Калтакдан қутулганига шубҳа йўқ эди.

* * *

Турсун яна ичди, маст бўлди, еру кўкни ажратолмай қолди. Тун-кунни фарқлолмайдиган сархушлар орасида одоб қоидаси ҳақида баҳс бошланди.

Турсуннинг ўғлига муомаласи мавзуга айланди. Кимнинг қай томондалиги номаълум. Турсунни ҳақли деб ҳисоблаган кимса бироздан сўнг уни айбларди. Улар бир-бирини ҳақоратлар эдилар.

Ҳақорат мастликка йўйиб кечирилар, бошқаси уни кечириб бўлмайдиган қилиб бўралаб сўкар, икки дақиқа ўтмай, яна узр сўраларди...

Ишни яхшилик, сулҳ йўли билан ҳал қилмоқчи бўлганлар ҳам бўлар, аммо яна бири оловга мой сепарди.

Жанжалнинг олдини «тоза қалбли» майхоначи олди. Ўртага кириб, бу ер уриш қиладиган жой эмаслигини, масалани ташқарида ҳал қилиш лозимлигини айтди.

Кейин мастлар майхоначи айтган пулларни тўлаши керак бўлди.

Рўйхатда кўрсатилган миқдорни ҳисоблаб чиқиш ҳеч бирига насиб қилмаганди. Бири бошқасининг қўлидан олар, ҳатто пулни ҳам санай олишмасди. Яна майхоначининг кўнгилли ёрдамидан фойдаландилар. У пулни қўлларидан олиб санади, кейин эса уларни аста ташқарига кузатиб қўйди.

Ичқарида бошланган жанжал ташқарида аланга олди. Фақат энди Ҳасанга қилинган муомаланинг ўринли ёки ўринсиз экани унутилди.

Шовқинлар атрофни тутар, очилган деразалар нафрат билан ёпилар, йўловчилар эса тезроқ ўтиб кетиш учун қадамларини тезлатишар эди.

Дабдурустан чалинган қоровул ҳуштаги мастларни ўзига келтиргандек бўлди. Ёнларида тўхтаган миршаб машинаси уларни ҳар томонга қочирди. Келган миршаб-қоровуллар ушлаган мастларини машинага солиб, безовта бўлганларнинг дуолари остида тўғри маҳкамага йўл олишди...

III

Ҳасан отасини излаб кетгач, Фарида аср намозига турди. Намоздан сўнг ёлвориб, эрига инсоф ва меҳр-мурувват ҳисси беришини Аллоҳдан сўрамоқчи эди. Қул шу қадар бардош бера оларди. Бундан ортиғига сабри етмас, эҳтимол. Аммо Ҳасан нима дейди? Ўн ёшли гўдак қачонгача бардош беради?

Намоздан сўнг бечора она Яратганга дуо қилди, қўл очиб ёлворди. Сассизгина йиғлади. Овоз чиқармасдан чин кўнглидан сўради, чорасизлигига чора топадиган, ярасига малҳам бўладиган ягона ва буюк мақом Соҳибига сизинди:

– Боламни тўйдириш, вояга етказиш учун бировларга муҳтож қилма! Ўзингдан бошқа паноҳим, суянчим йўқ! Қулларингга қул бўлишдан Ўзинг асра! Юзимни қора қилма!

Бу ниёзлар кимсасиз қолиб, ҳар томондан тугаб битган бир она қалбидан чиқаётган илтижолар эди. Фақат ётиб ухлаш эҳтиёжини ҳис қилгандагина уйи ва оиласи борлигини эслайдиган эрининг шафқатсиз зарбалари уни ва боласини шу ҳолга келтирганди.

Чин қалбидан дунё эмас, дунёнинг Соҳиб ва Эгаси билан ёлғиз қолган, ҳаёти давомида одоб ва тарбиядан, ифбат ва назокатдан айирмаслигини тилаган она кўзларини артаркан, эшик тақиллади. Ўрнидан туриб, жойнамозини йиғиштирди. Бир четга қўйиб, эшик томон юрди.

Кўчада ҳеч ким йўқ эди, фақат ўн беш қадамча нарида Лутфуллоҳ амаки кетиб борарди.

– Лутфуллоҳ амаки, эшикни сиз тақиллатдингизми? – деб сўради Фариди.

– Ҳа, қизим, мен тақиллатгандим, ҳеч ким йўқ, шекилли, дея кетаётгандим, – деди ва атрофга бир қараб олгач, секингина:

– Бироздан кейин икки арава кўмир келади, хабардор қилиб қўйай дегандим, – деди.

Фарида ҳайрон бўлиб:

– Аммо... – дея гап бошлади. Амаки унинг гапини бўлди. Аслида Фариди гапини давом эттира олмасди. Чунки нима дейишни билмасди.

– Ортиқча гапни қўй, ташаккур билдиришнинг ҳам ҳожати йўқ, Бўпти, саломат бўл...

Фарида ўзини қўлга олиб:

– Лутфуллоҳ амаки... – деди. Амаки уни гапиртирмади:

– Кўп гапирма! – деди. Овози ва нигоҳидан ҳақиқатан ҳам гапни чўзмаслигини истаётгани кўришиб турарди.

Амаки шундай дея йўлида давом этаркан, Фариди ҳам кўзёшлар билан дуо қилди. Эшикни ёпиб:

– Аллоҳ сиздан рози бўлсин, – деди.

* * *

Лутфуллоҳ амаки – маҳалланинг ҳурматли инсонларидан бири. Бомдод намозини маҳалла масжидида ўқигач, уйига келиб бироз дам олиш учун диванга ёнбошлади. Печка гуриллаб ёнар, ташқаридаги совуқнинг бутун даҳшатини чип-пакка чиқарарди. Хона қиш ўртасида ёздек эди.

Аёли устига адёл ёпди.

– Ёпмасанг ҳам бўлади, уй иссиқ.

– Очиқ ётганнинг устига қор ёғади, дейишади.

– Бўпти, шунақа бўла қолсин.

Лутфуллоҳ амаки бироз ухлади.

– Нонушта тайёр, – дея аёли уйғотишга келганида, кўраётган туши чала қолди.

Дастурхонга келиб, нонушта қилди. Аллоҳга шукрона айтиб, ўрнидан турди. Кейин пальтосини кийиб, ишига кетди.

Тушликкача кўрган тушини эсламади. Бирдан хаёли она-сига кетди. Сўнг тушини эслай бошлади:

– Қандай яхши, ўғлим. Қиш ўртасида ёз, дединг. Биз томонлар ундай эмас.

Онаси шундай дея юзларини буриштирди.

«Бизни унутиб қўйдинг, демоқчими? Ажабо...» Нима бўлганда ҳам унинг жуда ночор аҳволдалиги аниқ эди.

Ора-сира аёли унга Фарида билан ўғлининг ҳолидан гап очар, чеккан азиятларини тушунтирарди. Кўнглида онасининг ҳурмати учун уларга кўмир олиб бериш истаги туғилди.

Бу орада Турсун, беодоблик тимсоли бўлган Турсун кўз олдида жонланаверди.

Турсунга яхшилик қилиш – ўйлаб кўриладиган масала...

У қилди, бу қилди, ниҳоят, Турсуннинг уйида озми-кўпми яшаганини ҳисобга олди. Иккита аравакашни чақирди ва кўмир келтиришларини айтди. Турсуннинг уйини тушунтирди. Кейин дўкондан вақтлироқ чиқди.

Йўл-йўлакай Фариданинг эшигини қоқди. Кейин Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) уч марта қоқилганда эшик очилмаса, уй соҳибларини дуо қилиб кетиши керак, деган амрларини эслади ва: «Аллоҳим, шу оилага бу дунёда ҳам, охиратда ҳам раҳмат хазиналарингдан эҳсон қил», дея уйига йўл олгандики, эшик очилиб:

Фарида:

– Лутфуллоҳ амаки! Эшикни сиз тақиллатдингизми? – деди.

* * *

Ҳасан йиғлаб уйига қайтди. Йиғлашдан бошқа иш қўлидан келмаслиги ҳам аниқ. Нима ҳам дерди. Аслида ўлим қўл чўзиб турган икки бечорага: «Қотиб ўл!» деган отадан яхшилик кутиб бўладими?

Уйдан чиққанига бир соат бўлди. Бечора онаси нима қилаётган экан? Дунёда ягона таянчи бўлган онажони ҳузурига шошиларкан, отасининг яна маст-аласт ҳолда келиб, жанжал чиқаришидан қўрқиб, Аллоҳга ёлворди.

Рўпарадаги кўчадан келаётган арава билан бирга уй томон кета бошлади. Арава кўмирга тўла эди. Ҳасан аравага ҳавас билан қаради. У учун ҳозир шу аравадан қимматлироқ нарса йўқ эди.

«Ким билади, қайси бахтли кишиникига кетаётган экан... Ҳеч бўлмаса, икки донасигина бизники бўлсайди...», дея ҳавасланди.

Уй рўпарасига келиб тўхташганда, Ҳасан эшикни қоқди. Шу маҳал арава ҳам тўхтади.

– Ўғлим, Турсуннинг уйи қаерда?

– Шу ер, амаки!

– Яхши, ундай бўлса, қани, хабар бер, кўмир келди, де. Ҳасан қулоқларига ишонмади.

– Адаш... – деди.

Аравакаш асабийлашди:

– Сен нимани биласан? Тўғрими, хатоми? Тезроқ хабар бер!

Шундай дея арава устига чиқиб, куракни қўлига олди.

Эшик очилди.

– Она, бизникига кўмир келиши керакмиди?

Аравани эшик олдида кўрган Фариданинг кўзлари чақнаб кетди:

– Ҳа, ўғлим, қара, келибди.

Ҳасан бирдан онасининг қучоғига отилди. Бўйнидан қучди.

Кейин:

– Яшасин, кўмир келди!.. – дея севинганча югура бошлади.

Ҳасаннинг аҳволини бошидан кечирмаган болалар учун уйига кўмир келиши севишига сабаб бўлолмасди. Аммо кишининг совуғини ҳис этган бола учун...

Чўл ёки жазирама кунда қум ўртасида чанқаган кимсага бериладиган бир қултум сув билан чашма бўйида ўтирган одамга бериладиган бир пиёла сув орасида фарқ йўқлигини айтиш учун киши бир тош ёки қоя парчаси каби ҳиссиз бўлиши керак.

Ҳасан онасига қаради. Онаси яна йиғлаётганди. Аммо бу йиғлашнинг икки соат олдингисидан фарқи бор эди. Шу боис онасига тасалли бериб ўтирмади.

Аравакаш қўлидаги курак билан кўмирларни туширар, тезроқ бўшатиб кетмоқчи экани кўриниб турарди.

У икки томонига ёпишган кўмирларни бир-икки қоқиб туширгач, аравага чиқди ва тизгинларни қўлига олди:

– Қани, кетдик!.. – дея тизгинни тортди. От бошини эгиб юриб кетди.

Ҳасан бир муддат арава ортидан миннатдорчилик билан қараб турди. Қалби тил билан айтолмайдиган даражада дуоларга тўлиб тошар, кўксида ажиб туйғулар жўш урарди. Бу дуоларнинг ҳаммаси аравакаш билан боғлиқ эди.

Бу кўмир қаердан келди?.. Бироз аввал уни қувлаб солган дадаси юбориши мумкин эмас.

Эшик ёнида иккинчи бир арава тўхтади. У ҳам кўмир тўкиб кетди.

* * *

Ўша оқшом печка ёнида ўтираркан, Ҳасаннинг қалбини тўлдирган севинчни кўпчилик ҳис қилолмасди.

Фарида ора-сира Лутфуллоҳ амакини дуо қилар, унга ўхшаганларни яратгани учун Аллоҳга шукроналар айтар эди.

Шу ўринда она-боланинг кўнглини кемираётган бир нарсани айтиб ўтиш жоиз.

Хотини ва фарзандини ўйламайдиган отанинг бўлиши, албатта аламли эди.

Ҳасан бир томондан печка ёнида исинар ва дарс қиларкан, иккинчи томондан «ана келади-мана келади», дея отасини ўйларди. «Келмасин» демасди. Аммо келишини ҳам истамасди. Чунки отасининг уйда бўлмаслиги уйда уруш-жанжалнинг йўқлиги эди.

Турсун уйда бўлса йўқ жойдан жанжал чиқарарди.

Очлик ва совуқдан азоб тортган бу икки бечорани эзувчи, ҳақоратловчи бу ота, ҳеч бўлмаса, шу кеч келмасайди...

Ҳасан отасиз бўлишни шунчалар хоҳлардики...

Турсун болалигидан бирон марта болтага соп бўлмаганди. Сабаб-бесабаб мактабдан қочарди, бирон марта ҳам яхши ишга қўл урмасди.

Ўрта мактабни зўрға тамомлаган Турсун отаси:

– Эти сизники, суяги бизники, – дея жойлаштирган дўкончини ҳам тезда безор қилди.

Қисқа вақт ичида қилган турли ярамасликлари, ҳақоратлари, ҳатто дўкондан нарса ўғирлашидан безор бўлган дўкончи:

– Дўконда барака қолмади, бизни бундан қутқаринг, – дея қувиб юборганди.

Кунларни ойлар, ойларни йиллар ортда қолдирди. Аммо Турсун бирорта ёмон хулқидан воз кечмади, аксинча, улар кўпайиб борарди.

Насиҳатларни тингламади, калтаклар кор қилмади.

Туни билан кўча кезиш, ёмон жойларда ётиб қолиш Турсун учун тарк этилмас одат тусига кирганди.

Кичкиналигидан ота-онасининг умидларини чиппакка чиқариб, уларга худди душмандек муносабатда бўлиб, азоб берди. Ота-она ҳам фарзандидан қўлларини ювиб, қўлтиққа уришди.

Аскарликка бормасдан аввал бир-икки нохуш ишларга араллашиб, ҳибсхона билан ҳам танишганди. Аммо буларнинг ҳеч бири унга таъсир қилмади.

Бир-икки йил аскар қочоғи сифатида қидирилди. Қаерда юргани, нималар қилганини ҳеч ким билмайди. Яна бир нохуш воқеа содир бўлиб, қамоқхонага тушди. Жазо сўнггида аскарликка жўнатилди.

Аскарлик тартиби ҳам унга таъсир ўтказолмади. Турсун – ўша-ўша Турсун эди. Гўё у ёвузлик қилиб, кишиларга зулм ўтказиб яшашга онт ичгандек эди.

Аскарликдан қайтгач, уйланди. Ота-онасини минг марта пушаймон қилган Турсун, ўз таъбири билан айтганда, дунёдан эркин ва бемалол нафас олди. Бутун мол-мулк қўлига ўтди. Отасининг узоқ йиллар давомида пешона тери билан топганини қисқа вақт ичида ҳавога совурди. Ҳашаматли уй сотилди, боғ кетди, ерлар қўлдан чиқди.

Ўгли Ҳасан бошланғич синфга эндигина бораётганида ҳозирги яшаётган харобага келишга мажбур бўлди. Бир замонлар ўзига тўқ яшаган оила қисқа вақт ичида ночор аҳволга тушди, вайрон бўлди.

Бирор марга оиласи билан ўтириб, ширин суҳбат қурмаган, фарзандини қучоғига олиб, эркаламаган Турсун ўз оталик бурчини қай даражада бажараётгани маълум эди.

Бу ҳол асло орзу қилинмайди, душманга ҳам раво кўрилмайди...

Турсун эшикдан чиқиб кетиши билан Ҳасаннинг қалби бироз тасалли топади.

Бу қалб ҳақсизлик берган зарбалар, масъулиятсизликнинг аччиқ изтироблари остида эзилган, меҳр-шафқатга зор бўлиб, ҳасрат аламида ёниб-қовурилган, кўз ёшлари билан ювилганди. Бола отасининг ақлсиз ҳаракатларидан тўйганди.

Бу қалбга бир тил битса-ю, сўзлаш имконияти берилса ва: «Бу дунёда нима истайсан?» деб сўралса, «Бўйнига осилиб, тўйиб-тўйиб ҳидлайдиган бир ота...», деган жавобни берарди.

Чунки қидириб тополмагани шудир. Гўдакнинг она сугига, она қучоғига эҳтиёжи бўлганидек, у ота меҳр-муҳаббатига ҳам муҳтождир.

Ҳасан бу кеча кўпчилик одамлар умрларида жуда кам эриша оладиган бахтиёрлик ичида эди. Кечагина қўрқув ва даҳшат солиб турган изғириннинг увиллаши бу оқшом унга худди мусиқадай, она алласидек хуш ёқаётганди. Печка ёнида исиниб, қизарган юзлари маҳзун. Аламли кулимсиради.

– Она!

– Нимайди, болам?

– Лутфуллоҳ амаки бизга ким бўладилар?

– Ҳеч кимимиз эмас, ўғлим, қўшнимиз.

– Ундай бўлса, нега бизга кўмир берди?

– Аллоҳнинг ризолиги учун.

– Катта бўлганимда мен ҳам Аллоҳнинг ризолиги учун кўмир бераман.

– Иншааллоҳ, болам. Аллоҳ ўша кунларга етказсин.

– Она!

– Нима, ўғлим?

– Нега дадам ҳам Аллоҳ ризолиги учун бизга кўмир олиб бермайдилар?

Фарида бундай савол кутмаганди. Нима деб жавоб беришни билмади. Нима дейиши мумкин? Фақат аламли ва хаста овозда:

– Билмадим, ўғлим, – дея олди. Бу сўз аслида: «Сен сўрама, мен айтмай...» қабилида айтилган эди.

Жуда яхши биларди. Унинг бирор нарса келтиришига умид қилиш аҳмоқлик эканини ҳам биларди. Ундан ҳеч нарса кутмасди.

Шу дамда совуқдан қутулиб севинаётган ўғлининг улғайиб, Турсунга ўхшамаслигини ўйлашдан бошқа хаёли йўқдек эди. Иссиқдан Ҳасаннинг кўзлари юмила бошлади. Фарида ўрнидан турди. Ҳасаннинг устини ёпди ва меҳр билан сочларини силаб ўпди.

Фарида печка ёнида сув иситиб, таҳорат олди. Намоз ўқиди. Аллоҳга шукроналар айтиб, Лутфуллоҳ амакини дуо қилди.

* * *

Ўша кеча Лутфуллоҳ амакининг юзи инсонийлик вазифасини бажаргани учун ором топган қалбининг ойнасидек эди гўё...

Ўзига вақтинча омонат қилиб берилган Аллоҳнинг мулкидан бир қисмини, ночор аҳволдаги бир қулига беришнинг севинчи юзларини нурлантирарди. Чунки унинг учун дуога қўллар очилганди. Дуоларнинг нурли акслари унинг чеҳраси ва қалбига тушар, кўнглини ҳузурга тўлдирар, юзида табассум ҳосил қиларди.

Аёли пиёласини учинчи марта чойга тўлдираркан, «Риёзус-солиҳийн»ни қўлига олди. Очди. Кўпинча шундай қилар, дуч келган ҳадисдан ўқирди. 243-ҳадис: «Бирор киши мўминлардан бирининг қайғуларидан бирини кетказиб, уни шодлантирса, Аллоҳ ҳам қиёматда унинг қайғуларини кетказди.

Кимки ночор одамнинг аҳволини енгиллатса, Аллоҳ ҳам дунё ва охиратда унинг мушкулини осон қилади.

Кимки бир мусулмоннинг айбини бекитса, Аллоҳ ҳам дунё ва охиратда унинг айбини бекитади.

Бир қул дин биродарига ёрдамлашса, шу сабаб Аллоҳ унга жаннат йўлини осонлаштиради.

Қай бир жамоа масжидларнинг бирида тўпланиб, Қуръон ўқиб ва ўзаро музокара қилса, уларга сакинат нозил бўлиб, раҳмат қоплайди, малаклар уларни ўрайди.

Амали ортда қолган кишининг насаби юқори кўтарилмайдиган.

Китобни ёпди. Бу бир тасодиф бўлиши мумкин эмас эди. Ҳақ ризолиги учун покиза ниятда қилинган яхшиликнинг бу дунёда олинган муждаси эди бу.

Хаёл узоқ-узоқларга олиб кетди.

Ўзининг инсонпарвар эканини бировларга билдириш учун турли чоралар кўрувчиларнинг ёнида ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир кишининг билмаслигини биринчи ўринга қўйганлар ҳам борлиги – ҳамма-ҳаммаси ҳақида ўйлади.

– Чойингиз совиб қоляпти, дадаси!..

Хаёлини аёлининг гапи бўлди. Қўли пиёлага чўзилди, «бисмиллоҳ» дея чойдан ҳўплади.

IV

Гарчанд маҳкама Турсун учун янги жой бўлмаса-да, у бу ерни ёқтирмайди. Қайта-қайта кириб чиққан бўлишига қарамай Турсунга бу ернинг ҳавоси ёқмасди.

Пок виждонли, тўғри ва ҳалол одамлар бундай жой зарур деб билишса, Турсун ундан шунчалик нафратланардики, имкони бўлса, у биринчи бўлиб маҳкамани йўқ қилиб юборарди.

Қалби миршабларга нисбатан кин ва адоватга тўла эди. «Афанди, акажон», деб турли илтижолар қилиб турса-да, орқаларидан энг ёмон сўкиш сўзларни айтарди.

Миршаблар бўлмаган дунёда кайфу сафо билан яшашни хаёл қиларди. Шунда у ўзини Чорумнинг қироли ҳисобларди. Егани – олдида, емагани – кетида. Бир сўзи икки бўлмайдиган, истаганини қўлга киритадиган Турсун бўларди ўшанда.

Қаҳвахонада оёқларини узатиб ўтириш, бир-иккита ўзи ёқтирган улфатлари билан чақчақлашиш, уларга қаҳва, чой икром этиш, қаҳвахоначини «ўғлим», «болам» деб чақириб, бугунги ҳисобни бирор дўкондордан олишни буюриб, салом айтишни ҳам уқдириб, бу ердан чиқиб кетиш...

Рўйхатда қанча ҳисоблар қолганди. Оиласининг ейдиган, киядиган, ёқадиган ва бошқа қатор эҳтиёжларини дўкондорларга бирма-бир бўлиб бериш, саккиз-ўн кишини бу масалага бириктириш. Турсун бойнинг оиласига хизмат қилиш шарафини уларга бахш этарди. Улар Турсуннинг хизматкори, ёки хусусий қароли бўлиб, истаган вақт дўконларига кириб, бир-икки пиёла чойларини ичарди. Булар орасида майхоначи ҳам бор эди. Бутун ичкилик харажатларини унга юкларди. Эътироз қабул этилмайди.

Фақат... оҳ шу инсофсиз миршаблар бўлмаса, ҳар бир ташлаган қадамида уларга дуч келмаса... Ораларида бошланган қувлашмачоқ маҳкамада ниҳояланмаса...

Эҳ, ҳар доим уларга кулиб боқувчи фалак, бир кун келиб, Турсунга ҳам кулиб боқса...

Ана ўшанда улар ҳисоб-китоб қилинади, улардан интиқом олинади. Турсун илк байрамини ўша кун нишонлайди. Ҳаёт лаззатини ўшанда татийди...

Аммо Турсун бугун чорасиз. Бугун у бечора маҳзун, мазлум... Дардини тинглайдиган, сен ҳам ҳақмисан, дейдиган инсон йўқ...

Мана, ҳозир ярим тун, қаршисидаги комиссар билан адибади айтишади, унинг рухсатсиз бу ердан чиқолмайди. Эҳтимол, шу ерда тонг оттиради. Мамлакатда қонун бўлса, тенглик ва ҳуррият бўлса, нега бу ерда ўтирибди, нега унга истаганини қилишига йўл беришмайди?..

* * *

Навбатчи комиссар ярим тунда беш нафар мастни тур-
гизиб қўйганди. Қўрқув ва ҳаяжондан ярим ҳушёр ҳолатга
келган мастлар оёқда туришга ҳаракат қилишарди.

Комиссарнинг лаблари қимирлади:

– Бешта безори...

Улардан бири бу гапни базўр илғади. Шунда у:

– Тушунмадим, афандим!.. – деди.

Комиссарнинг баттар жаҳли чиқди:

– Тушунишингга ҳожат йўқ!..

Маст яна гапирди:

– Амрингиз билан, акажон.

Комиссар бир муддат у ёқдан бу ёққа юрди. Тамаки чи-
қарди. Турсун дарҳол гугурт узатди. Комиссар унга қара-
мади ҳам. Чўнтагидан гугурт чиқариб ёқди. Бир-икки дақиқа
тамаки тутатиб қайтгач:

– Уялмайсизларми, ярим тунда кўчада жанжал қилишга?
– деди.

Турсун:

– Жанжал қилганимиз йўқ, ака, бақирishaётгандик.

– Ааа... истасангиз бирга бақирishaмиз.

Бошқа бир маст эътироз билдирди:

– Бўлмайди, ака.

Турсун жавоб қилди:

– Гарбиямиз яхши эмас.

Комиссар қаҳқаҳа отиб юборди. Оғзидаги тамакиси ту-
шиб кетди. У рўпарасида турган паст бўйли, боши катта,
қирра бурун, нигоҳлари айёр одамга қаради. Лаблари
қалин, бўйни йўғон, панжалари эса калта эди. Тирноқлари
ярмидан кесилгандек, эни бўйидан узун бир аҳвол эди. Бу
бармоқ ва тирноқларнинг ўртача бўлиши учун бир-бирига
яна бир миқдордан уланиши керак. Ёқимсиз кийимидан бир
қарашда, кўйлак уники эмас, деган хулосага келиш мумкин
эди. Ҳақиқий бир безори.

Комиссарнинг тамакиси тушиб кетганидан фойдаланмоқ-
чи бўлган Турсун дарҳол тамаки узатди:

– Марҳамат, ака, олинг.

Комиссар ердаги тамакини оёғи билан эзаркан, рад қилди:

– Демак, тарбиянгиз яхши эмас, шундайми?

– Шундай, афандим.

– Ундай бўлса, бироз аввал кўчада жанжал қилаётганда сизлар ўша нозик тарбия билан ҳаракат қилгансизлар-да?!..

Бир-икки дақиқа тикилиб тургач:

– Дам олаётганларни, беморларни, бешикдаги гўдакларни ўйламадиларингми? – деди.

– Кечирасиз, мастлик...

– Кечиринг, афандим...

– Жоҳиллик қилдик, катталар кечирсинлар...

Комиссар бу ёлвориларга қараб ўтирадиган кимсага ўхшамасди:

– Аҳмоқлар! Сизларни кечириш миллатга душманлик қилиш эмасми? Бу нечанчиси? Унутиб қўйдиларингми?

– Бу охиргиси, ака... Яна қилсак...

– Албатта, албатта. Яна ўн марталаб қиласиз. Биз қорувул, сиз йўловчи бўлганингиздан кейин бу йўлда ҳали кўп тўқнаш келамиз.

Комиссар қўлини деворда осифлиқ турган катта, қора қамчига узатди. Мазасини ҳар бири етарлича биладиган ёқимсиз қамчи. Турсуннинг тиззаларида ўзгариш, ичида ҳаяжон сезилди. Кўзлар каттароқ очилиб, елкалар чўкди, мастлик ҳам тарқалгандек эди:

– Бизга раҳминг келсин, оға!..

– Афсусдамиз, жуда афсусдамиз!

– Бизнинг айбимиз йўқ, ишонсангиз...

Комиссарга бу гаплар ёқмаётган эди. Чунки булар барибир ўзгармайди.

– Сизлар аввал ўзларингга ачинишни ўрганинглр, етар, бас...

Ҳасан ва Фарида ширин уйқуда ётган бир пайтда Турсун калтак зарбидан инграб, ялиниб-ёлворарди.

Калтақдан бошқа ҳеч нарса қор қилмайди бу безори-ларга. Комиссар ўз ишини қилгач, ғоят оғир ва сокин қадамлар билан бориб, жойига ўтирди ва:

– Буларни олиб бориб қаманг! – дея буюрди.

Тонггача овозларини ўчириб ётиш шарти билан камерага ташладилар. Эшик қулфланди.

Бир муддат калтак зарбини ҳис қилишди. Оғриқ азобидан инграшди. Ўзларича комиссарни сўкишди. Кейинчалик олинадиган интиқом режаларига иловалар қўшилди. Кейин ҳеч ким ҳавас қилмайдиган бу торгина жойдан хуррак овозлари эшитилди...

* * *

Эрта тонгда маҳкамага келган маъмурлар назорат эшигининг тешигидан ичкарида ётган бешта безорини кўришди. Буларнинг бешаласи ҳам уларга таниш ва ҳеч бири ҳақида бирор яхши маълумот йўқ эди.

Янги иш бошлаган комиссар Турсун ва улфатларини ҳузурига чақирди. Қайта бундай безорилик қилмасликлари ҳақида сўз беришларини сўради.

Бу охиргиси, дея онг ичганларидан кейин қўйиб юборишди.

V

Турсун уйига келди. У жуда ҳорғин эди. Вужуди калтак зарбидан зирқираб оғрирди. Заифлашгани сезилди. Аввалгидек калтакларга бардоши йўқ.

Хонанинг иссиқлиги уни ажаблантирди. Ёнаётган печкага, кейин Фаридага қаради:

«Қаердан топдинг?» дегандек.

– Лутфуллоҳ амаки бериб кетдилар.

Турсун илтифотини яширмади:

– Офарин, шу ҳўкизга. Бу кетишда одам бўладиганга ўхшайди.

– Нега ҳўкиз дейсиз? Аллоҳ рози бўлсин, десангиз бўлмайдими?

– Бўлмайди. Битта кўмир берган бўлса, кўп иш қилибдими? Ортганини гўрига олиб кетармиди?

Фарида жавоб бермади. Турсун тамаки тутунларини ҳавода ўйнатаркан гапирди:

– Разил одам, бераркансан, шуни вақтида бер. Кўриб турибсанки, ҳеч нарса йўқ.

Бир-икки тамаки тортиб, давом этди:

– Бизда пул йўқ, дард кўп... Сенда пул кўп, тушунча йўқ, мия йўқ...

Турсун Лутфуллоҳ амакига раҳмат айтиш ўрнига, уни қарз олиб бермай, ниҳоят олиб келган одамдек кўраётганди. Бундай одамдан дуо қилишни кутиб бўлмасди.

Турсун тамакисини ўчираркан, Фарида сўради:

– Кеча қаерда эдингиз?

Турсун қисқа қилиб жавоб берди:

– Ишда эдим.

Кейин бир нарса эсига тушгандек:

– Ҳасан қани? Безори бола, кеча жаҳлимни чиқарди. Тўғрироғи, жаҳлимни чиқардиларинг. Ёнимга бориб, совуқ қотдик, дейди. Менга қара, Фарида, яна бир марта болани менинг ёнимга жўнатадиган бўлсанг, ўзингдан кўр... Икковингнинг ҳам таъзирингни бераман.

Гаплари таъсир қилишини кутиб, бир-икки дақиқа кутди. Яна бир нарсани эслагандек:

– Ҳа, менга қара, қорним оч. Кечадан буён туз тотганим йўқ. Бирор нима келтир.

Фарида борини ўртага қўйди. Шу пайт Ҳасан ичкарига кирди. Тўғри печка томон юрди. Овқатланишни бошлаган Турсун индамади. Бироздан сўнг:

– Ҳасан! – деди.

– Лаббай дада!

– Ҳўкиз Ҳасан!

– ...

Ҳасан бу иккинчи хитобга жавоб бера олмади. Айби нимада эканлигини билмоқчидек маҳзун кўзларини отасига тикди.

– Айбингни билмайсанми?

Ҳасан дудуқланди:

– Билмайман, дада.

– Зайтун неча марта тишлаб ейилади?

Ҳасан яна дудуқланди:

– Билмайман, дада.

– Шундоқ бўлсин. Биласан-ку, пул чойдан тўпланмайди. Ўзинг топсанг, истаганингча ишлатасан. Аммо ҳозирча бироз ўйлашинг шарт...

Овқатланишда давом этди. Аммо Ҳасан қўлини узатолмади.

Онаси чақирди:

– Ҳасан, есанг-чи, ўғлим!

– Тўйдим, ойи.

– Тўйдим? Ҳеч нарса еганинг йўқ-ку?

Ҳасан қўли билан қорнини кўрсатди:

– Менинг қорним кичкина, камгина есам ҳам тўяди.

Бу гапларни эркатой боладан эшитган ота-она қаҳ-қаҳа отиб куларди. Аммо тўйган ошқозонми, кўзларми – буни кўриб турган икки гувоҳ бор. Булардан бири аччиқ-аччиқ кулди.

Ҳасанга бошқа «Овқат е» дейилмади. Турсун ичида: Айтмасам ҳам бўлаверади деб ўйлади. У ўзига гард юқтиришни истамасди.

* * *

Уйига кўмир келганидан уч кун ўтгач, охирги дарсдан чиқмоқчи бўлиб тайёрланаётган Ҳасан ўқитувчисининг ишораси билан кутиб туриши кераклигини англади. Ундан бошқа яна икки синфдошига ҳам шундай ишора қилинган, улар ҳам қолишганди.

Ўқитувчиси уларга нима демоқчи?..

Ҳасан эргалабдан буён бўлган воқеаларни бир-бир эслади. Жазога лойиқ бирор иш қилмаганди. Бир неча кун аввал меҳр билан бошини силаган қўллар бугун уни калтакламаса керак...

Ўқитувчининг авзои жазо берадиган ҳолда эмас эди. Юзида жаҳлдан нишон ҳам йўқ.

Ўртоқларига қаради. Аммо улар ҳам ҳеч нарсани билишмасди. Синфда учаласидан бошқа ҳеч ким қолмади.

Ўқитувчиси иш столида бироз банд бўлди. Бу вақт Ҳасан ва ўртоқлари наздида бир соатга чўзилгандек бўлди.

Ниҳоят, ўқитувчиси бошини кўтариб:

– Мен билан юринглар, – деди.

Улар ўқитувчилар хонасига кириб боришди. Муаллима хоним бурчакдаги бир шкафни очди ва ичидан уч жуфт этик чиқарди ва:

– Буларни кийинглар-чи – деди.

Ҳасан эшитган гапларига ишонч ҳосил қилиш учун ўртоқларига қаради. Улар оёқ кийимларни кия бошлашди.

Муаллима:

– Қани, Ҳасан, ўғлим! – деди.

Кутишнинг ҳожати йўқ эди. Дарҳол кийди.

– Оёғингизга яхши турдимиз?

– Яхши.

– Ундай бўлса, этиклар сизларга.

Ҳасаннинг қулоқлари шанғиллаб кетди. Бир зумда қаршисидаги девор, дераза ва столларнинг рангги ўзгаргандек бўлди. Туш кўраётгандек. Умр бўйи орзу қилган этикларга эга бўлганди. Ўртоқлари муаллиманинг қўлларини ўпишди. Ҳасан ҳам.

– Бўлди, ўғилларим. Сумкаларингизни олиб, уйларингизга боринглар.

Ўртоқлари сумкаларини оларкан, Ҳасан этикчаларни еча бошлади.

– Нега ечяпсан, Ҳасан?!

– Кир бўлмасин, устоз.

Муаллима кулимсиради:

– Ўғлим, булар сенинг оёғингга хизмат қилиш учун чиқарилган. Сен уларга хизматчи бўлма. Молинг сенга хизматчи бўлсин, – деди.

Ҳасан яна этикларни кийди. Ўртоқлари билан хонадан чиқди. То уйга етгунча қалби ҳаяжонга тўлиб борди.

Уч кун аввал кўмир келди, бугун оёқлари этик кўрди. Энди тешик оёқ кийимлари билан видолашади. Кўпдан буён шундай бежирим этикларни орзу қиларди. Ўртоқларининг оёқларига ҳавас билан қарарди. Хатто бир кун яқин дўстига илтимос қилиб, унинг этикчасини кийиб кўрганди.

Ҳасанга отасининг этик олиб бермаслиги аниқ. Туфлим эскирди, деганида сўкиш эшитмаслик ҳам унга катта мукофот. Унинг туфлиси эскирмаслиги, кўйлаги йиртилмаслиги, бир марта олингани узоқ йиллар чидаши шарт. Вақтнинг ўтиши ёки Ҳасаннинг улғайишининг бунга алоқаси йўқ эди. Ўтган йили олинган туфлиси кийиб бўлмайдиган ҳолга келганини отасига айтганида:

– Кечагина олмаганмидик? Бунча тез эскиртиради бу бола? Бу киймайди, тишлаб тортади... – деган жавобни эшитган эди.

Баъзан:

– Ялангоёқ юриб, бироз ақли кирсин! – дер, қайта бу хусусда гапиришига йўл қўймасди.

Баъзида эса киноя билан:

– О!.. О!.. Амрингиз билан. Айтишга не ҳожат. Бир салом етади. Эртагаёқ дўконга бориб истаганингизни танлайсиз... – дея масҳара қиларди.

Отасининг масҳара қилаётганини кичкина Ҳасан ҳам тушунарди.

Ҳасан уйига кирар-кирмас севинч билан:

– Ойи! Этикларимга қаранг дея ҳайқирди.

Кейин онасининг нигоҳларини жавобсиз қолдирмаслик учун илова қилди:

– Мактабдан беришди! Муаллима опа бердилар!

Онанинг юзида мамнунлик ифодалари кўринди. Лаблари пичирлади. Бироздан сўнг бу мамнунлик ўрнини изтироб ва қайғу эгаллади. Чеҳрасидаги жилмайиш аламга айланди, нигоҳлари совуқлашди, кўз қовоқлари салқиб кетди.

Ҳасан бу ўзгаришларни ажабланганча кузатиб турарди. Севиндими, ранжидими? Билиб бўлмасди.

– Хурсанд эмасмисиз, ойижон?

– Хурсандман, болам.

– Юзингизда ғамгинлик?..

Фарида Ҳасанни бағрига босиб:

– Пулимиз бўлса, шуларни ўзимиз олсайдик. Бошқаларга муҳтож бўлмасак, дердим. Сен ҳам шундай бўлишни истамасмидинг, ўғлим? – деди.

– Албатта, истардим.
– Ранжиганимнинг сабаби мана шу.
– Нега бизга дадам олиб бермайдилар? Нега бирон жойда ишламайдилар?

Фарида хўрсинганча:

– Даданг топганини қиморга ютқзади. Уйга қандай қарасин? – деди.

Яна кўзлари ёшга тўлиб:

– Қимор балоси бўлмасайди, балки ҳозир биз ҳам бошқаларга ёрдам берадиган ҳолда бўлармидик... – деди.

Ҳасаннинг бошидан бамисоли бир челак сув қуйилгандек бўлди. Ҳар бир ҳужайраси ёнаётгандек эди.

Ҳасаннинг қалбида нафрат ҳисси уйғонди. Севинчидан асар ҳам қолмади. Демак, уйларининг вайронага айланишига, чексиз азоблар чекишларига, бир ширин сўз, бир қошиқ иссиқ овқатга муҳтож бўлишларига сабаб – қимор экан-да.

Нима бўлганда ҳам она-бола етарлича азоб тортишганди. Агар инсон дунёга дард чекиш, фалокат ва мусибатлар остида азобланиш учун келсайди, Ҳасан ва онаси бу вазифани нуқсонсиз ва мукамал шаклда бажарган бўларди.

* * *

Эртаси кун Ҳасан мактабга этик кийиб кетди. Ҳар бир қадамда этиги борлигини ҳис қилар, ора-сира уларга қараб қўярди.

Энди оёқларига сув ўтмайди. Пайпоқчалари тоза туради. Сешанба, чоршанба кунлари шу тарзда ўтди.

Пайшанба куни мактабга бормоқчи бўлиб, сумкасини кўтариб чиққанда ҳайрон бўлиб қолди. Этикчалар жойида йўқ эди. Оқшомда тозалаб, шу ерга қўйган эди.

У ёқ-бу ёққа қаради, уйни қидирди. Онасидан сўради. Йўқ! Аммо мактабга бориши керак. Яна эски ва йиртиқ туфлисини кийди. Икки кунлик танаффусдан сўнг яна хизматга чақирилган итоаткор эски туфлилар, эътирозсиз йўлга тушдилар. Ҳасанни мактабгача элтиш уларга оғирлик қилмасди.

Ҳасаннинг чеҳраси яна буришди. Икки кун шодланган юзлар яна эски ҳолга тушди. Хаёли дарсда эмас, этикчаларда.

Дарсда ҳам, танаффусда ҳам фақат этиклари ҳақида ўйлади.

«Ажабо? Бўлиши мумкин эмас... – дерди. – Даданг ҳақида бундай фикрга бормаслигинг керак...»

Ҳасан виждони йўл қўйган ҳамма нарса ҳақида ўйларди. Этик сиғмайдиган ва қўйилиши мумкин бўлмаган жойларни қидирди. Ниҳоят, ҳа, ниҳоят, виждонига қарши турди:

– Агар мен адашаётган бўлсам, кўрсат тўғриси! Топ, этикларимни! – дея ҳайқирди

Ҳайқирди, аммо бу ҳайқиришдан ҳеч бир наф йўқ эди.

* * *

Жума куни дарсдан кейин муаллима опанинг ишораси билан тўхтади.

Бошқа ўқувчилар синфдан чиқиб кетишгач, муаллима сўради:

– Сенинг, уканг борми, Ҳасан?!

– Йўқ, битта ўғилман.

– Ундай бўлса, нега этикларни киймаяпсан?! Бу туфлиларинг кийиб бўлмайдиган ҳолга келган-ку.

Кейин ҳазиллашди:

– Йўқса, кир бўлади, деб авайлаб юрибсанми?!

Ҳасан муаллимага нима деб жавоб беришни билмади. Бошини эгди. «Отам уни қиморда бой берган», дея олмасди.

Муаллима эса бунга хаёлига келтириши мумкин эмасди:

– Эртага бу оёқ кийимда кўрмайин сени, Ҳасан! – деди ва чиқиб кетди.

Муаллима опа ёш тўла кўзлардан, аламли нигоҳлардан беҳабар эди. Ҳасан йиғлаб юбормаслик учун тишини тишига қўйиб турарди.

Синфдан чиқаркан, Али билан тўқнаш келди:

– Ўқитувчи билан нимани гаплашдиларинг, Ҳасан?!

– Ҳеч нарса.

– Унда сени нимага синфда қолдирди? Ичкарида нима қилдиларинг?

– Кўзларим нега ғалати бўлиб қолганини сўради. Кўз қовоқларимни очиб кўрди.

– Ростданам кўзларингга нима қилди, йиғлаганга ўхшайсан?

– Бўпти, мен кетдим.

– Бўпти, Ҳасан.

Ҳасан Алининг ёнидан тезроқ кетишга интилди. Шошди. Бир дақиқа аввал бўлса ҳам, уйига етиб олиш учун бор кучини ишга солди...

* * *

Ҳасан ичи бўшалгунча, кўзлари қизаргунча тўйиб-тўйиб йиғлади...

Оқшом овқатланиш пайтида Турсунга ўғлининг кўзлари ёқмади:

– Нима бўлди, Ҳасан, кўзларинг қизарибди?

Ҳасан жавоб бермади.

– Гапирсанг-чи, нега йиғладинг? Ким урди?

Ҳасан бошини кўтарди:

– Этикчаларим учун йиғладим. Мактабга боришга уяляпман. Ўқитувчимиз бугун эски туфлида келганимнинг сабабини сўради, жавоб беролмадим.

– Унга нима, нега аралашади?

– Аралашмасинми? Ким берганди менга?

Турсун жавоб бермади. Ҳасан давом этди:

– Ўзингиз олиб бермайсиз, бошқалар берганини ҳам қўймайсиз.

– Мен сенга яхшисини олиб бераман.

– Менга бошқаси керак эмас.

Ҳасаннинг кўзлари яна ёшга тўлди. Бу сафар ўзини тутолмади. Дастурхондан туриб кетаркан қичқириб:

– Истасангиз, эски туфлимни ҳам олиб кетинг. Мен мактабга яланғоёқ бораман... – деди.

Шундай қилиб, Ҳасан йиғлаганча хонадан чиқиб кетди.

Эртаси куни Ҳасан яна ноилож эски туфлисини кийиб мактабга борди. Унинг бошқа чораси ҳам йўқ эди.

Ўқитувчи нима дейди? Яна янги этикни эслатадими? Агар эслатса, Ҳасан нима деб жавоб беради?

Бирдан-бир истаги – ўқитувчиси бу масалани қайта очмасин.

Шу хаёлда мактабга борди. Оёқларини яширишга ҳаракат қилди. Ўқитувчисига кўрсатмайди. Аммо бунинг имкони йўқ.

Юрагини ҳовучлаб, ўқитувчисидан нигоҳларини олиб қочди.

«Этикларни бермаганида эди, шу ҳолга тушмас эдим», дея ўйлади. Ўртоқларининг этикчаларини кўриб, кўзлари ёшланди. Демак, уларнинг оталари қимор ўйнашмайди.

Дарс тугаб, қўнғироқ чалинди. Ҳасан ўқитувчисига кўринмасдан кетиш учун бир нарса қидираётгандай ерга эгилди...

* * *

Кўмир келганига бир ҳафта бўлди. Ҳасан печка ёнида маза қилиб дарс қилди.

Ташқарида қаттиқ шамол эсади. Аммо энди улар аввалгидек қўрқинчли туюлмасди.

Шанба куни пешиндан сўнг Ҳасан онаси билан уйда ўтирган эдилар, уйлари ёнида бир арава тўхтагандек бўлди.

Деразадан қарашди. Дадаси билан яна икки киши ичкари кирди. Турсуннинг ёнида иккита бегона одам бор.

Булардан бири аравакаш.

Кўмирхона томонга юрдилар. Кейин курак билан кўмирни тунукага сола бошладилар.

Ҳасан ҳайратланиб, кузатиб турди. Аравакаш тўлган тунукани аравага бўшатди. Ҳасаннинг қалби ҳам бўшагандек бўлди.

Нима бўляпти? Бир ҳафта олдин олиб келган кўмирни нима сабабдан яна олиб кетишяпти? Бу келган бегона кишилар кимлар? Бу кўмирларни олиб кетишса, улар нима қилишади?

Ҳасан учун берилиши мумкин бўлмаган саволлар эди булар.

Унутила бошлаган кунлар яна жонланди. Кўз олди қоронгилашиб кетди.

– Кўмиримизни олманглар, одобсизлар... – бор овози билан бақирди Ҳасан.

Турсун ичкари кирди. Ҳасан сўради:

– Дада, нега кўмиримизни бериб юборяпсиз? Биз нима ёқамиз?

– Кўмирлар энди бу одамники, ўғлим, бизники эмас.

Сабабини сўрашнинг ҳожати йўқ эди. Тушунганди: яна ўша балонинг қурбони бўлишганди. Бунақа оилада, бунақа ота бошчилигида саодат юзини кўриш мутлақо имконсиз, жуда қийин эди.

Қўшни берган кўмирни ёқишга, мактаб берган этикни кийишга қўймайдиган ота...

Бундан ёмони бўлиши мумкинми? Кўнгиллар аллақачон ўлиб бўлганди. Яшаётган, яшаётган эмас, қашшоқликда азобланаётган вужудлар қолганди, холос.

Бу қалбда меҳр-шафқат учун бирор жой йўқ. Бу юрак оила фаровонлиги учун урмасликка онт ичганми? Бу одам оиласи учун фақат қашшоқлик ва фалокат келтирувчимми? Бошларида фақат калтак синдиради-ю, бирор марта силамайдимми?

Бу нигоҳлар совуқ, бу кўзлар ҳиссиз, бу ҳаракатлар инсофсиз, марҳаматсиз... Бу одам ота бўлишга мутлақо номуносиб...

Бир оилани азоблаш, роҳат юзини кўрсатмаслик мақсадида бўлган душман ҳам бунчалик қилмас. Бу душман эса виждон нималигини, оила бошлиғи бўлиш масъулиятини билмайди...

Ўғлининг юраги қон эди. Кўзлари отаси:

«Бу бемаъни ҳаракатларингиз қачон тугайди, қачон сизга ақл киради?» дегандек боқарди.

Отаси:

«Ҳеч нарса сўрама... – дегандек бўйинини эгиб:

– Нима қилай, ютқаздим... – деди.

– Кўмирни берманг, ҳақлари йўқ олишга!

– Аммо биз ютқаздик. Сўзимни бажаришим керак. Қайтиш мардликка ярашмайди.

– Ернинг тагига кирсин шу мардлик, беҳаё одам! Бизни совуқда оч-наҳор қолдириш мардликми? Сизга бироз раҳм қилсанг, мардлигингдан нимани йўқотассиз?

Бу гапларни эшитган Турсун тутақди. Афти буришди:

– Ўчир овозингни, йўқса, таъзирингни бераман, ўлдираман...

– Ўлиш сиз билан яшагандан кўра минг маротаба яхши!..

Бўлаётган жанжал ташқаридагиларни мутлақо қизиқтирмасди.

Улар ўз ишлари билан машғул. Фарида ортиқ чидаб туролмасди. Ҳовлига югуриб чиқди ва:

– Бу кўмирни олиб кетишга нима ҳақингиз бор? – деди.

Бундай саволни кутишмаган аравакаш ишини давом эттираркан, иккинчиси қўлидаги куракни ташлади ва ўгирилиб:

– Хоним опа, бу энди бизнинг молимиз. Бунни эрингиздан сўранг, – деди.

– Аммо бунда унинг ҳақи йўқ. Қўшнимиз яхшилиқ қилиб берганди. Қиморда ютқазсин, деб бергани йўқ.

Бу сўзлар унинг юзини буриштирди. Кўзлари совуқ йилтиллади. Кейин Турсунга қаради ва киноя билан:

– Шунақами, аҳмоқ? Опа тўғри гапиряптиларми? – деди.

Унинг бу гапи иссиқ ҳавони музлатадиган даражада совуқ эди. Шу гапни эшит ёки ўл дейишса, яшашни афзал кўради-ганлар жуда кам топилса керак. Яна ҳам очиқроғи, бу гапни эшитган ювош ит ҳам қутуради.

Турсун ўз шахсига айтилган бу гапни эшитиб турди. Кейин у ҳам оғзини очди. Бир нималар демоқчи бўлди.

Аммо бутун кучи биргина сўзни пичирлаб айтишга етди:

– Ҳа!

Улфатининг афти буришди. Овозидаги нафрат ортди:

– Лаънат сендек эркакка... Заррача инсонийлигинг бўлганида бундай қилмасдинг.

Турсун ҳайкалдек қотиб турар, жавоб бермасди. Ҳасан эса нафас олмас, жуда қайғуда эди. Аммо бу қайғу отасининг ҳақорат қилинганими ёки ҳақиқатан шундай ҳақоратга лойиқ отанинг фарзанди эканлигигами? Ёки ҳар иккала-

си учунми? Бу ҳақда ўйлаб, саволларга жавоб топадиган аҳволда эмас.

Бояги киши аравакашга қараб:

– Аравадаги кўмирларни тўкамиз, – деди.

Аравакаш кўмирларни яна тўка бошлади. Ҳалиги кимса Фаридага қаради:

– Уч кун аввал бир этик олиб борганди эрингиз?

Гапини давом эттиролмади. Ҳасан:

– У менинг этигим эди, амаки, – деб юборди.

Фарида илова қилди:

– Мактабдан беришганди. Болам икки кунгина кийди, холос.

– Яхши опа, ичкарига кириг.

Ўн беш дақиқа ўтмай, кўмирлар жойига қайтди. Аравакаш бояги одам узатган пулни олиб кетди.

Жўраси Турсунга яқинлашди. Паст овозда нимадир деди. Сухбат беш дақиқача давом этди. Кейин бояги одам чиқиб кетди.

Турсун ичкари кирди. Бир бурчакка ўтирди. Гапирмас, тамаки тутунларини томоша қилар, алланималарни ўйларди.

Биринчи тамаки иккинчисига, иккинчиси учинчисига уланди. Шу ҳолда йигирма дақиқа чекди.

Ташқарида майда қор ёға бошлади. Бироз ўтиб, капалак қорга айланди.

Дарахтлар қимир этмас эди. Шохлари силкинмас, гўё устига қулаётган капалаклар тойиб тушмаслиги учун эҳтиёт бўлиб, сукут сақлаётгандек эди.

Бироздан кейин кўмирнинг устини оппоқ қор қоплади. Қора рангни оққа бўяди.

Қушлар ҳам пана-панада оппоқ дарахтларни томоша қилар, ҳар жой-ҳар жойлардан бир-бирларига чуғурлашиб овоз беришарди. Аллоҳнинг қудратини бир-бирларига айтиб тугатолмасдилар.

Турсуннинг виждони шу кўмирдан ҳам қорамиди? Уни юмшатадиган, уни поклайдиган, ақлли инсонлар сафига қўшадиган бир ёмғир ёки қор унинг руҳига йўл тополмаганмиди?

Турсун: «Сизларнинг энг хайрлиларингиз аёллари ҳақида хайрли бўлганларингиздир», деган амрни билмасди. Оиласининг ризқи учун ҳаракат қилган, уларнинг ифбат ва номусини ҳимоя этган киши Аллоҳ йўлида курашганлар қатори шарафли ҳисобланиши ҳақида мутлақо ўйламасди.

«Ўзингизни ва оила аъзоларингизни жаҳаннам оташидан сақлангиз», деган амрни ҳам эшитмаган ёки умуман эътибор қилмаганди.

Ичкиликка сарфлаган пулининг тўртдан бирини оиласига харжласа, пулим бекор кетди, деб ўйлаб, шайтонга ҳам-моллик қилиб юрарди. Энг зарурий эҳтиёжлари учун сарфланган пулининг аламини икковининг – она-боланинг бурнидан чиқариб оларди.

Булар очиқмаслиги, совқотмаслиги, ҳеч нарса емасликлари керак эди.

Яхши ота дегани қандай бўлиши керак?

Турсун бу ҳақда бирор марта бўлса ҳам ўйлаб кўрмаган. Бу савол Турсун томонидан жавобсиз қолдирилиши муқаррар.

Ўша тегинмаслик шарти билан зарарли илоннинг минг йил яшаши у учун фарқсиз, ўзининг манфаати йўлида минг кишининг жони азобланиши, минг ўчоқнинг сўниши, минг оиланинг ҳузурсиз қолиши муҳим ҳодиса ҳисобланмайди...

Лутфуллоҳ амакининг Ҳақ ризолиги учун берган кўмири қиморга қўйилган, бу иш тўғрими-йўқми ўйлаб кўрмаганди.

Шунга қарамай Турсун гўё шарафли одам. У – эркак киши. Уйда хотини ва боласи совқотиш таҳликасида ўтирган бир пайтда у қиморда ютқазганини қайтариб олмайдиган даражада иззат-нафс соҳиби.

Шу дамда этикларни олиб келиш учун кетган улфати келгунга қадар уйда тикан устида ўтиргандек ўтирди. Чунки энди Турсун айбланади, қиморда ютқизганини хотини ёлвориб олиб қолибди, дейишади, мардликка доғ тушади, юзига солинади.

«Аҳмоқ хотин, бунча разилликни қайдан олдинг? Сен эмасми, мени дўсту ёр ичида изза қилган, одамлар юзига

қараёлмайдиган қилган?!» деб тавба қилгунча, қайтиб эрига қарши чиқмайдиган даражада калтаклаши, жонини олиши керак...

Турсун шу хаёлларда ўзини ўзи еб ўтирган маҳалда эшик тақиллади. Ҳасан деразадан қаради – бояги одам. Қўлидаги этикларини кўриб, ўрнидан сакраб турди ва бориб эшикни очди.

– Шу сенинг этигингми, ўғлим?

– Ҳа, амаки.

– Ол, кийиб юр.

– Раҳмат, амаки, кўп раҳмат.

Ичкарига севиниб кирди. Отасининг оғзи очилиб қолди.

– Мени шарманда қилдинг, хотин. Одамлар олдида бир чақалик обрўим қолмади. Шугина кўмир учун ёлвормасанг, совуқ қотиб ўлармидинг?..

Бу сўзларга жавоб берилмади.

* * *

Бутун маҳаллага етгулик дардли бу уйда чекилган ҳар бир «оҳ» остида Турсуннинг имзоси бор эди.

Ҳасан ётгани кирганда ҳам шу ҳақда ўйлади:

«Бошқаларнинг оталари ҳам шундайми? Ҳаммининг уйда жанжал бўладими? Бошқа оталар ҳам топганини қимор билан ичкиликка сарфлайдими? Уйда ўтирганида оиласи ва фарзандлари билан ширин-ширин суҳбатлар қурадиган оталар ҳам бормикан? Бўлса кимлар?..

Шундай хаёллар оғушида уйқуга кетди.

Ҳасан душанба куни мактабга яна этикчаларини кийиб борди.

Ҳасан бир куни бир ўртоғидан ўчирғич сўради. Кутилмаганда:

– Бозорда кўп... – деган жавобни олди.

Ҳасан бозорда кўплигини яхши билади. Аммо: «Ўчирғичим йўқ, деса, яхши, ўғлим», дея олиб берадиган отаси йўқ эди. Шу сабаб ўчирғичнинг бозорда кўплигидан фойда йўқ.

Бу жавобдан Ҳасан уялди. Битта ўчирғич учун изза бўлганига хафа бўлди. Хато қилган жойини чизиб, давом этди.

Дарслар тугаб, уйга кетаркан, ерда ётган ўчирғични кўриб қолди. Эгилиб олди. Синфда ҳеч ким йўқ эди. Уни бемалол чўнтагига солиш имкони бор эди. Кейин иккига, учга бўлиб, танимайдиган ҳолга келтириб, йил бўйи ишлатиши мумкин эди.

Аммо бу ўғирлик бўлади. Кўнгли хотиржам бўлмайди. Бу ўчирғич билан дафтарининг ҳамма саҳифаларини ўчириш мумкин эди. Аммо буни чўнтагига солса, қорайган виждонини бу ўчирғич тозалай олмасди.

Олиб бориб, ўқитувчисига берди. Синфдан топиб олганини айтди. Ўқитувчиси Ҳасандан мамнун бўлди. Раҳмат айтди.

Ҳасан ўчирғичи йўқлигини отасига айтганида, Турсун қовоғини солиб қаради:

«Шу кичкина эҳтиёжларингни ҳам мен ҳал қилайинми?» дегандек.

– Ҳеч ким ўчирғичини унутиб қолдирмайдими? – дея сўради.

– Қолдиради. Ҳатто бугун биттасини топиб ҳам олдим.

– Яхши, унда яна нима керак?

– У менинг ўчирғичим эмас-ку... Олиб бориб, ўқитувчимизга бердим.

Турсун шапалоқ егандек сапчиб турди:

– Аҳмоқ, тентак!.. Отанг пулни супуриб олармиди? – дея бақирди ва бўралаб сўқди, ниҳоят:

– Сендек ўғлим бўлганидан кўра, қўрамда бир тўда эчки бўлгани яхши эди... – деди.

Тақдирланишни кутган Ҳасан... Оқшомгача қилган ишидан вужудига сиғмаган Ҳасан... Отасидан ҳақоратли гап-

лар эшитиб, тўғри иш қилганига пушаймон бўладиган даражага келган бечора Ҳасан...

У бир бурчакка жимгина ўтирди. Отаси кўрсатган йўл тўғри эмаслигини ўйлади. Ҳеч бир виждонли киши буни тўғри деб маъқулламасди. Ким ўз молининг бошқалар томонидан рухсатсиз олинишига рози бўлади?

Эртаси кун муаллима синфдагилардан ўчирғични кўрсатиб сўради. Эгаси чиқмади. Балки уйдан қидириб тополмагач, бошқасини олган бирор бадавлат боланикидир. Аммо шу синфдагилардан бириники эканлиги шубҳасиз эди.

Муаллима яна-бир икки марта сўради. Ҳеч ким жавоб бермади. Дарс тугагач, Ҳасанни чақирди:

– Ҳасан сенинг ўчирғичинг борми?

– ...

Бор деса, ёлғон айтган бўлади. Йўқ дейишга тили бормайди.

– Бу ўчирғични сен оласан, Ҳасан! Кўрдинг-ку эгаси чиқмади. Ҳасан уни олди.

Кеча бу ўчирғичга эга бўлиши мумкин эди, аммо ҳақсиз бўларди. Бугун унинг эгаси. Аммо энди у тўғри, ҳақиқий эгаси. Натижа ўзгармаган: ахлоқсизлик билан олиниши мумкин бўлган нарса бироз сабр билан ҳалол тарзда қўлга киритилганди.

Энди Ҳасаннинг кўнгли хотиржам эди. «Ким нима деса десин, ҳалоллик билан оч қолиш, ҳийла билан жаҳонга эга бўлишдан кўра шарафлидир», деб ўргатган муаллимасининг гапига яна бир бор тан берди.

VI

Ҳасан бешинчи синфга ўтди. Шанба оқшоми эди. Овқатдан кейин отаси:

– Бу оқшом сен билан бирга ишлаймиз, ўғлим, – деди.

Ҳасан қандай иш эканини тушунмади. Шундай бўлса ҳам:

– Хўп, дада, – деди.

Аmmo отасида ишлашга ҳозирлик йўқ. Орадан бир ярим соатча вақт ўтди. Дадаси ўрнидан туравермагач, эслатди:

– Бирга ишлаймиз деган эдингиз, дада?

– Шошилиш яхши эмас, шайтон аралашади.

Ҳасан индамади.

Кўпдан буён Фариданинг ичини бир қурт емирарди. Бунинг маъносини ечолмаётганди. Фақат масжидга олиб бормаслигига ишонарди.

Ниҳоят, Турсун турди, Ҳасан ҳам.

Чиқишаркан Фарида эрининг қўлидан тутди.

– Ўғлимнинг бошига бало орттирадиганга ўхшайсан.

– Қандай?

– Мен қаердан билай? Кўнглим безовта.

– Васваса.

– Ёлвораман, Турсун...

– Бор, ишингни қил. Кўп гапирма.

Уйдан чиқдилар. Турсун шошилмасди. Ҳасан ҳали ҳам нима қилишларини, қаёққа боришларини билмасди.

Масжиддан чиққан бир-икки кишидан бўлак кўчада ҳеч ким йўқ эди.

Бир қаҳвахонага кирдилар.

Бир пиёладан чой ичдилар. Яна келтиришди.

Ҳасан бу сахийликнинг қаердан келганини тушуномасди.

Қаҳвахонада бир соатдан кўпроқ ўтиришди.

Қаҳванинг мижозлари ҳам камая бошлади. Стол-стуллар бўшай бошлади.

Отасининг «ишлаймиз» дегани бир-икки соат қаҳвахонада ўтириб қайтиш бўлмаса керак.

Қаҳвахонадан чиққач, уйга эмас, бошқа бир томонга юрдилар. Кимсасиз кўчаларда ота-ўғилнинг кезиши яхшилик аломати эмас.

– Дада!

– Нима дейсан?

– Уйга кетайлик.

– Нега?

– Кеч бўлди. Мен қўрқаяпман.

– Мен ёнингдаман-ку. Бирга ишлашимизни унутдингми?

– Ишламадик-ку?

– Ишни энди қиламиз.

– Нима қиламиз?

– Бироз сабр қил, ҳозир кўрасан.

– Менинг уйқум келаяпти.

– Эртага кўп ухлайсан.

Бироз юрдилар. Ниҳоят бир уй қаршисида тўхтадилар. Дадаси:

– Энди сенга нима қилишингни айтаман, – деди. Ҳасан қўрқади. Дадаси давом этди:

– Шу балкондан ичкарига кирамиз.

– Мен киролмайман, дада!

Турсун асабийлашди:

– Жаҳлимни чиқарма. Бойиб кетамиз. Бир кечада бойиб кетамиз. Сенга велосипед оламиз.

– Менга велосипед керак эмас.

– Нима истасанг, шуни оламиз.

– Ҳеч нарса керак эмас.

Дадаси чўнтагига қўл суқди.

– Буни истайсанми?

Ҳасан зўрға шаклини илғаган ялтироқ нарсани кўрди. Суякларигача титраб кетди. Кўргани учли, ўткир бир ханжар эди. Отаси томонидан ўғлига кўрсатилган таҳдид, ўғирлик қилиши учун кўрсатилган ханжар...

Ҳасан бунақа таҳдид остида қолишини, отаси шундай ифлос ишга мажбурлашини хаёлига ҳам келтирмаганди.

«Буни истайсанми?» деяётган отасига эътироз билдирса, нима қиларкан?

«Офарин, арслон юракли, ўғлим. Ҳар доим шундай бўл. Бола дегани шундай бўлади. Мен ҳазиллашгандим. Сени синаш, жасоратингни билиш учун шундай қилгандим...» дермиди?

Нохушлик билан дуч келиш бор эди тақдирда. Ҳасаннинг ёши бундай тақдирни қаҳрамонларча қаршилайдиган ёш эмасди. Мажбуран дудуқланди:

– Истамайман.

– Ундай бўлса, эшит.

Турсун Ҳасаннинг эътирози билан бўлса-да, атрофга кўз югуртирди. Ҳеч ким йўқ эди. Тушунтиришда давом этди:

– Балкондан керамиз. Ётоқхонага ўтамиз. Сен торт-маларни очиб, топганингни оласан.

– Мен қилолмайман.

– Гапни кўпайтирма, қиласан.

– Уйғониб қолишса...

– Бу ёғи сенга тегишли эмас.

Ҳасан йўлга чиққанига минг бор пушаймон бўлиб, қутулишни ўйлар, ҳаяжон ва қўрқувдан титрар эди.

Ота ҳам ҳаяжонланаётганди. Аммо қиладиган ишидан эмас, Ҳасаннинг уқувсизлиги панд бермасмикан, деган хавотирда эди.

Бу ёшдаги бола жасорат ва маҳорат талаб қилувчи бундай ишни осонликча қилолмасди.

Аммо яшаш учун ота касбига илк қадамини қўйиш керак эди. Новда ёшлигида эгилади, деб ота-боблар бекорга айтишмаган. Эртага катта бўлса, йўлга соллолмайман, деб қўрқарди, Турсун.

Қўлига бир неча чақа тушса, йўлга кириши осон бўлади.

Вақтни кеткизмаслик керак. Ҳасанни кўтариб, балконга чиқарди. Кейин ўзи ҳам чаққонлик билан сакради. Чўнтагидан бир қанча калит чиқариб, бир-бир солиб кўра бошлади.

Калитлар кирмаса, Ҳасан ичида бир енгиллик ҳис қилар. Бошқаларининг ҳам тушмаслиги учун дуо қиларди.

Аммо дуолари натижа бермади. Эшик енгилгина тиқирлаб очилди.

Турсун эшикка бироз қулоқ тутиб тургач, мушукдек ўзини ичкари олди. Қайсар эчкидек киришни истамаётган Ҳасанни чақириб: «Эҳтиёт бўл!» деди.

Ҳасан индамади. Бир муддат кутишди. Кейин Турсун олға бошлади. Бир қўли Ҳасанда эди, бирор нарсага урилмасдан ётоқхонага боргунча ўтган вақт оралиғида бу уйни ўн марта айланиб чиқса бўларди.

Ётоқхонада лампа ёниб турар, ғира-шира ойдинлик сезилар эди. Кўр бўлмаган киши учун тўқнашиш хавфи йўқ эди. Ота-ўғил оёқ учида юра бошлашди.

Турсун қўлини чўнтагига солди. Ҳасан қалтирай-қалтирай ўткир ханжарга қаради.

Яна титраб, қўрқа бошлади. Бақириб юбормаслик учун зўрға ўзини қўлга олди. Шафқат тилагандек мўлтираб отасига қаради...

Турсун уч қадам юрди. Ётоқхона ёнига келишди.

Ётоқхонада бир эркак ва бир аёл ётишар, ҳеч нарсадан хабарсиз ухлашарди. Турсун Ҳасанга ишора қилди.

Ҳасаннинг итоат қилишдан ўзга чораси йўқ.

Секин тортмалар ёнига борди ва очди. Бошқасини очди. Ҳасаннинг кўзлари чақнаб кетди: Бир маржон, бир жуфт тилла зирак бор эди.

Олиши керакми, йўқми? Отасига ханжарни ушлаб турарди. Қўрқув билан уларга тикилди. Қуш учишига йўл қўймайдиган аҳволда эди.

Ҳасан ётоқхонадагиларга ачиниб қаради. Уларга ачинганидай, ўзига, ҳатто отасига ҳам ачинарди.

Ҳалол меҳнат қилиб ишлаб топган, уйда роҳат ва ҳузур ичида уйқуга толган бу икки инсоннинг айби нима? Отаси бу кеча қўлга киритадиган нарсани қайси виждони билан ейди? Қандай қилиб виждон азобидан қутулиб, ўзини поклаши мумкин?

Олмаслиги, йўқ дейиши керак.

Олишга виждони йўл қўймади. Кўп кутиш фалокат келтиради. Кўз учида яна қаради. Кейин чўнтагидан дастрў-молни олиб, маржон ва зиракларни бир четга сурди ва устига ёпиб қўйди.

Турсун сезмади. Турсунга қўлларини: «Ҳеч нарса йўқ...» дегандек ишора қилди. Турсун ғазабланди. Мушукдек пишиб келиб, тортмаларга кўз ташлади. Ҳеч нарса йўқ эди... Фақат бир кир дастрўмол турарди. Қўлини узатди. Бу орада Ҳасан қўрқув ва ҳаяжонда ўзини йўқотиб, кичик тилини ютиб юборгандек, тиззалари ҳолсизланди. Юраги қинидан отилиб чиқиб кетай деди.

Турсун дастрўмолга узатган қўлини тортди. Олишдан воз кечди. Ҳасан энгил нафас олди. Секингина чиқишди. Бошқа хоналардан энгилроқ нарсалар излашди. Турсун нима бўлганда ҳам бу уйдан қўли бўш чиқишни истамасди.

Бир қоғоз топди, қисқача хат ёздирди. Ҳасан отасининг айтганларини қўллари титраганча ёзди. Кейин қоғозни тортамага, кир дастрўмол ёнига қўйишни буюрди.

Ҳасан яна ётоқхонага кирди. Қоғозчани қўйди. Ётганларга яна бир марта:

«Бахтингиз бор эканки, қутилдингиз!» дегандек қаради. Ҳақиқатдан, бахтли эдилар. Чунки бироз аввал осмонга қараб ухлаётган аёл бир томонга ўгирилган. Балки уйғониб яна уйқуга кетганди. Ҳолбуки, бу ўгирилиши бироз аввал бўлганда, ким билади, ҳаётига нуқта қўйилармиди?

Турсун қўлидаги бир нечта кичик нарсалар билан уйдан чиқаркан, ўзича ёмон сўзларини айтиб сўкинди.

Кўчага чиқдилар, кирганларига ярим соатдан кўпроқ вақт ўтган, бир соатга яқинлашганди. Ҳасаннинг шу тобдаги изтиробини бўлинса ҳафталарга, ҳатто ойларга етарди. Қоронғуликда уйга йўл олишаркан, отаси Ҳасаннинг хафалигини кетказиш учун тасалли берди:

– Хафа бўлма, Ҳасан, бу иш шундай. Ўн марта кирасан, бўш чиқасан. Бир марта кирасан, тўлиб-тошиб чиқасан. Кўрасан, яқинда бойиб кетамиз... Сен умидсизликка тушма...

* * *

Ҳасан отасининг илк сабоғидан кейин қандай бўлиши керак? Иккинчи таклиф қандай натижа беради? Давом этадимиз, ёки бошқа қилмайдими?

Турсун бир қарорга келаётганди. Уни одам қилиш учун бу биринчи иш камлик қилади. Ҳасанда мутлақо мамнуният аломатини кўрмади.

Мажбурлаб тайёрлаш мумкинми? Агар Ҳасанда қобилият ва истак бўлмаса, ҳаракатлари бефойда кетади. Сувдан ёғ чиқариб бўлмаслигини у яхши билади. Бу ишда қобилият ва истак бўлиши шарт. Балки дунёда ҳеч бир касб шу икки нарсага бу қадар боғлиқ эмасдир.

Шу кунгача Ҳасаннинг ўша ҳолидан дарак берадиган бирор аломатга гувоҳ бўлмаслик Турсун учун оғир бир дард эди. Ўғлининг мурувватини кўролмаслик қайғуси уни еб битираётганди. Шу сабаб унга қисқа вақт ичида бойиб кетишларини, истаган нарсасини олиб беришини, яхши уйларда яшашларини айтиб, болада истак уйғотмоқчи бўлди. Аммо ўғилда отани севинтирадиган бирор ҳаракат сезилмасди.

* * *

Ўша тун изтироблари Ҳасаннинг хотирасидан ўчмайди. Ётоғида жимгина, ҳеч нарсадан хабарсиз ётган икки маъсум ва бечора инсон... Уларнинг бошида ханжар кўтариб, ўлдиришга шай турган ота... Ўлим таҳдиди остида ўғирлик қилаётган бола... Тортмалар... Ёзиб ташлаб кетилган хат... Буларнинг ҳаммаси хаёлини неча кунлар банд қилди. Булар таъсирида кечалари ухлолмади. Ҳар бир «тиқ» этган овозга қулоқ тутди. Ўғри келяпти, деб кўзларини катта-катта очар, юраги қинидан отилиб чиққудек бўларди.

Аслида-ку бу уйга ўғри кирмайди. Киришни ўзига эп билмайди. Кирса ҳам бўш қўл билан пушаймон бўлиб чиқиб кетиши аниқ.

Ақл билан кўнгил бир йўлдан юрмайди. Ақлнинг йўли бошқа, кўнгилники бошқа... Ақлни хунук ва ёқимсиз дея санаган Лайли ўз тахтини Мажнуннинг кўнглига қуради. Ўзини унга дунёда тенгсиз деб қабул қилдиради. Икки кўнгил бир бўлгач, саҳроларни маъқул кўради. Ақл эса бу ерларни итларга ҳам раво кўрмайди.

Фарҳод Ширин учун тоғни ёради... Бунинг бари кўнгили фармони эмасми?

Ақлдан сўрасангиз, дунёда гўзаллар кўп, Ширинлар қанча дейди?

Аммо буни Фарҳодга тушунтириб бўлмайди. Мажнунга Лайлининг хунуклигини айтсангиз: «Унга менинг кўзим билан қаранг!» дейди.

Ҳасанларнинг уйига ўғрининг кириш-кирмаслиги ақл билан ўйланадиган бўлса, мутлақо киришга ҳожат йўқ. Аммо ўн икки ёшли боланинг кўнгли. У ақлнинг ҳукмига боғлиқ эмас. Ҳар бир «тиқ» этган товуш, сакраган мушук, қўшнининг очилган эшиги – буларнинг ҳаммаси Ҳасан учун ваҳимали эди. Кеч ухлаб, эрта уйғонарди.

Қайфияти мутлақо бузилган эди. Ўйлайверар-ўйлайверарди. Ўзини ўша нохуш ҳодиса таъсиридан қутқаролмасди.

Онасига ўша фожеани айтиб йиғлади, онасини ҳам йиғлатди.

Қайта бу ишга қўл урмайди. Қайси шартлар билан бўлмасин, бунақа ифлос, уятли, қўрқинчли ишга яқинлашмайди.

Шу ҳодисадан сўнг Ҳасаннинг дарсларида ҳам сусайиш кўзга ташланди. Ўқийдиган, ўқишга қизиқадиган бола дарс қилмайдиган бўлиб қолди. Қулоғига дарс кирмасди.

Муаллима хонимга унинг ҳолати ёқмади. Бир неча маротаба сўраб, тайинли жавоб ололмади.

Ҳасан: «Билмадим, устоз! Калламга кирмаяпти, сабабини билмайман» каби жавоблар берди. Ҳақиқатни айтиш унга оғир эди. Ҳақиқат шуки, айтиш – айб, сир сақлаш – мушкул...

Шу зайлда етти кун ўтди.

Ҳасан душанба куни яна истамайгина мактабга йўл олди. Хаёлида дарс, ошқозонида овқат йўқ.

Ўша куни мактабга янги ўқитувчи келди. Ўқувчилар унга қизиқиб қолишди. Беш дақиқадан сўнг ўқувчилар орасида:

– Дарс ўтишаркан...

– Янги ўқитувчи экан... – каби олди-қочди гаплар тарқалди. Ниҳоят, қўнғироқ чалинди. Синф ўқувчилар билан тўлди. Синфда янгича бир ҳаяжон бор эди. Бошқа ўқитувчининг дарси тингланади.

Ҳақиқатдан ҳам синфга ўқитувчилар билан бирга, ёш бир ўқитувчи ҳам кирди.

Муаллима хоним бу дарсни фақатгина тинглашини, дарсни эса янги ўқитувчи олиб боришини айтиб, бир четга ўтирди.

Янги ўқитувчи одамларнинг ҳар бири яшаш учун бир касбни эгаллаши лозимлиги ҳақида гапирди.

Шу пайт секингина эшик очилди. Мактаб директори ўқитувчини чақирди:

– Салима хоним!

Ўқитувчи дарҳол ташқарига чиқди. Икки дақиқа ўтмай, қўлида бир ҳужжат билан келди ва яна бир четда кузата бошлади.

Янги ўқитувчи ўзини мисол қилиб, бу йил ўқишни тугатиб ўқитувчи бўлишини айтди. Кейин бирма-бир сўрай бошлади:

– Сенинг отанг нима иш қилади?

– Баққол.

– Сеники?

– Дурадгорлик қиладилар.

– Сеники-чи қизим?

– Ўтинчи.

Ҳасаннинг юраги тез-тез ура бошлади. Ундан сўраб қолса-чи? Нима деб жавоб беради?

Ҳақиқатни айтолмасди.

«Ҳеч нарса қилмайди» десинми?

«Бирга ишлаймиз, талончилик қиламиз» дейиши керакмикан?

Кўп ўйлашга ҳожат қолмади.

– Сенинг отанг нима иш билан шуғулланади?

Савол Ҳасанга берилганди. Ҳасан нима дейишни билмай қолди.

Ўқитувчига: «Сўраманг, ёлвораман, сўраманг...», дегандек илтижоли термулди. Аммо ўқитувчи жавоб кутиб турарди.

– Сенинг исминг нима?

– Ҳасан...

– Яхши, айт-чи, Ҳасан, отанг нима иш қилади?

Ҳасан яна жавоб бермади. Бошини эгиб қолди. Сўрама-са, яхши бўларди.

Аммо кўп кутишнинг ҳожати қолмади. Чунки орқадан кимдир гапирди. Ҳасаннинг, ҳатто, ўқитувчининг ҳам юзини қизартирадиган бир овоз: «Айтолмайди... Чунки отаси ўғирлик қилади...» – деди.

Ҳасаннинг қалбига ўқ келиб тегди. Ўлиб-ўлолмади...

У маҳкум эди. Айбсиз айбдор, гуноҳсиз маҳкум. Отасининг жазосини бўйнига олган, қилмаган айби учун уялган, азобланган бир маҳкум...

Салима хоним ўрнидан туриб:

– Тарбиясиз... – деди ва ўша ўқувчига танбеҳ берди.

Муаллиманинг ҳаддан зиёд жаҳли чиққани кўриниб турарди.

Дарс бузилди. Бироздан сўнг Ҳасаннинг елкасига бир қўл келиб тегди. Ўқитувчи меҳр тўла овозда: «Хафа бўлма, ўғлим...» деди.

Муаллима тарбиядан гапирди, насиҳат қилди.

Янги ўқитувчи ўзи сабабчи бўлган бу нохуш ҳодиса учун виждон азобини тортар, бошини эгганча қулоқ соларди.

Буни ким айтди?

Ҳасан муаллиманинг гапларини тинглар, аммо кимга қарата айтилаётганлигини билмасди. Танаффус учун қўн-ғироқ чалинди.

Салима хоним янги ўқитувчи билан чиқиб кетди. Ҳасан ҳам синфдан чиқди. Энди у бирон девор ёки дарахт тагига бориб, дардини ичига ютиб, изтироблари билан ёлғиз қолади...

– Ким эди у гапирган?..

– Нега бақирди?..

– Синфда иккита ўқитувчи олдида уни ёмон кўрсатиб қандай завқ олди?..

– Душманлик қилиб айтдимиз ёки... Қаердан билган, кимдан эшитган? Уни билиши, ўч олиши керак: Шу пайт Ҳасаннинг ичидан бир хитоб келди:

«Ўғирлик қилган айбдорми ёки ўғрини ўғри деган айбдорми?»

«Ёлғонми?»

«Сенинг отанг эмас, бошқанинг отаси ўғрими?»

Нима дейди? Номусли одамга қилинган туҳмат эмас-ку...

Боғча ичида югура бошлади. Кимни қувлади? Кимдан қочди? Ҳеч кимдан! У ўша овозларни эшитмаслик, руҳига бераётган азоблардан қутулиш учун югурди. Чарчагунча, тентаклардек югурди...

Қўнғироқ чалинди. Ҳамма синфга кирди.

Ҳасан эса бурчакка ўтди... Йиғлади. Ўксиб-ўксиб, тўйиб-тўйиб йиғлади. Дунёга келганига пушаймонлар бўлиб йиғлади.

Қанча вақт ўтди? Ҳасан буни билмайди.

«Етар, бошқа чидолмайман», деди.

Бир дарахтга суянди. Ҳолдан тойди. Дам ола бошлади.

Шу маҳал синфдошларидан бири чиқиб, у ёқ-бу ёққа қарай бошлади. Ниҳоят уни кўриб ёнига келди:

– Ҳасан, ўқитувчи сени чақиряптилар, – деди.

Ҳасан индамай унга қўшилди. Ўзига бирор содиқ дўст қолмаган синф томон юрди.

Энди бу синфда мароқ билан дарс тинглашни, маза қилиб ўйнашни, ўртоқларининг юзига уялмасдан қарашни хаёлига келтиролмасди.

* * *

Салима хоним икки йил аввал Ҳасанларникига борганида унинг онаси пулни нега олмаганини тушунгандек бўлди. Мактабда ғамгин бўлиб, ўртоқларига қўшилмасдан келиб-кетувчи Ҳасан – демак, ўғри бир отанинг ўғли... Аммо отаси учун ўғлини айблаш тўғри эмас. Аслида бу каби болаларга ёрдам бериш, оталари таъсирига тушиб қолмаслиги учун ҳушёр бўлиш лозим.

Онасига бугун мактабда бўлган воқеани айтиб бераётган Ҳасан:

– Мен энди мактабга бормаيمان... – дея сўзларини тугатди.

Мактабга бормаса бўлмайди. Фарида эътироз билдирди:

– Мактабга бормасанг, уятли бўлиб қолмаймизми, Ҳасан?! Шунда сени ҳамма ҳурмат қиладими? Офарин, мактабдан чиқиб обрўсини сақлаб қолди, дейдими?

Ҳасан бу саволларга жавоб беролмади. Онаси ҳақ эди. Тўғри гапираётганди.

– Яна бир йил чидагин, ўғлим. Бундай қилишга мен рози эмасман.

Ҳасан яна ўқишга, мактабга боришга қарор қилди.

Ҳасан яна ўша синфга кирди, ўша жойда ўтирди. Фақат хоҳиш, истак...

Ўша кундан бошлаб то мактаб тугагунча ҳеч ким Ҳасанни хурсанд ҳолда кўрмади. Ўйчан, бир бурчакда турарди.

Ачинганлар, дардига шерик бўлишни истаганлар бўлди. Аммо у дардига ҳеч кимни шерик қилмади. Ўзининг айбсизлигини айта олмади...

Ўша кундан кейин ўзига маъноли-маъноли қараган нигоҳларни кўрди. Бу нигоҳларга қарамай кетишни эпллолмади. Жиддий қараганида чидолмади.

«Ўғри» деган ўртоғининг кимлигини билди. Бадавлат бир оиланинг эркатоийи – Ҳоқон. Гап тингламайдиган, юз-хотирни билмайдиган Ҳоқон.

Ҳасан бир дақиқа бўлса-да, кучли бўлишни, бошлаб унинг таъзирини беришни истарди. Бу истаги амалга ошиши учун у кўп нарсадан, ҳатто умрининг бир неча йилидан ҳам кечишга тайёр эди. Аммо бу ярамас бола гавдали, бақувват эди. Ҳасан эса кичкина, озғин...

Кичкинагина вужуд билан уруш қилса, нимага ҳам яради? Қолаверса, ким ҳам: «Ўғрининг ўғли ҳақ...» дерди?

Шундай экан, сабр қилишдан бошқа чора йўқ. Баъзида ўзига ўзи тасалли берарди:

«Мен ўғри эмасман».

«Мен ўғри бўлмайман», деб ярали кўнглига сув сепар, ичини қўртдек кемираётган дард-аламини бироз унутгандек бўларди.

VII

Бир кеча Турсун уйига келмади. Фарида билан ўгли учун бу янгилик эмас. Чунки унинг келмай қолиш одати бор.

Фарида пешин пайти эшик тақиллагач, очди ва маъмурни кўрди. У Турсуннинг қамоққа олингани ҳақида ҳужжат берди. Фарида:

– Нима бўлибди? – дея сўради. Маъмур:

– Жанжал... – деб узоқлашди.

Бўлгани ҳам, бўлмагани ҳам бир бало, бир дард.

Турсун бир ярим ой қамоқ жазосини олди. Маҳкамада қўлларига кишан солинган ҳолда ўтираркан, ўгли унга таърифлаб бўлмас туйғулар билан қараб турарди.

* * *

Турсун қамоқхона шароити билан таниш эди. У бир-икки йил уйига келолмаган кишидек ичкари кирди. Ичкаридагилар уни:

– Хуш келдинг!..

– Яхши қилдинг келиб, Турсун!.. – дея кутиб олишди.

Бу йўлда қанчадан-қанча чориқларни эскиртирган Турсун ўзини бу ерда бегона ҳис қилмасди.

Янги ҳаёт топгандек роҳатланарди.

Ўзгарган маконда фараҳлик бордир, деганлар ҳақли эди.

* * *

Фарида билан Ҳасан якшанба куни уни кўришга бордилар. Ҳасан шу кунга қадар қамоқхонани кўрмаганди. Турсун авваллари ҳам қамоққа тушган. Ҳасан ўшанда гўдак бўлгани учун Фарида олиб бормаганди.

Ҳасан отасини кўришни истамасди. Фақат унинг жаҳлини чиқармаслик учун ўзини мажбурлаб борди.

Атрофи тош деворлар билан ўралган бир бино ёнида тўхтадилар. Бино ёнида қоровуллар – қурол ушлаган навбатчилар туришарди. Демак, отаси шу ерда.

Ҳасан бир қарашда бу бинони ёқимсиз, ҳатто бахтсиз деб билди. Қалин темирли, кичкина ва жуда ифлос деразалари бор экан.

Бу деразачалардан ташқаридан ҳовлида турган кишилар билан гаплашмоқчи бўлган башараси совуқ кимсалар кўрилади. Улар панжараларга ёпишиб, бақриб-бақриб гапиришади.

Қоровул уларни кутиб олди. Ҳасаннинг у ёқ-бу ёғини кўрди. Бир навбатчи аёл Фаридани текширди. Ҳеч нарса топишмагач, киришга рухсат берилди. Ички эшикка яқинлашдилар.

Яқинлашган сари бадбўй, ёқимсиз ҳид димоғига урилди. Бир эмас, юзлаб турсунлар нафасидан келарди бу ҳид. Аслида биргина Турсуннинг бадбўй нафаси ҳам бир шаҳарга етиб-ортарди...

Рўпарадан яна бир эшик чиқди. Бу қамоқхона эшиги эди... Дунёнинг ҳеч бир эшиги бу қадар ёқимсиз бўлмаса керак. Бу сўзни эшитган қулоқлар орзу қилинмайдиган бир ҳолатга тушади. Бу сўзни айтган ёки эшитган ҳеч бир кимса завқланмайди.

Озодлик бу эшикдан ташқарида қолади. Баъзида бу эшикдан туҳматга қолган, бегуноҳ, бечора кишилар ҳам киради... Инсонлардек яшашни истаганларнинг жойи бу ер эмаслиги биринчи қадамдаёқ сезилади.

Орқадан ёқимсиз ғижирлаш билан ёпилган эшик бошқа бирининг очилишига уланади: Озодликнинг маъноси бу ерда яхшилаб тушунтирилади. Бу шундай ҳаёт эшиги...

Бир гала ёқимсиз афтлар кўринади. Ҳалол, покиза ҳаётни ёқтирмайдиган, жамият низомларини бузмагунча роҳатланмайдиган гуруҳларни шакллантирган афтлар...

Бу ерда бир гуруҳ бор: ўғри, чўнтакесар, қаллоб, қиморбоз, қотил, номус душмани, фирибгарлар гуруҳи.

Инсонлар тинч-осуда ҳаёт кечиришлари учун булар эшик ортида бўлишлари шарт.

Бу эшик тарозининг икки палласини бир-биридан ажратади.

Палланинг бир томони ишонч ва осойишталикни, иккинчи томони бунинг тескарисини истовчилар билан тўла.

Аслида тескари томон тарафдорлари камчиликни ташкил қилади. Мингтадан битта. Аммо биттанинг ўзи ҳам минг

кишининг ҳаловатини бузади. Шу боис бу эшикнинг қулф туриши инсонлар осойишталигини таъминлайди.

Бу ерда билмасдан ёмон ишга қўл уриб қўйиб, минг пушаймон бўлган кимсалар ҳам бор. Улар бу жойда ўтиришдан кўра ўлимни афзал билишади. Бу ер улар учун ҳақиқатан ҳам зиндон.

Яна бу ерда ўн марта келиб ҳам тўймаган, нималардир қилиб, яна келишга йўл қидирган, кишанлар овозини эшитмагунча кўнгли тинчимайдиганлар ҳам бор.

Бу ерга келган ҳар бир виждонли киши шу икки жумлалик дуони такрорлайди:

– Аллоҳ асрасин... Бу ерларга тушишдан Ўзи сақласин...

Ҳасан эшик тепасидаги лавҳани ўқиди: «Чорум жазо ва ахлоқ тузатиш колонияси».

Ажабо, дадасининг ҳам ахлоқи тузалармикан?

Бир мусибат минг насиҳатдан яхши, деган гапни эшитганди Ҳасан...

Кўп ўйлашнинг мавриди эмас, қоровул кимнинг олдига келганларини сўради. Ҳасан:

– Турсун... – деди.

– Янги келганми?

– Ҳа.

– Тушунарли. Сенга ким бўлади?

– Дадам.

Қоровул жавобни эшитгач, Ҳасанга бошдан-оёқ тикилди.

Боланинг юзидаги маъсумлик билан отаси орасида ҳеч ҳам ўхшашлик йўқ эди. Бири гул бўлса, иккинчиси тиканга ўхшарди. Аммо инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат шуки, гул тикан ёнида ўсади.

Ҳар нарсага қудратли Аллоҳ тирикни ўлдиради, ўликни тирилтиради... Тиканда гул ундиради. Гулнинг уруғларида яна ўша тикан сақланади.

Отаси Турсун бўлса-да, покиза-маъсум чеҳрали болани унинг наслидан яратиш Аллоҳнинг қудратидир.

Қоровулнинг ўзига тикилиб қолганига Ҳасан:

«Нега қараб қолдингиз, амаки?» деб сўролмади. Қоровул бироздан сўнг:

– Ҳозир келади... – деди. Ичкарига бир-икки қадам ташлади ва «Бефаҳм», дея чақирди. Ҳасан ғалати бўлиб кетди. Онасининг қўлидан ушлаб олди.

Қоровул қайтиб келиб, боланинг рангги ўзгариб кетганини билди. Бироз аввал гулга ўхшаган чеҳраси кул ранггини олганди. Қоровул хатосини тушунди ва:

– Кечирасиз, бу ерда лақаб билан чақирилади. Шундай демасак, билишмайди уни, – деди

Бунча хунук ном... Ер ютсин бунақа номни.

Шу кундан бошлаб, ўғрининг ўғлига қўшимча тарзда бефаҳмнинг ўғли деган ном ҳам айтилади. Бир-биридан ёқимсиз номлар. Ўғрининг ўғли... Бефаҳмнинг ўғли...

Шундай икки лақабки, бит бозорида пул қўшиб берсангиз ҳам оладиган аҳмоқ топилмайди. Шунга қарамай, ота-мерос бўлган бу икки «чиройли» лақабни Ҳасан бўйнига олмаса-да, уни таниганлар барибир унга шундай ном қўйиб айтишади.

Қоровул биргина узр сўраб қўйди, аммо бу гап Ҳасаннинг юрагини яралаганидан хабари йўқ эди. Эчкига – жон, қассобга – гўшт қайғуси бўлганидек, бу дунёда натижаси ўйламай айтилган биргина сўз билан биллур кўнгиллар синдирилади.

Қоровул Ҳасанни хафа қилмоқчи эмасди. Буни хаёлига ҳам келтирмаганди.

Бефаҳм дейиш ўрнига Турсун деса нима йўқотади? Ёки шундай деб нимага эришади?

Турсун келди. Меҳмонларга: «Хуш келибсизлар», деди. Нима бўлганда ҳам «уй эгаси» ҳисобланарди.

Турсун ҳаётидан мамнун эди. Кўзларида қувонч бор эди.

– Бу сафар киришим жуда баракали бўлди. Қандай уста, қобилиятли инсонлар бор, кўрсангиз – деди.

Турсун шу кунгача жоҳилликда ўтган умрига ачинаётганди:

– Ҳақиқатан бахтим бор экан. Кўрасизлар бундан кейин Турсунни...

Бундан кейин катта ишларга қўл уриб, кўп нарсаларга эришмоқчи...

Аммо ҳаром йўлда иш олиб борар, на ўзига, на оиласига ҳурмат келтирмайдиган «иш»да ишларди.

Кимнинг молини олади? Кимга зарар беради?

Бошқалар давлатини Турсуннинг ҳалол-ҳаром демасдан ўғирлаши учун топадими?

Бировнинг пешона тери билан ишлаб топганини унинг розилигисиз қайси виждон билан олади?

Уйга ўғри кирган, дўкони ўмарилган киши қайта ўзини тиклаб ололмаслиги мумкин. Бундай ишга қўл уриш инсонийликми?

Ўйлаш у ёқда турсин, Турсун бундай ҳолларни завқла-ниб томоша қиларди.

Ўғирлаганлари унинг ёнида қолади. Унинг ўз қоидаси бор – «Мол ўғирлаганникидир». У шу қоидасидан воз кечмади.

Унга эътироз билдирганларни ёмон кўрар, кечирмасди.

Бутун борлиғи билан ўзини шу қоидага амал қилишга бағиш-лади. Шу боис ҳамма инсонларсаодати ва ҳузури учун амал қилиш мажбурий бўлган қонунларга кўникмади. Мол ўз эгасига, уни қўлга киритган кишига тегишли бўлишини нотўғри деб билди. Мусибатлар Турсунни йўлдан қайтаролмади. Қамоқхоналар унга эзгулик йўлида ахлоқ тузатиш сабоғини беролмади.

Турсун маслакдошлари тўпланадиган бу бинони, ҳурриятни севувчиларга қўрқув берувчи бу қамоқхонани онда-сонда келиб туриш ва фикр алмашиши учун керак бўлган жой деб биларди.

Ҳар келганида бепул сабоқлар олар, тажрибасини орт-тириб кетарди.

Товуқ ўғирлаб, қамоққа тушган бир маслакдошига ўзи билганча бор нарсаларни ўргатди, унга акалик қилди.

Бу унинг учун виждоний бурч эди. Бу йўлда олға кетган киши ортда қолганнинг қўлидан тортмаса, ота фарзандига ўргатмаса, бу ўчоқнинг абадийлиги қандай таъминланади? Энг ёмон кишилар ҳунарни сир сақловчи, бошқаларга ўргатмайдиган кишилардир.

Вақти келиб, улар ҳам қора тупроққа қоришади. Ҳеч бир киши дунёда устун бўлиб қолмайди. Аммо билганларини ўзи билан олиб кетишга виждони қандай йўл қўяди.

Турсун вақти келиб, ўғлини ёнига олмоқчи, унга касбининг барча нозикликлари, икир-чикирларини ўргатмоқчи. Унга ҳунар ва маҳоратидан бир-бир сабоқ бермоқчи.

«Ҳали мактабни тугатгин, ўғлим, сени шундай тарбиялайки...» дерди ўзича.

Она-ўғил барча умидлари пучга чиқиб қайтдилар. Бу ота ҳақиқатдан ҳам оталикка номуносиб.

Улар Турсун энди тузалиб чиқади, деб ўйлашганди, у эса мутлақо бошқа мақсадларини гапирарди.

VIII

Ҳасан мактаб ҳаётидан зерикди.

Синфдан-синфга ўтганини эшитган ўртоқлари севинч билан таниш-нотанишларга:

– Ўтдим, ўтдим... – дея ҳайқирар, уларнинг нима дейишларини кутиб ўтирмай югуриб кетишарди.

Ҳасан ҳам юқори синфга ўтди. Аммо унда бунақа ғайрат йўқ. Синфдан ўтиш ёки ўтмаслик унга фарқсиздек эди.

Барча яхшиликлари учун муаллимасига раҳмат айтиши керак эди. Буни онаси ҳам тайинлаганди.

Салима хоним Ҳасаннинг бошини силаб:

– Бўпти, Ҳасан, йўлинг очиқ бўлсин. Сени ҳаётда буюк инсон сифатида кўришни истайман.

Сўнги пайтларда боргиси келмай қолган мактабдан, қўшилмай қолган синфдошларидан яна уларга қўшилмасдан, севинчларига шерик бўлмасдан чиқди. Уйига йўл олди.

Ўғлининг синфдан ўтганлигини эшитгач, она бу муваффақияти учун бир игнадек бўлса ҳам ҳада беришни хоҳларди. Аммо ҳеч нарса йўқ эди.

– Она, мактабни битирдим...

Онаси фарзандига қаради. Қучоғига олди. Ёноқларидан ўпди:

– Сенга ҳада сифатида берадиган бирор нарсам йўқ, ўғлим... – деди.

Ҳасан онасини қучди ва:

– Сиз борсиз она, сиз борсиз, менга шунинг ўзи етарли...
– деди. Ҳасан бу гапларни кўнгил учун эмас, билиб айтди. Бериладиган катта-кичик ҳадядан нима фойда? Шунча йил эзилган вужуд бугун ҳадя олмаса ҳам нима йўқотарди?..

* * *

Ҳасан эртасига тандирни сувади. Нон сотиб, пул топмоқчи бўлди. Кейин бирон муносиб касб топилиб қолар.

Нон сотувчининг дўконига борди:

– Амаки, мен нон сотмоқчиман, – деди.

Сотувчи Ҳасанга қараб:

– Кимнинг ўғлисан? – деб сўради.

– Отамнинг исми Турсун.

– Нима иш қилади? Дўкони қаерда?..

Ҳасан бу саволларнинг ҳаммасига:

– Ҳеч иш қилмайди, – дея жавоб берди.

– Нон сотмоқчи бўлсанг, аввал бу ердан оладиган нонларингнинг пулини бер!..

– Пулим йўқ.

Сотувчининг сабри тугади:

– Мен нима қилай, болам? Сенга нонларни бериш учун ё сени танишим ёки пулни олишим керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас...

Ҳасан дўкондан чиқди. Бекорга баҳслашишдан фойда йўқ. Икки дақиқадан кейин яна келди. Оёғидан бир жуфт эски этикларини чиқариб кўрсатди:

– Этикларим шу ерда қолсин, нонларни сотиб бўлгач, пулини келтириб, буни оламан.

Бу ваъда сотувчини ўйлантириб қўйди. Кейин Ҳасаннинг озгин оёқларига қаради. Оёқларидан бошигача назар солди. Қора қошли, қора кўзли, маъсум чеҳрали бир бола...

– Ол, буларни. Ҳалол болага ўхшайсан. Ҳалол ишласанг, доимо иш топилади, – деди.

Ҳасан дўкондан хурсанд бўлиб чиқди. Икки соатдан кейин сотувчига пулини келтириб бераркан, ҳалоллигидан ўзи ҳам ғурур қилди.

Иккинчи марта йигирма бешта нон билан чиқди.

Кўчаларда кезди, айланди.

Кичкина ёқимтой бир бола Ҳасанга пул узатди:

– Тоға, менга нон беринг!..

Ҳасан бу болакайга севинч билан боқди ва нон узатди.

Кейин боланинг пулини чўнтакчасига солиб:

– Нон мenden сенга ҳадя бўлсин, болакай, – дея бошини силади.

Оқшом уйга чарчаб қайтаркан, топганларини онасига беришни ўйларкан, севинарди.

Сотувчи билан бўлган суҳбатни онасига айтиб берди. Кичкина болакай уни «тоға» деганини, унга нонни текинга берганини айтди.

Онаси ўғлининг ишларидан хурсанд бўлди.

Ҳозир дадаси уйда бўлганида ўғлининг битта нонни бепул берганини эшитса, нима дерди, қандай тушунарди?

Ҳасан буни ўйлаб, юзи буришди:

– Нима бўлди, ўғлим? Нега бирдан ўзгардинг?

Ҳасан ўзига келди:

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, она.

– Юзингни буриштирдинг?

– Отамни эсладим.

Бу сафар онасининг ҳам юзлари ўзгарди. Чунки Турсун икки кундан кейин қамоқдан чиқади.

Эски тўфонлар яна бошланади, яна ўша ўйинлар такрорланади.

IX

«Бир ҳалол, меҳнаткаш оила барбод бўлса бўлсин, меннинг жоним қийналмасин». Бу – Турсуннинг қондаси эди.

Турсун ва унга ўхшаганлар миллатга ҳеч қачон ўзгармайдиган ҳақиқатни тушунтиришга ҳаракат қиладилар:

– Бизга ачинманг. Йўқса, ўзингизнинг ҳолингизга вой!

– Марҳаматга муносиб бўлганларга марҳамат кўрсатинг!

– Миллатнинг молига, жонига кўз тикувчиларга ачиниш миллатига ачинмаслик демакдир. Ҳали ҳам тушунмадингларми?..

– Хонавайрон бўлишингиздан олдин бизни тутиб қаманг. Йўқса, ўзингизга вой бўлади!

– Насиҳатларингизга амал қилмаганларнинг бошларига фалокат ёғдирамиз! Хабардор бўлинг... – дея ҳайқирадилар, аммо гапларини эшитадиган бирор кимса топилмайди.

Модомики, булар ўзларига ачинмас экан, у ҳолда ўзига ачинмаганга ачиниш ноўриндир, дея оч бўрилардек, ҳалол-ҳаром демасдан ўғирлайверишади.

Булар ачинмайди. Булар уялмайди. Булар фурсатдан фойдаланишади, ҳар дақиқа алдашга шай туришади.

Энг эзгу амаллари ўғирлик, доимо ўғирлик қилиш, сўнгги нафасигача кимдан ва қаердан бўлса ҳам бирор нарса ўғирлаш!

Камоқхона улар учун ёмон жой эмас. Чунки ҳукумат текинга қорин тўйдиради. Текин бошпана, ўлгунча бу ерда қолса ҳам, пул тўлашмайди. Бундай имкониятдан фойдаланмаслик аҳмоқлик-ку...

Кимлар учундир бу ер қўрқинчли. Беморлар асалдан лаззатланиша олмаганидек, бу ердаги ҳаётдан ҳам лаззатлана олмайдиган кишилар бор.

Аммо Турсун унақалардан эмас. У қамоқни ёқтирмайди. У озодликни интизорлик билан кутиб яшайди.

У бу ерга ҳар кирганида маҳоратини оширади, жуда сямимий, қадрдон дўстлар топади.

Фақат унга ёқмайдигани – берилган муддатнинг узайтирилиши. Шу сабаб судяларни лаънатлайди.

У бу ердан чиқадиган кун келишини бармоқ букиб санайди. Бу – зерикиш аломати. Турсун чиқиши, бу ерда ўрганганларини қўллаши, миршаблар билан қувлашмачоқ ўйнаши ва яна бу ерга келишнинг завқини туйиши керак. Унинг учун ҳаёт – шу... Бу ҳаёт бўлмаса, у яшолмайди. Бундай ҳаётдан бебаҳра қолиш унинг учун ўлмасдан аввал ўлиш билан тенгдир.

Чунки бу ерда бошқача бир ҳаво бор. Бу ерда ҳамма битта йўлдан юради.

Бу ердаги жамоанинг мақсадлари, ғоялари бир хил...

Бу ерда ҳамма – ўқитувчи. Ҳамма ўқувчидир.

Миллатга отилган ва отилиши режалаштирилган ханжарлар, очилган ва очилиши режалаштирилган яралар ҳақидаги барча маълумотлар шу ерда.

Бу ерда ҳамма кимнинг нима қилганини билади. Фақат касб обрўсини сақлаш, фасод чиқармаслик, дўсти пиширган ошга совуқ сув қўшмаслик учун сир муҳофаза қилинади. Ҳеч нарсадан хабарсиздек ҳаракат қилинади.

Бу бир томондан мажбурийдир. Бу касбнинг бош қонуни – сир сақлашни билишдир.

Чунки сирга мазор бўлишни билмаганлар мазорга жўнатилади.

* * *

Икки кундан сўнг Турсун чиқди. У ҳаётидан мамнун эди.

Ҳасаннинг мактабни тугатгани ва синфдан ўтганлигини эшитиб сеинди. Нон сотаётганини эшитиб, кайфияти тушди.

– Нон сотиш билан одам бўлмайсан, вақтинча шуғулланиб тура қол, – деди.

Турсун орадан бир ҳафта ўтиб, йўқолиб қолди. Қаерга кетганини айтмади. Кунлар ўтди, келмади. Ўн кун ўтди. Яна хабар чиқмади.

Йигирма биринчи кун яна бир расмий билдиришнома келди. Бу қамоққа олинганлиги ҳақидаги қарор эди.

Кутилган натижа ҳам шу. Она-ўғил бу хабардан ажабланишмади, ранжишмади ҳам.

Х

Ҳасан яна бир неча кун нон сотди. Бир сандиқ ва бир қути бўёқ олиб, бўёқчиликни ҳам бошлади.

Баъзан бир жойда ўтириб, баъзан айланиб пойафзал бўяр, бир-икки чақа топиш умидида ҳаракат қиларди.

Бир кун истироҳат боғини айланаркан, ёлғиз ўтирган бир одамга яқинлашди:

– Амаки бўяб қўяйинми? – деди.

Одам туфлисига қараб, кейин Ҳасанга деди:

– Бўялган-ку, ўғлим!

– Яхшилаб бўяб қўяй.

– Яхши.

Ҳасан дарҳол кичкина столчасини қўйиб, чўткани қўлига олди. Ишни бошлади.

Одам узоқларни томоша қиларди. Бўялаётган туфлиси билан иши йўқдек эди. Кейин савол берди:

– Исминг нима, ўғлим?

– Ҳасан.

– Чиройли исм. Яхши, биласанми кимнинг исми Ҳасан?

– Менинг исмим дедим-ку, амаки.

– Айтмоқчиманки, аввал яшаган улуғлардан кимнинг исми?

– Билмайман, амаки. Балки биларман, аммо ҳозир эслол-маяпман.

– Пул олмасанг, кимнинг исми эканлигини ўргатаман.

Ҳасан бир дақиқа тўхтади. Кейин:

– Бўпти, олмайман, – деди.

– Офарин. Ҳасан. Йигитлик бундай бўлади. Эшит, – дея сўз бошлади:

– Пайғамбаримизни (с.а.в.) биласанми?

– Албатта.

– Яхши. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) набираларининг исmlарини-чи?

– Ҳа... биламан. Ҳасан ва Ҳусайн.

– Жуда яхши. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) улар ҳақидаги сўзларини эшитишни истайсанми?

– Албатта.

– Ундай бўлса эшит: Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қиладиларки: «Ҳасан ва Ҳусайн жаннатдаги ёшларнинг саййидларидир».

Одам бир-икки нафас олди. Кейин давом этди:

– Ҳақиқатдан ҳам улар саййидликка муносиб эдилар. Масалан, бир кун кекса бир кишининг таҳорат қилаётганини, аммо буни яхши бажара олмаётганини кўрадилар. Фақат тўғридан-тўғри: «Амаки, таҳорат олишни билмаяпсиз. Келинг, сизга ўргатамиз...» дейиш ноқулай бўлади. Ниҳоят бир чора ўйлаб топишади. Ёнига бориб, Ҳасан айтадики:

«Амаки, бир тушунмовчилик бор. Бизга ҳакамлик қиласизми?»
Қария уларнинг сўзларидаги мулойимликни ёқтириб
қолади.

Ўзича шундай гўзал, тарбияли болаларнинг ўртасида
қандай тушунмовчилик бўлиши мумкин, деб ўйлайди. Шу
боис қилинган таклифини рад этолмай:

– Қиламан ўғлим, айтинг, – деди.

– Биз шу ерда бирма-бир таҳорат оламиз. Қай бири-
мизники тўғрилигини айтасиз.

Иккаласи боболаридан, оталари ва оналаридан ўрган-
ган шаклда, қарияни ҳайрон қолдириб, мукамал таҳорат
оладилар. Қария:

– Ўғилларим, иккалангиз ҳам бир-бирларингиздан гўзал
таҳорат олдингизлар. Мен таҳоратда хато қилибман. Ким-
нинг ўғлисизлар? – деб сўрабди.

– Отамнинг исми Али.

– Онангизни исми Фотимами?

– Ҳа, амаки.

Амаки кўзларидаги ёшни артиб:

– Тахмин қилгандим. Бу одоб, бу тарбиянинг қаердан
келганини тушунгандим. Умрингизнинг охиригача бу
яхшилигингизни унутмайман. Ҳам таҳорат олишни, ҳам
нуқсонни уялтирмасдан тузатишни ўргатдинглар, – дебди.

Икки ака-ука кетишди. Қария уларнинг ортидан:

– Мана, Пайғамбар (с.а.в.) қизининг тарбияси, мевасини
шундай беради... – деди.

Ҳасан бу ҳикояни мароқ билан тинглади.

– Ёқдим, Ҳасан?!

– Ёқди, амаки, ҳақиқатдан жуда гўзал...

– Улардек бўлиш керак.

Бир-икки дақиқа сукут сақлагач, яна давом этди:

– Улар ҳақиқатдан ҳам намунали ҳаёт кечиришган, – деди
ва чўнтагига қўлини солди. Ҳасан:

– Келишдик-ку, амаки. Пулни олмайман, – деди.

– Биламан. Бу бўяганинг учун эмас. Мардлигинг учун.

– Бўлмайди, олмайман.

– Аммо, мен тинчиёлмайман, ўғлим.

– Мен олсам, безовта бўламан, амаки.

– Яхши. Шу пулга мен билан ўтириб чой ичасанми? Менга икром этган бўласан.

– Бунга эътирозим йўқ.

Ҳасан бўёқларни йиғиштираркан, чол чой келтиришларини буюрди:

– Сен ҳам шу курсига ўтирсанг бўлмайдими?

– Йўқ, амаки. Шу кичкина стулчам яхши.

– Истайсанми, яна бир ҳикоя айтиб бераман.

– Хўп.

Одам гап бошлади:

– Ҳасан ва Ҳусайн бир куни касал бўлиб қолишибди. Пайгамбаримиз (с.а.в.) бир неча биродарлари билан набираларини кўришга борадилар. Шунда улардан бири Ҳазрати Алига (к.в.) болаларнинг тузалиши учун рўза тутиши кераклигини айтади.

Меҳмонлар кетишгач, Ҳазрати Али (к.в.) ўғилларининг шифо топиши, Аллоҳ ризолиги учун уч кун рўза тутишни ният қилди. Оналари ҳам шундай қиладилар.

Уйларидаги хизматчи аёл Фидда ҳам шундай қилади.

Натижада беморлар тузалади, аталган рўзани тутиш уларнинг вазифаси эди.

Арпа унидан қилинган нон билан энди биринчи куннинг рўзасини очмоқчи бўлиб туришганда эшик тақиллаб, бир бечора садақа сўрайди. Фотима онамиз, эшикдаги одамнинг қорни оч бўлгани ҳолда, ўзи овқатланмаслигини айтади. Бошқалар ҳам унинг истагига қўшилишади.

Рўзаларини учаласи ҳам сув билан очишади.

Иккинчи кун рўзаси оқшом ичилгандек сув билан бошланади. Оқшомгача сабр қиладилар. Оқшом яна арпадан қилинган нон дастурхонга қўйилади.

Энди қўл узатмоқчи бўлишганда яна эшик тақиллайди:

– Етимман. Аллоҳ ризолиги учун ейишга бирор нарса беринглар, – дейди.

Кечаги ҳолат яна такрорланади. Нонни етимга беришади. Сув билан рўзаларини очишади. Кейинги кун учун ният қилинади.

Учинчи кун эшикни тақиллатган одам асир эканлигини, ейишга бирор нарса беришларини айтади. Очлик ўз ҳукмини ўтказганди. Аммо эшикдан келган кишини ноумид қайтарадиган оила эмас эдилар. Оч бўлсалар-да, нонни яна келган одамга бериб юбордилар.

Чунки улар Аллоҳ ризолигига кўпроқ муҳтож эдилар.

Нонни олган ва асирлигини айтган одам:

– Раҳмат, – дейди.

Фақат нонни берган Ҳазрати Али (к.в.):

– Ташаккур билдиришга ҳожат йўқ. Биз сизни фақат Аллоҳ ризолиги учун тўйдирган бўлайлик. Бунга нисбатан на бир жавоб ва на бир миннатдорчилик кутяпмиз. Аллоҳ соғлик-саломатлик берсин, – дея уни кузатиб қўйди.

– Мана, ўғлим, Ҳасан ва уни тарбия қилган оиланинг аҳволи шундай. Тарихимизда ҳам бир неча Ҳасан бор. Агар хоҳласанг, бир пиёла чойнинг устида гаплашамиз.

– Чой ичдик-ку, амаки.

– Ичдик, аммо чой сенданми-менданми маълум бўлмади-ку. Шундай эмасми?

– Ҳа, шундай.

– Ундай бўлса, бу гал мен чой олиб бераман.

Чойлар янгиланди.

– Дарҳақиқат, тарихимизда ҳам бир неча Ҳасан бор, эслаяпсанми?

– Ҳозир унча эслолмадим, амаки.

– Масалан, булардан бири Истанбулга биринчи бўлиб кирган, қалъанинг минорасига илк марта Усмонли турк байроғини тиккан улуғ қаҳрамон бўлиб, унинг исми ҳам Ҳасан, улубатлик Ҳасандир.

Сен ҳам исмингга муносиб бир Ҳасан бўлишинг керак. Албатта, ҳамма Пайғамбарнинг (с.а.в.) невараси Ҳасан бўлолмайди. Ҳамма улубатлик Ҳасан бўлолмайди. Аммо бирор нарсага тамомила эришиб бўлмайди, дея ундан воз кечилмайди. Қулоқ сол, сенга бир ҳикоя айтиб бераман.

Шерозлик шайх Саъдий дейдики, чўлда оқсоқ бир чумолини кўрдилар ва:

– Қаёққа кетяпсан? – дедилар.

– Каъбага кетяпман, – деди.

– Шу оқсоқ оёқ биланми?

– Боролмасам-да, шу йўлда жон таслим этаман-ку...

Кўрдингми, ўғлим, улуғ кишиларни таниб, улардек бўлишга уринмоқ лозим. Сени жуда ҳам яхши кўриб қолдим, олижаноб бир болага ўхшайсан. Намоз ўқийсанми?

– Йўқ, амаки, ўқимайман.

– Даданг-чи?

– Ўқимайди.

– Онанг-чи?

– Онам ўқийди.

– Қулоқ сол, ўғлим. Инсон руҳига ҳам озуқа берилиши лозим. Унга озуқа берилмаса, яқинлашадиган зарар жуда катта бўлади. «Ҳаёти давомида оёғидаги пойафзални юз марталаб ярқиратган жуда кўп киши борки, қалбининг ҳам пок, мунаввар бўлиши зарурлигини бирор марта ўйлаб кўрмайди». Хўш, «Қуръон» ўқишни биласанми?

– Уни ҳам билмайман, амаки. Уйда ҳам биладиган киши йўқ.

– Бундан кейин намозингни ўқи, Яратганга қуллик бурчингни адо қил. Сени «Қуръон» сабоғига ёздираман. Ҳар куни ўн беш дақиқа у ерда шуғуллан. Булар ризқнинг мўлликига сабаб бўлади. Намоз ўқилмаган, «Қуръон» тиловат қилинмаган уйда барака бўлмайди, ўғлим.

Шу йўл орқали неъмат берган Раббингга шукрона айтиш бурчини бажарган бўласан.

Ҳасан бу сўнгги сўзларни ғалати қаршилади:

– Қайси неъмат, амаки. Кўриб турибсиз-ку, зўрға суд-раляпмиз. Энг яхши ҳолимиз ҳозир шу кўриб турганингиз замондир.

Амаки Ҳасаннинг жавобидан қониқмади:

– Янглишяпсан, ўғлим!

– Янглишмаяпман, амаки. Ишонсангиз, бутун даромадимиз шу сандиқнинг сиртига боғлиқ. Отадан фойда йўқ. Бошқа бирор жойдан даромад йўқ...

– Ҳасан, сен дунёнинг барча неъматини пул, бойликдан иборат, деб ҳисоблайсан. Ҳолбуки, асло бундай эмас.

– Унда қандай бўлади, амаки?

– Қара, ўғлим, вужудингда бирорта ҳам қусуринг йўқ. Кўзинг, қулоғинг, қўлинг, оёғинг жойида. Шундайми?

– Жойида.

– Сен буларнинг қийматини улардан бенасиблардан сўра, ўғлим. Юз минглаб бойлиги бўлган бир қанча киши баъзан бир кўзини, бир қулоғини даволатиш учун шифохонама-шифохона югуради, баъзан Европага ҳам кетади, сенинг энг буюк неъмат ҳисоблаганинг шунча бойликни бир кўз учун, бир қулоқ учун харжлаб келади. Шундай бўлмайдими, Ҳасан?

– Шундай бўлади, аммо...

– Ҳеч ҳам бошқача эмас, ўғлим. Бу бойлик деган нарса қўлдан-қўлга ўтиб юради. Бугун бой бўлганнинг бошқа бир кун фақир ҳолига тушгани кўп кузатилган. Аллоҳнинг шукр этилишга лойиқ шундай неъматлари борки, инсонлар уларни ҳеч ҳисобга олишмайди. Масалан, сенинг бир ўғри, ахлоқсиз, қиморбоз кишининг фарзанди бўлмаслигинг ёхуд шундай бўлса-да, келажакда яхши инсон бўлишинг шундай бир неъматдирки, бу инсоннинг умри давомида шукр этиши учун етади, ҳатто ортади ҳам... Нега бошингни эгдинг, Ҳасан, тўғри эмасми айтганларим?

– Жуда ҳам тўғри, амаки. Тўла-тўқис ҳақсиз.

– Ундай бўлса, бугундан намозингни бошлагин. Аллоҳ шукр этган қулининг неъматларини орттиради. Ҳам сени бирор ҳунар ўрганишга берайлик. Бўёқчилик билан иш битмайди. Бирор касб ўрган. Майли, эҳтиёжинг бўлса, таътил кунлари яна бўёқчилик қиласан.

Амаки Ҳасандан жавоб кутди. Ҳасан бирор жавоб бера олмади.

– Бўпти Ҳасан, бугун ота-онанг билан маслаҳат қилгин. Эртага сен билан учрашайлик. Маъқул кўришса, сени ўз қўлим билан бирор касб ўрганишга бераман. Масалан, пойафзал ишлаб чиқаришни ўрганишга кир. Таътил кунларингда бўёқчилик қилишингга ҳам тўсиқ бўлмайди бу ҳунар.

Чой ичилди.

Ҳасан кетиш учун ўрнидан турди.

– Эртага соат иккида Улуғ Масжиднинг ҳовузи ёнида учрашайлик, Ҳасан.

– Маъқул, амаки. Аллоҳнинг паноҳига.

– Хайр, ўғлим. Мен ҳам сени Аллоҳга топширдим.

Ҳасан бу суҳбат таъсирида кўнглини ўз ҳолига қўйиб, кичик сандиғи билан кезишни бошлади.

Ўттиз беш-қирқ ёшларда кўринган, юзи инсонга таскин берган бу одамни шу қадар ёқтириб қолгандики...

Сўзларидан самимият уфуради. Сувнинг оқиши, гулларнинг бўй таратиши қадар табиий бўлган бир самимият... Ҳасанни айтилган сўзлардан кўра кўпроқ бу сўзлардаги самимият сеҳрлаб қўйганди.

Кийими тоза, юзи нурли, сўзлари тотли эди. Бир лаҳзада:

«Менинг ҳам шундай бир отам бўлсайди...» деган фикр миясидан яшин тезлигида ўтди.

Ҳасан эртасига Улуғ Масжидга борди. Ҳовлисига кирди, ҳовузга яқинлашди. Кеча танишган амаки ўша ерда эди.

– Келдингми, Ҳасан?

– Келдим, амаки.

– Нима дейсан, касб ўрганасанми?

– Ҳа.

– Қани, кетдик унда.

Биргаликда чиқдилар.

– Ўғлим, ҳунар олгин билагузук кабидир. Фақат тўғри ва ҳалол меҳнат қилиш лозим. Мени уялтириб қўймагин.

Бир дўконга киришди, оёқ кийим ишлаб чиқарадиган дўконга.

Дўкон эгаси уларни кўрган заҳоти ўрнидан турди:

– Марҳамат, хоҷам!

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом, хоҷам, марҳамат.

Кўрсатган жойга ўтиргандан сўнг Ҳасанга ишора қилди:

– Қани, устанинг қўлини ўп-чи, ўғлим.

Ҳасан устанинг қўлини ўпди. Уста «хоҷам» дея хитоб қилган амаки:

– Бу бола менинг сизга омонатимдир. Кечагина танишдик. Бироқ кўришим биланоқ уни ёқтириб қолдим, бўёқчилик қилаётганди. Сенга шогирдликка олиб келдим.

- Тўғри қилибсиз, хоҷам.
- Энди бу бола ҳар куни бир марта «Қуръон» сабоғига боради. Намоз ўқишига алоҳида эътибор қиласиз. Қисқаси, бу боланинг фақатгина устаси бўлиб қолмайсиз.
- Амр этсангиз бас, хоҷам.
- Энди бизга жавоб. «Қуръон» сабоғига ҳам борайлик.
- Уларни «Қуръон» сабоғида ҳам шундай эҳтиром ила кутиб олишди. Масала ойдинлашди, ҳал бўлди. Улар яна устанинг ёнига қайтишди.
- Ҳасан устанинг кўрсатган жойига ўтирди.
- Хоҷам, энди чой ичиш вақти келди.
- Майли, озроқ чой ичайлик, Комил.
- Уста Комил Ҳасанга қайрилиб қаради:
- Қани, Ҳасан. Шу томондаги қаҳвахонага чой айт!
- Ҳасан кетди ва иккита чой айтиб келди. Бу орада қўлида бир рамкага солинган пешлавҳа билан бир боланинг ҳам дўконга кирганини кўрди. Бола пешлавҳани устага узатди:
- Хоҷам, қаранг пешлавҳамга, чиройлими?
- Хожа олди. Рамка гўзал эди. Унда жуда ҳам чиройли бир ёзувда: «Биродарини айблаган киши ўзи ҳам ўша нарсани қилмагунча ўлмас», дея ёзилганди.
- Нечун бу сўзни ёздиршни афзал билдинг, Комил?
- Хоҷам бунинг бир ҳикояси бор. Мен бир пайтлар айб қидиришдан завқ олардим. Бироқ акс тарзда бошқада кўриб кулган ишни ўзим ҳам такрорладим. Бир куни Улуғ Масжидда намоз ўқиётгандим. Сажадан тураётган вақтимда ёнимда намоз ўқиётган бир кишига кўзим тушди. «Ат-таҳиййат»га ўтирганди. Тўхтаб қарашга мажбур қиладиган тарзда бошини тебратаётганди. Бир пайт кулимсираб қарадим, сўнг у ердан чиқдим.
- Орадан балки ўн беш кун ўтди. Бир кечаси уйда хуфтон намозини ўқиётгандим... «Ат-таҳиййат»да эдим. Бирдан елкамга шиддатли бир тарсаки тушди. Аммо намозни бузмадим. Салом берган пайтимда, кўзим онамга тушди.
- Нима сабабдан намозда тентакка ўхшаб бошингни тебратаяпсан?
- Иншааллоҳ, бу охиргиси бўлади, – дедим.

– Нима охиргиси бўлади?

– Энди ҳеч кимни айблаш йўқ, она. Чамаси, ўн беш кун олдин намозини ўқиётиб, бошини шундай тебратган бир кишини кўрган эдим. Унинг устидан кулган эдим, – дедим.

Сал кейинроқ бир тасодиф мени бу ҳикматга дуч қилди. Ўз ҳолимга мос кўрганим учун бир болага буни ёздирдим ва ойнанинг ичига солдирдим.

– Ажойиб, жуда ажойиб.

Насиб бўлса, энди ўз қусурларимни тузатиш билан шу-фулланаман.

Ҳасан бу сўзларни айтаётганида юзидан болаларча маъ-сумлик сезилиб турган уста Комилга қаради. Ўттиз ёшлар-да кўринган, озгинроқ, қотмадан келган бу одамни ёқтириб қолди. Энг муҳими – очиқ кўнгил, ширин сўз.

Яхши бир инсон бўлиш ғайрати билан интиланган, ўз бор-лиғини унутгандек кўринарди. Сочлари аскарникига нисба-тан бироз узунроқ кесилганди. Юзи оч-сарикқа ўхшаш қора бир рангда. Ўрнидан турган пайтда узун бўйли демаслик учун бирор сабаб йўқ эди.

Яна бироз муддат суҳбатлашгач, хожа у ердан узоқлашди.

Ориф хожа кечагина кўрган ва бугун бир касбга жойлаш-тирган Ҳасанни дўконда қолдириб чиққан пайтида унинг қалби ҳамд ва шукр туйғулари ила тўлиб тошадиган ҳолда эди. Бу болани илк марта кўрган заҳоти ёқтирган кўнгли ёришди.

Юзидаги ифодалар унинг руҳидаги покиза ҳисларни ан-глатиб турарди...

* * *

Ҳасан дўконда устаси кўрсатган ишни бажарар, нималар-нидир ўрганишга ҳаракат қиларди. Баъзан устанинг уйига элтадиган бир нарса бўлса, элтар ва шу заҳоти дўконга қай-тарди. Азон айтилса, уста унга қараб:

– Қани, кетдик, Ҳасан! – дер, биргалашиб масжидга йўл олишарди.

Кечалари қайтаркан, бир нонга етгулик пул берарди уста. Шу орада мижозлар олиб келган ҳадялар ҳам қўшилгач,

Ҳасан бўёқчилик билан топадиган пулига унча эҳтиёж сезмаётганди.

Секин-аста намоз ўқишни ўргана бошлади. Ҳар куни бир марта «Қуръон» сабоқларига бориб, дарс оларди. Тунлари дарс қилиб, берилган вазифасини бажарар эди. Шу тарзда уйқуга кетарди.

Фарида хоним бу ҳолатдан мумнун. Неча ойлардан буён бу уйнинг деворлари жанжал ва шовқинлардан қутулганди.

Ориф хожа ора-орада бир келар, Ҳасандан ҳол-аҳвол сўрар, устаси билан ўтириб суҳбатлашарди.

Ҳасан Ориф хожанинг келишини интиқ бўлиб кутарди. Келмаса ёки кечикиб қолса, беором бўладиган даражада соғинарди. Катта бўлганда, унинг каби бир инсон бўлишни орзу қиларди.

Саҳарлаб дўконни очар, тозалар, атрофни тартибга солар, роҳат қилиб ишлайдиган ҳолга келтирарди.

Бир куни эрталаб дўконни барвақт очди. Устанинг келишига бир соат бор эди. Кўп чанг кўтарилмаслиги учун ерга сув сепиб, кейин супура бошлади.

Дастгоҳнинг ортидан чиққан супуриндининг орасидан беш лира пул топиб олди. Олиб, дастгоҳнинг устига қўйди ва ишини давом эттирди. Уста келгач, уни дўконни тозалаётган пайтида топиб олганини айтди. У ҳам олиб тортмага қўйди.

Бир ҳафтадан сўнг Ҳасан ўн лирага дуч келди. Яна дастгоҳнинг тагидан чиққанди. Ҳасан яна олди ва устанинг олдига қўйди. Фақат шу орада:

«Ким ҳам кўриб турибди? Олсам-чи?» деган фикр хаёлида яшиндек бир чақнади. Бу тушунча қалбида енгил тўлқинлар ҳосил қилди. Тошнинг сувга тушиши унинг юзасида тебраниш ҳосил қилганидек, хаёлга келган бу фикр ҳам бироз уни тебратиб турди. Сўнг тўхтади. Хаёли жойига келди:

«Отамдек бўлмайман. Отамдек бўлмаслигим лозим», деган сўзларни пичирлаб айтди.

Ҳасан бирдан пичирлаб айтган бу сўзларни биров эшитмадимикин, дея атрофга қўрқиб қаради... Ҳеч ким йўқ эди дўконда.

Отасининг таъбирича «аҳмоқ» бўлишни ва воз кечилмас бир ҳаёт тамойили сифатида қабул қиладиган қувватни топди ўзида.

Номусли, қаноатли, фидокор бир инсон бўлиб етишиш орзусини яна бир қадар мустаҳкамлади.

Уста Комил пулни тортмадаги ўрнига жойлади. Бу орада ростгўйлиги учун тақдирланмаслик Ҳасанни хафа қилгандек бўлди. Ҳеч бўлмаса, бир лирасини кўнглидан чиқариб бериб: «Ол, ўғлим, бу сенинг тўғрилигинг мукофоти», дейиши мумкин эмасмиди?

Ҳасан бу тушунчани ҳам бир-икки дақиқа «меҳмон» қилган миясидан қувди. Пулни ташқаридан топмаганди. Устасига тегишли бир дўконда, унинг ишлаган жойида унутилган бир пул яна бир соат ўша ерда қолса нима бўларди? Бир соатдан сўнг устанинг ўзи топиб оладиган пул учун мукофот бериш лозим эмас эди.

Кунлар шу тарзда ўта бошлади. Ҳафталар бир-бирини уч марта қувиб ўтди. Бир куни тонгда, ҳа, тонг пайтида, дўконнинг тозалиги билан машғул бўлган Ҳасаннинг кўзларини нимадир қамаштирди. Яхшироқ кўриш учун кўзларини каттароқ очиб қаради. Эллик лиралик бир танга оёқлари остида ётарди. Эллик лиранинг қиймати баланд эди, албатта. Ўша кунга қадар эллик лирани ҳеч кўрмаганди бу кўзлар¹.

Бошқалари каби у ҳам ердан олинди.

«Устам нега бунча безътибор-а?» саволини бир неча марта қайта-қайта сўради. Жавобини топа олмади. Бу сафар ҳам инсонлик ор-номуси учун кураш кетаётганди.

– Бундан ортиғини ҳам ўзлаштира олмайман.

– Ҳеч қачон, ҳа, ҳеч қачон ўзлаштирамайман.

Устаси келганда топган нарсасини топшираркан, қалбида мамнуният ва кўнглида фароғат ҳисларини туйди.

– Ҳасан!

– Лаббай, уста!

– Ўғлим, бу сенга қилинган учинчи синовдир. Ҳар бирини аъло даражада бажардинг. Соф бола эканлигингни ис-

¹ Ўша кунларда ноннинг донаси бир лирадан олинар эди.

ботладинг. Аслида бу пулларни сенга билдирмай бу ерга ташлаган менман. Кўрайлик-чи, индамай чўнтагига соладими ёки топганини топширадими, дея қилдим буни. Билдим-ки, ёмонликдан насибанг йўқ.

Тортмадан ўн беш лирани олди. Эллик лиранинг устига қўйди.

– Ол, бу пуллар сеники, ўғлим, – деди.

Ҳасан ёқасини ушлаб қолди.

– Бўлмайди, уста.

– Нима учун бўлмайди, ўғлим?

– Бўлмайди. Ахир, улар меники эмас.

– Буларнинг ҳаммаси сеники. Сендан бошқа ҳеч кимники эмас.

Ҳасанинг кўзлари устага ғалати-ғалати қаради.

– Қаердан меники бўларкан?

– Қулоқ сол, ўғлим. Сен дўконда бўлмаган пайтларда келган мижозлар инъомлар ташлаб кетишди. Мен уларни сенга бермадим. Бу ерда тўпладим. Шу орада сенинг тўғри ё нотўғри бола эканлигини билиш учун аслида сенга тегишли бўлган бу пуллар билан сени синадим. Олсанг ва овоз чиқармасанг, пул яна сеники бўларди. Аммо ўша куниёқ ҳисоб-китобингни қилиб, дўкондан ҳайдардим.

Бир-икки сония Ҳасанга қараб тургач:

– Гапнинг қисқаси, бу пуллар сеники. Ол ва яхшиликка ишлат!

Ҳасан устасининг пулини тортина-тортина олди ва чўнтагига солди.

Ўша куни пул бир неча бор чўнтақдан чиқарилмасдан – ёддан бармоқлар билан сийпалаб саналди.

Ҳасан кечгача кунини ажойиб тарзда ўтказди. Мактабда ўчирғич топиб олиб, уни ўқитувчига топширганини, сал кейинроқ ўчирғичнинг айланиб-айланиб ўзини топганини эслади. Тўғрилиқ инсон учун бебаҳо бир фазилат эканлиги ҳақидаги ҳикматга яна бир марта ишонди.

Ахлоқсиз, жирканч йўллардан юрмай, сабр-тоқат, тўғрилиқ ҳамда поклик билан кўп нарсага эришиш мумкин. Бунинг ёрқин мисолини Ҳасан икки марта бошидан ўтказди.

Кечки пайт жойнамазини олиш учун эгилган она тўсатдан олдига тушган пулларни кўриб шошиб қолди. Ҳасан қўйганди. Оз пул эмасди.

Ҳасан бошидан ўтганларни ҳаяжон билан сўзлади, онаси ҳам севинди. Фарида – бундай бир кун келиши хаёлида йўқ, унинг вужуди бир неча йиллардан буён алам ичра ёнарди.

Турсундан бир хат келди. Унда суднинг давом этиши, нима бўлиши номаълумлиги ёзилганди.

Ниҳоят бир куни келган расмий бир мактубдан масала ойдинлашди. Турсун ўн бир йилга қамоқ жазосига ҳукм этибди.

Она-бола нима қилишларини билмадилар. Хафа бўлиш қўлларидан келмади, севина олмадилар. Кўкдан нима ёғибдики, ер қабул қилмайди, дея ўйладилар.

Турсуннинг қамоқхонада сўнгги марта ўрганган замонавий усулларини амалда синаб кўргани унинг юз-қўлини булғаганлиги рост эди. Кўзини жуда баландларга тиккани, ҳар қачонгидан ҳам кўпроғига чанг солгани боис, ўн бир йил озодликдан маҳрум бўлди. Бошқа бир қатор одобсизлик ҳам орага қўшилиши маҳкумнинг айбини кучайтирган эди.

XI

Ҳасан ўн олти ёшида янгича ҳаёт бошлади.

Болалик давридан ўтганди. Ёшлик даврининг тўлқинлари орасига кираётганди. Қисқаси, Ҳасан кечаги бола эмасди.

У ўзини катта бўлгандек ҳис қилаётганди. Баъзан дўконга келган суҳбатдошларининг қарашларини ёқтирмас, баъзан ўзига «ўғлим» дея мурожаат этганларнинг юзига:

– Нима гапирганингни биласанми?.. – дея кўзларига тик қарарди.

Ҳасаннинг суҳбатларга қатнашган пайтлари бўларди. Устасини излаб келганларга жавоб беришга чиқар, ўзича тўғрилигига шубҳа қилмаган фикрларни баён этарди.

Энди уйида оила бошлиғи Ҳасан эди. Кечагача онасининг қаноти остидан чиқмаган, уни эшитишни, унинг сўзига қулоқ солишни одат қилган Ҳасан ҳозир ўзгарганди. Онаси энди оила бошлиғининг сўзларини тинглаши, кераксиз саволлар билан уни безовта қилмаслиги керак эди.

Чинордек бақувват бир эркак дея ҳис қилаётганди ўзини...

Маҳалладан, қўшни дўконлардан ўртоқлар орттираётганди. Фақат бу болаликдаги дўстликдан фарқли эди. Бир кунда неча марталаб урушиб-ярашадиган ўртоқлар эмас. Фидойи, меҳрибон, бир-бирини сўраб-суриштирадиган, зарур бўлганда зарарига бўлса ҳам сабр ва фаросат билан муносабатда бўлинадиган дўстлик эди бу.

Улар бирга кезишар, биргаликда завқланишарди. Кечалари Ҳасан онасининг танбеҳларига қарамай, кўчага чиқар, қаҳвахонага, кинога борар, кўчама-кўча кезар, кеч тунга қадар вақтини жон-жигар дўстлари билан ўтказарди.

Гоҳида онасига дашном бериб, ўзига хизмат қилиши мажбур бир кишини уришгандек уришарди.

Бу орада намозлари сийраклашди. Баъзан бомдод, шом ёки хуфтон ўқимаган дамлари бўларди.

Икки марта хатм қилгандан сўнг, «Қуръон» сабоғини тарк этди. Бир хатмни уйда қилганди. Фақат энди бор-йўғи жума кечалари бир «Ёсин» ўқиш билан қаноатланарди. Шундай вақт келдики, жума кечалари ҳам бўш ўта бошладди.

Бу орада Қуръондан бошқа китоблар ўқиш завқи уни эгаллаб олганди. Таҳликали можаролар, ишқ-муҳаббат мавзусида ёзилган китобларга боғланиб қолди. Роман ўқиш дарди уни баъзан ҳафтанинг уч-тўрт кечасига уйга ҳибс этарди. Бир бурчакда соатлаб ўқир, тўхтамай, аммо овоз чиқармай ўқирди.

Фарида бир сўз демай, тун яримларига қадар унинг ёнида ўтиришдан зерикарди.

– Ўғлим, овоз чиқариб ўқисанг, мен ҳам тингласам бўлмайдими? – дея илтимос қиларди.

Ҳасан эса:

– Сиз бундан ҳеч нарса тушунмайсиз. Сизга тўғри келмайди, – каби сўзлар билан жавоб беради.

– Лекин, ўғлим, менинг уйқум келяпти.

– Боринг, ётинг.

– Сен-чи?

– Мен бола эмасман. Тепамда туришингизга ҳожат йўқ.

Фарида – ифлос муҳит таъсирида пайдо бўлаётган бу муносабатларга қарши бирор иш қўлидан келмасди. Ўн етти-ўн саккиз ёшга кирган бир ўсмирни дўппослаб бўладими? Кучи етадими? Етса ҳам ярашмасди. Шу орада тарбиялаш учун чўзиладиган қўлни:

– Сен ҳаддан ошаётганингни биласанми, ўзи? – дея қайтарадиган бир қўл топилди. Бу қўл устига қўнган чивинни қувишга қуввати келмаган ўн етти йил аввалги қўл эмас эди.

Неча йиллар кўксига суянган бош тиклашган, кўнгил бегоналашган, шафқат тўла ҳаракатлар билан йиллар бўйи фарзанди учун елиб югурадиган, боласи учун куйиб-пишган қалб энди икки юз грамм вазнидаги бир гўшт парчаси ҳолига келганди.

Аслида бу қалбни олтин билан ўлчанса ҳам кам эди. Дунёнинг бирор хазинаси унинг баҳосини тўлайдиган бойликка эга эмас. Аммо энди коинотни ҳам тўлдирадиган қувватга эга минг турли туйғуни сийнасида сақлаган бу қалбни олтин эмас, ҳаром пулга ҳам сотиб олмаган бир Ҳасанга дуч келганди.

Бундай онгсизлар қилиғини кўтарган, жароҳатли қалблар оғриғига чидаёлмаган бечора дунё кексайган, шовуллаб оққан дарё ва денгиз, уммонларини кўзёшлари билан тўлдирган бўлса, улуғ бир иш қилган дея ҳисобланмаслиги лозим.

Фарида аср намозини ўқиганидан сўнг, тепаликлар ортига томон йўл олган маҳзун қуёшни кузатар экан, ғалати бир завқ ҳиссини туядиган бўлди.

Фариданинг чеҳрасини ғам босган эди.

Фарзандининг роҳати учун ўз роҳатини тарк этган она... Унинг ором олиши учун уйқусини кўзлардан қувган она, гул юзли фарзандининг оёғига кирган тикан оғриғини ундан олдин қалбида ҳис қилган она... Улғайганда онасини

танимаслигини, ҳақорат этишини, ҳатто дўппослашини била туриб, фарзандининг бахти учун саломатлигини фидо қилган она... Ҳа, бу онанинг қалби; унинг қалбсиз бир фарзанд томонидан жароҳатланиши – жуда ёмон. Она қалби ғамга ботади, қуёш алам ичра қолади, сарғаяди.

Фарида ғамгин. Бахти учун сочини супурги қилган, эрининг минг турли зуғуми остида чексиз фидойилик билан дастёри бўлган ўғли бугун уни хизматкор ўрнига қўйиб, она дейишдан уялмоқда эди.

Эридан чеккан шунча азоблари етмаганидек яна ўғли қаҳрига учраши – аянчли, жуда оғир эди...

Бундан кейин ошиш имконсиз бўлган қоялар юксак бир тоғ каби қаршисида турарди. Бу тоғнинг бошини туман қоплаганди. Бу тоғ чўққиси қорларга бурканганди. Бу тоғнинг орқа томонида нима борлигини билмасди Фарида...

Баъзан сўнгсиз тушунчалар уни қуршаб олар, охири жуда таҳликали ҳисоб-китоблар онгини забт этарди. Чорасизлик ҳар томондан ҳужумга ўтганди. Ўз уйида ўз фарзандининг қўлида асирадек, айбдор бир маҳбуса каби яшаш уни еб тугатганди.

Дуойи бад қила олмасди. Нима бўлса-бўлсин ўғлига келган ёмонлик яна ўзига дард бўларди. Тузалиши, ёмон кунларнинг кетиши ва бошқа келмаслиги учун ёлворарди.

Бир куни Ҳасан онасига танбеҳ бериш, ножоиз ишларни қилмаслигини таъкидлаш учун яна бақариб берди. Фариданинг эса сабр косаси тўлди.

– Ҳасан! – деди.

Ҳасан қаршисида қалтираб турган онасини беписанд равишда бир-икки сония кузатди. Кейин ёқимсиз бир оҳангда сўради:

– Нима бўлди?

– Биласанми, ахир мен сенинг онангман!

– Нима бўпти, онам бўлсангиз?..

Фарида бир оғиз ҳам жавоб беролмади. Бўғзида қотган ҳайқариқлар изн бермади. Фақат минг бир аламли туйғуни ифодалаб турган нигоҳлар унга томон йўналди. Ҳасанга ачинган, Ҳасандан марҳамат тилаган она унинг кўзларига қаради.

Ҳасан бу кўзлардан ёғилиб турган кескин норозилик ўзига лаънат ёғдиришини сизди. Кўзларини олиб қочди.

Мағлубиятни тан олмаслик учун:

– Онам бўлсангиз, хизматкорингиз бўлмайман-ку ахир ... – деди.

Фарида бир-икки чуқур нафас олиб, гапирадиган ҳолга келди.

– Эҳ, ўғлим. Нима бўлганда ҳам дунёнинг иши ҳеч тугамайди. Ҳали Раббимнинг ҳузури ҳам бор. Қўлингдан келса, яна пича юкингни ташла онангга. Отангдан кўрган шунча азобим ҳали тугамади.

Фарида бориб, сандиқни очди. Ундан кичик бир жуфт маҳсиларни олиб, Ҳасаннинг олдига отди.

– Буларни кийган кунларни эслай олмайсан. Аммо шуни унутмаки, сен мактабга кетгач, фарзандини кўргиси келган онанг бу маҳсичаларни кўп ҳидлаган, юзларига сурган, фарзандининг оёқ ҳидини ҳис қилиб овунгандир. Ол буларни, сен ҳам ўғлингга кийдир. Фақат тилагим шуки, менинг бошимга тушган офатлар сенинг бошингга келмасин.

Ҳасаннинг ичида аллақандай бир тола узилди. Кўзлари ёшланди. Ҳеч нарса демасдан костюмини олди ва чиқиб кетди.

Кўчада бемақсад кезди. Ҳоригунига қадар қаерга борганини, нима қилганини билмай кезди. Соатлаб ана у кўча сеники, бу кўча меники, дея кезди.

Кўр туядек қадамини қаерга босишини билмай, бир неча соатдан буён дайдиб бир қалъага дуч келди. Салжуқийлар давридан бери неча асрлар эскиртирган, харобага айлан-тирган бир кўҳна бинонинг эшигидан кириб, кўчаларини кезишни ўйлади. Қалъанинг устига чиқиб, шаҳарни юқоридан томоша қилишни режалаштирди.

Қалъанинг тор кўчаларини айланди. Фақат вужудини босган бир титроқ унга бу ерларда бошқа юрмаслик амрини берди.

Туннинг иккинчи ярми давом этаётган шу соатларда бу ерларда фақатгина мушук ва кучуклар эркин кезади. Қалъанинг ичида яшамайдиган, бу маҳалла билан алоқаси бўлма-

ган бирор кишининг бу ерларда юриши, ҳатто кундузи ҳам яхши қабул қилинмас, унга яхши назар билан қаралмасди...

Йиллар давомида Чорумга Рамазон ойларида хизмат қилган, саҳарда саҳарлик, кечқурун ифтор вақтини эълон қилган тўп шу ерда эди.

Тўпнинг икки ғилдираги устига суянган оғзи юқорига қаратилганди. Қайта Рамазон келишини, яна вазифани бажаришга чиқарилишини кутаётгандек эди. Балки сўнгги йилларда миноралардан отилган ўқларни эшита олмайдиган даражада кексайиши, унинг вақт ҳақидаги тушунчасини йўқотган, саккиз-ўн йилдан буён нега иш бошламаганини, нима сабабдан Рамазоннинг шу даражада кеч қолганини тушуна олмайдиган қилиб қўйгандир.

Жуда ҳам сокин эди. Бир пайтлар портлаганида юракларни титратган, дераза ойналарини синдирган, уйқудаги болаларни, беморларни жойидан тура олмайдиган ҳолга келтирган тўп гўёки бу эмасди. Шу ҳолида уни кўрган биров:

– Яқин қишлоққача овозини эшиттирган, ўн минглаб инсоннинг саҳарлик ва ифторлик вақтини тартибга қўйган бронза рангли тўп ростдан ҳам шуми?.. – дейишидан ўзини тўхтата олмади.

Ҳасан тўпнинг устига ўтириб, чуқур уйқуга кетган шаҳарни кузата бошлади.

Кечгача тинмай ишлаган, ҳаракат қилганидан ғоят ҳорғин ҳолга тушган кўринишда эди шаҳар... Бирор овоз йўқ эди. Бирор ҳаракат сезилмайди. Бирорта чироқ ёнмаётганди.

Ҳолбуки, бу шаҳарда оқшом тушгунга қадар қирқ минг километрлик дунё атрофини бемалол айлана оладиган даражада йўл юрилган, юз миллионлаб сўз айланган, урушлар, шовқинлар бўлганди.

Фақат инграшдан бошқа бирор нарсага кучи етмайдиган беморлар, чақалоқларининг бешигини тебратаётган оналар уйғоқ эди. Аммо буларнинг инграши, ҳазин алласи яшаб турган уйлари деворларидан нариги етмасди.

Эҳтимол бугун раҳмат эшигига бош уриб, кундузи қилган гуноҳлари юкини кўтариб юрган, авф тилашдан бошқа

мақсади йўқдек дуога қўл очиб, Яратганга ёлворганлар бордир. Булар қилган ибодатларига, сўраган узрларига Аллоҳдан ўзга гувоҳнинг топилишига зарурат сезмаган, фақат Раббига хизмат қилган, унинг эшигидан бошқа бош уриладиган бир эшик борлигини ўйламаган инсонлар эди.

Булар ҳидоят йўлида ҳақиқий бир қулдек юрган, фақат ибодатларидан кўнгли тўлмаган, ибодати учун мукофот эмас, балки айбнинг кечирилишини чин кўнглидан ёлвориб сўраган кишилар эди.

Булар ҳар хил нуқсонлардан узоқ, барча комиллик сифатларини ўзида тўплаган, Аллоҳ билан ёлғиз қолишнинг, Унинг сўнгсиз карамидан, Унинг чексиз неъматларидан, Унинг ниҳоясиз эҳсонларидан насиба олишнинг таъмини тотган инсонлар эди.

Бир нафасда икки шукр бурчининг мавжудлигини идрок этган, ҳар нафаси охири бўлиши мумкинлигини миясига қўйиб олган инсонлар эди.

Юрганда кўнгиллари Аллоҳ билан эди. Ётганда ҳам Уни ўйлашарди. Ёнбош ётганларида ўзларига ҳаёт берган ва истаган пайтида ҳузурига чақира оладиган Яратган зотдан бошқаси билан машғул эмасдилар.

Бу кишилар қалбини Уни севганни севиш, Уни севмагандан нафратланиш туйғуси тўлдирганди. Шу сабабли Уни танитган, Унга элтувчи йўлни кўрсатган, Унинг китобини ўзларига етказган ва ўргатган улуғ Пайғамбарга (с.а.в.) кўнгил қўшниси бўлиш, Унинг йўлидан бир лаҳза бўлса-да, айрилмасликни бош тамойил сифатида қабул этишганди.

Севилишини Аллоҳнинг ўзи амр этган, итоат этилишини мажбурий бир вазифа қилган, рад этилишини абадий фалокатга боғлаган улуғ Пайғамбарга (с.а.в.) қилча бўлса-да, қарши бўлиш қўрқуви уларнинг уйқуларини қочирганди. Улуғ ҳисоб кунда шафоатини сўрайдиганлари Расули Акрамга (с.а.в.) ҳаётлик чоғда ҳақиқий ва хос бир уммат бўла олиш нияти ва ғайрати мияларни эгаллаганди.

Кўнгиллар унинг саодат йўлига қаратилганди. Аллоҳнинг оламларга раҳмат сифатида юборган Пайғамбарига (с.а.в.), Унинг ватани бўлган Мадинага, Ансор ва Муҳожирлар

юрти, комил иймон ва солиҳ амал юрти бўлган Мадинага йўналганди. У ёққа қаратилганди, чунки кўнгиллар султони у ерда эди. Кўнгилларга шифо ўша ердан келар эди. Унинг йўлидан айрилганларга улуғ Аллоҳ қутулиш йўлини муносиб кўрмайди, узрини қабул этмайди, унга бўйин эгганни Ўзига итоат этган ҳисоблайди.

Яратганга энг гўзал тарзда қуллуқ қила олишнинг йўлларини кўрсатган, дунё ва охират саодатининг нима эканлигини, қандай қўлга киритишни ҳаёти давомида ўргатиш учун келган, вазифасини энг мукамал тарзда бажариб, ҳузурри Илоҳийга қайтган Пайғамбарга (с.а.в.) қаратилган қалблар эди булар...

Аммо уларнинг шу сабабли мавжудлигини харобага айланган қалъани қуршаб турган тўрт девор ҳам билмасди.

Ҳасан чувалашиб кетган фикрини бир жойга тўплашга уринар, олдида ястаниб ётган ва том маънода ухлаган шаҳарга баъзан нима учун қараганини билмай, баъзан қалби ифодадай олмайдиган туйғулар билан боқарди.

Оҳиста тебранаётган дарахталарни, тебранаётган ва бу орада юзини, сочларини силаган шамолни ҳис қилиб турарди. Фикрини бир жойга жамлаб олганда, Қандилқоядан, Малакғозидан, балки ундан ҳам узоқлардан келаётган бу шамолнинг эсишидан таъсирланарди. Дарахтларнинг япроқларига қадар таъсир этган, уларни майин бир оҳангда энгил шитирлатган шамол Ҳасаннинг тош юрагига таъсир қила олмаётганди.

Унга шерик тутинган, баданига аста урилган, топ-тоза бир ҳаво... ҳам орқасидан келаётганди. Тоғдаги яйловларда қўним топган, софлигидан, поклигидан бирор нарса ҳам йўқотмаган, ҳийлагар, ёлғончи, урушқоқ инсонлар билан асло кўришмаган бу ҳаво билан танишар, унинг ҳидини ҳис қиларди.

Ҳолбуки, Ҳасан – ҳар нафас олиши вужудидаги қонни тозалаган ва бир сониядан сўнг софлигидан, тозалигидан асар қолмаган бу соф ҳавонинг фарқига ҳам бормасди.

Бу кеча кўкда тантана бўлаётганди. Юлдузлар байрам либосларини кийган, улар бу тунги саёҳатнинг ярмидан

кўпини тугатган тўлин ойнинг ҳар ойда бир марта қиладиган хусусий вазифасига ёрдамчи бўлишнинг жўшқин нашъаси ичида ярқ-юрқ этиб чарақлаётганди.

Ҳар ойнинг ўн тўртинчисига тўғри келадиган бу кечада ой қуёшнинг ботишига қирқ беш дақиқа қолганда юз минглаб километр наридагилар ҳам аниқ кўра оладиган бир виқор билан вазмин юксалади. Минг тўрт юз йил аввал Пайғамбарлар Султони (с.а.в.) берган бир хабарни такрор-такрор эълон қилиб: «Бу кечада мени кўрганингиз каби айбингизни кўришингизни Пайғамбардан (с.а.в.) эшитганимга Аллоҳ учун гувоҳлик бераман», дея ҳайқирарди.

Ҳақиқатлар учун очиқ бўлган қалблар ҳол тили орқали айтилган бу ифодани жон қулоғи билан тинглаб ҳис қилади, у муждани берган улуғ Пайғамбарнинг (с.а.в.) ҳам шундай бир кечада шарафли саҳобалари билан нур юзли ойга қараганини ўйлайди, ўша туйғулар остида ва шу онда Пайғамбарнинг (с.а.в.) уйини ҳам кўриб тургандир, дея ойга саломлар юборишарди.

Аммо унинг бу эслатмасини эшитмаган, унга қараган пайт «жуда ҳам ёришибди» дейишдан бошқа нарсани билмаган, юриш, ейиш ва ичиш орқали инсониятнинг бутун камолотига эришганини тахмин қилган, тушунчасиз кимсалар ҳам бор эди.

Буларнинг кўзлари бор эди, фақат бу кўзлар ибрат нигоҳи билан қарашни билишмасди. Қулоқлари бор, ҳақиқатларни эшитмасди. Қалблари бор эди, маъно оламига шўнғиш ва нарсалар моҳиятини англашга яқинлашмасди.

Ҳайвонларнинг аҳволи ҳам шунга менгзайди. Бу кимсалар берилган қобилиятларини заифлаштиришди, зид йўлда қўллашди, яроқсиз ҳолга келтиришди, ҳатто, ҳайвонларни ҳам ортда қолдирганлар бўлишди.

Аммо негадир улар бу ҳолларидан мамнун эди. Мавжуд ҳолатдан бошқа устунроқ бир ҳол бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтиришмасди. Маънавиятга ишонадиган, бу ишонч йўлида фидойи бўлган, бутун борлиғи билан Аллоҳ йўлида, унинг ризоси мақсадида курашадиганларни тентак ва аҳмоқ ҳисоблашарди.

Қорнини силкилатган тўқлар очларга эътибор бермайди. Сўнгги русумдаги машиналарда кезадиган бойлар бечора ҳаммолларни томоша қилиб ўтарди. Улар бу кеча кўнгилларни тўлдирувчи бир дабдаба билан порлаётган ойдаги виқор ва гўзалликни кўра олмасди.

Буни Ҳасан ҳам кўрмаётганди. Ҳатто қарашни ҳам билмасди. Онаси айтган гаплар Ҳасаннинг қулоғи остида жаранглади. Онасига нисбатан ноҳақлик қилгани хаёлига келди. Йиллар бўйи бебаҳо яхшиликлар этган онасига нисбатан англамай ноҳақлик қилганини тушуниб етаётганди.

– Тур... тур... тур...

Соат уришларидан шу маънони тушунди. Соат минораси тун вақтини кетма-кет урилган учта бонг орқали эълон қилди. Занг еган зарбалар оғриғидан бир муддат ингради. Соат ҳижрий 1311 йилдан бери кеча-кундуз бегуноҳ бир етим сингари дўппосланганини баланд овозда ҳайқирганча Чорумнинг бутун кўчаларига яна бир марта эслатди. Қалъа деворлари ўша овозни айни оҳангда такрорлади.

Ҳасан ўрнидан турди. Ўзи ўтирган бронза рангли тўпга яна бир марта қаради. Соат бонгидан сўнг қайта жим-житлик қаърига чўккан шаҳарни яна бир бошдан кузатиб чиқди. Сўнгра секин-аста пастга тушди.

Қалъанинг эшиги жуда катта эди. Доимо очиқ, бир неча йиллардан бери асло ёпилмаган ҳолда турар эди. Икки томонда одам яшамаслиги оқибатида файзсиз ҳолга тушган биттадан хона бор эди. Қалъага кирганда чапдаги хона қоровулга, ўнгдагиси маҳбусларга тегишли.

Эшикдан киравериш қисмида жуда баландда қурилган иккита дор бор. Ҳасан қачонлардир келганида бу дорларнинг бирида ифлос, қуруқ бир арқоннинг осилиб турганини кўрганди. Йиллар суронида қора ранга бўялган бу арқон сўнгги осилган маҳкумга оид эканини айтишарди. Дорнинг пастдан уч қаричи кесилган эди. Бошқаларга ибрат учун бу ерда қолдирилган арқон Ҳасанда ғалати бир кўрқув ҳиссини уйғотди.

Ҳасан арқонга яна бир марта қаради. Қоронғуликда унча билинмаётганди. Унга узоқ қараб тура олмади. Ичи тит-

роққа тўлди, кўзларини ерга қаратди. Сўнгра оҳиста одимлаб, майдонга чиқди.

Бошини қўйи солиб Ибик кўчаси томон кета бошлади. Туйқус йигирма метрча нарида юқоридан пастга тушган оғир бир нарсанинг гумбурлаган овозидан ўзига келди. Диққат қилса, юқоридан тушган қора-одам: У сакраб ўрнидан туриб, сочилган нарсаларни териб, қоча бошлади.

Шу маҳал у сакраган жойдан эшик очилиб, тунгги либослари осилиб ётган бир одам:

– Ўғри қочди, ушланг... – дея бақириб, қочоқнинг кетига тушди.

Кўчада Ҳасандан бошқа бирор тирик жон йўқ эди.

Оний бир қарор билан Ҳасан ҳам югурди. Тунгги соат учдан сўнг мароқ, завқ, ҳаяжон ва қўрқув тўла бир югуриш бошланганди. Ҳар учови ҳам бор кучи билан югурарди.

Ҳасан яланғоч одамдан ўзиб кетди. Олдингига етиб олиш учун тишини-тишига қўйиб, бор кучи билан чопди. Аммо олдиндаги одам қўрқув ичида шамолдек тез югурар эди.

Баландликдан тушганларида ўғри Зафар мактаби томон кетадигандек кўринди. Аммо кутилмаганда у Келегўз масжидига бурилди. Буларнинг ҳаммаси сўнгги икки сония ичида юз берганди. Ҳасан унга етиб олишига беш-олти қадам қолди.

Ич кийимдаги уй эгаси ҳамон югурар, ҳамон:

– Ўғри қочяпти, ушланглар... – дея бақирар эди. Кўчада уч югурувчидан бошқа ит ҳам йўқ эди. Фақат кўчани кесиб ўтаётган бир мушук ўғрининг оёқлари остида эзилишдан қўрқиб, бир ҳамлада ўзини деворнинг нарёфига отганди.

Ўғри қутулиб кетишдан умидини узди, шекилли, бирдан қўлини қўйнига суқди, орқадан ва орадаги масофани қисқартириб келаётган Ҳасанга бақирди: «Яқинлашсанг, жонингни суғуриб оламан». Ўғри қочишда давом этди. Ниҳоят, чорасизлик боис жасорат билан тўсатдан бурилди ва ханжарини ортга томон шиддат-ла сермалади.

Кутмаган бу ҳужум Ҳасанни ялаб ўтиб кетди. Охири балки ўлим билан тугаши мумкин бўлган бу зарбадан қутқарган ҳаракатини Ҳасан билиб туриб қилмаганди.

Ўғри ханжарни иккинчи марта сермади. Бу гал Ҳасан ўзини ортга олди. Шу орада уй эгаси ҳам етиб келди ва бошқа томондан ҳужумга ўтди.

Бурилиб, ханжарини сермашга уринган ўғри оёқларига орқадан берилган зарбдан қалқиб кетди. Жон қўрқувидан титраб, бутун гавдаси билан йўлга узала тушди.

Дарҳол туриш учун хезланди. Аммо устига отилган икки киши уни яна ерга босди. Бу орада кетма-кет мушт туширилди. Ўғрининг қўли ёнига тушган ханжарга узалди. Ҳасан аввал оёғи билан ханжарни нарига итарди, сўнг унга бир неча мушт туширди. Уй соҳиби ҳам қараб турмади.

Ўғри уринишларининг беҳуда эканини англади. Таслим байроғини кўтарди. Ёлворишни бошлади:

– Кечиринг, акажон, қурбонингиз бўлай, кечиринг!..

– Кўп эзмаланмасанг яхши бўларди.

Ўғрини оёққа турғаздилар.

– Оёғингизга йиқилдим, оғажон, болаларингизнинг боши учун...

Уй эгаси жавоб бермади. Фақат нафасини тўплаб бор кучи билан бир мушт туширди. Ҳасан бунчалик зарб билан мушт урилиши мумкинлигини шу пайтгача билмас эди.

Ўғрининг кўзидан ўт чақнади. Нима деяётганини билмай, телба-тескари бир-иккита сўз айтди. Уй эгаси:

– Сен ҳозиргача кимга ачинган эдингки, кимдан марҳамат сўраяпсан? – дея бақирди.

У ҳақорат қила бошлади. Фақат унинг тили ҳақоратга унча уста эмас экан. Ҳасан отасидан йиллар давомида эшитган ҳақоратларга ўлчаб кўриб, унинг бу йўлда ҳали тажрибасиз эканини бир лаҳзада англади.

Уй эгаси ўғрининг ёқасини қўйиб юбориш ниятида эмасди.

– Бу телбани миршабга элтса яхши бўлади. Аллоҳ сендан рози бўлсин. Хизр каби етиб келдинг.

Ҳасан:

– Аввал либосларингизни кийиб олинг. Сиз яхшилаб ушланг, мен қўлларини боғлайин, – деди.

Бу ерда ўғрининг ёлворишларини эшитувчи йўқ эди.

Ҳасан белидан камарини ечди. Ўғрининг қўлларини орқасига зичлаб боғлади. Бу орада ўғри типирчилар, лекин ҳаракатлари фойда бермаётганди.

Шундан кейин уй эгаси ердан ханжарни олди, ўғрини етаклади.

– Хоҳласанг қочишга урин... – деди

Ҳасан унинг орқасидан итариб: «Юр, қани дўстим», деди. Аммо бу дўстликка сира ўхшамасди.

Ўғрининг кўнгли хуфтон эди.

Уй эгаси бу ҳаяжонли можарони ипидан игнасигача тунтирганча йўл босиб ўтилди.

Ниҳоят, уйига етиб бордилар, эшикдан кирдилар. Уй эгаси бақирди:

– Ҳой қиз, кийимимни келтир.

Бир дақиқадан сўнг, ҳовлига бир аёл чиқди. Қўлида костюм-шим бор эди. Ўғрига қараб:

– Аллоҳнинг қаҳрига учрагур, иймонсиз малъун. Нима дардинг борки, унинг-бунинг молига кўз тикасан, – деди.

Ўғрига нисбатан бундай ҳақоратомуз сўз айтишга ҳақлигини билган уй эгаси индамади. Либосини унинг ёрдамида кийишни бошлади. Битта қўл билан ҳамон ўғрини ушлаб турди. Кийиниб бўлгач, узун ва бақувват бир арқон келтиришди.

Ўғрини мустақкам қилиб боғлади. Ҳасаннинг камарига эҳтиёж қолмади. Шу ҳолда ўғрини бемалол Истанбулгача элтиш мумкин эди.

Ўғри ниҳоят тилга кирди:

– Акажон, мени миршабга элтманг.

Уй эгаси бу гапни эшитиб, ўғрининг қаршисида ҳурмат билан эгилди:

– Буйруғингиз бош устига, афандим. Бироқ неча бир соатгача бу орзуингизни айтмадингиз?

Кейинроқ ичкарига қараб:

– Хоним, тезроқ чой тайёрла, нонушта ҳозирла. Афанди миршабга боришни истамаяпти.

– Калака қилиясизми, ака?!

– Кечирасан, бир мартаси етади. Аммо биласанки, сени бу уйда меҳмон қила олмаймиз.

– Ўлдинг, розиман. Лекин мени у ёққа олиб борманг. Менинг ҳам болаларим бор. Ҳам оч кутишяпти.

Бу сўзлар Ҳасанни бир неча йил олдинга қайтарди... Кўзлари дадаси боғланган ҳолда, таёқ еяётган ҳолда кўрди, қўлларида кишан билан қамоқхонанинг машинасига минаётган ҳолда кўрди... Еган нони, Аллоҳ билади, қайси амаллар, қандай пешона тери билан ишлаб топилганини. Фақат ўзлари учун ишлаб топилмаганини ўйлади. Шундай бир турли разилликлар билан тўла ҳаётнинг ҳаром нонини Ҳасан неча йиллар давомида еганди.

Уй эгаси берган савол Ҳасанни хаёлидан чалғитди:

– Хўш, уларни тўйғазишнинг йўли ўғриликмиди?

– Нима қилай, акажон, бошқа касбим йўқ.

– Нима бўлганда ҳам, юр, энди. Зулмат бўлсаям, ўша ёққа борасан.

– Қурбонингиз бўлайин.

– Қани эди, азизим, қўлингда бўлса, бизни қурбонлик қўй ўрнига сўйишдан ҳам қайтмайсан.

– Худо ҳақи, қилмасман, акажон, мен ҳам инсонман.

Ҳасан гапга аралашди:

– Хўш, унда сал олдинроқ сермаган ханжарларингга нима дейсан? Ҳазиллашаётгандинг-а?..

Гап тугамасди. Уй эгаси:

– Туннинг бу вақтида бундан ортиқ суҳбат кўп бўлади. Йўловчи йўлида керак, – деди.

Арқоннинг учидан ушлади.

– Қани, тун қуши, сени ўрнингга жойлаштирайлик.

Ўғри олдинда, иккиси орқада йўлга тушишди. Ўғри йўл бўйи бор маҳоратини ишга солиб раҳмни келтирадиган барча сўзларни ишлатди. Аммо буларнинг бирортаси ҳам заррача таъсир этмагач, дўқ уришга ўтди:

– Бу ишнинг оқибати ҳам бор, шуни ўйлаб кўринг, – деди.

Уй эгаси:

– Яхши тушунмадим?

– Вақти келса тушунасан. Ҳали бир неча ойдан сўнг учрашганимизда, иккингишни ҳам аяб ўтирмайман.

– Яъни?

– Яъни буларни ортиғи билан қайтариб оламан.

– Бўпти, оладиганларинг ичидан мана булар ҳам ўрин олсин...

Уй эгаси буларни айтаркан, ўғрининг кўкрагига кетмакет мушт туширди. Ўғри ерда букчайиб ётиб қолди.

Уй эгаси ўғрини ёқасидан ушлаб, турғизди, сўнг яна бир мушт туширди.

– Сана буларни, бешта бўлди, бу олти, бу етти, саккиз...

Ўғри мувозанатни йўқотди. Ўнинчи муштни егач, қайта ерга ёпишди. Уй эгаси:

– Булар олдинги ҳисобга алоқадор, – дерди.

Ҳасан фақатгина бўлаётган воқеаларни кузатаётганди. Сира ҳам ёқимли манзара эмасди бу. Дунёнинг барча неъматларини қўлга киритиш мақсадида бўлса-да, бундай ифлос бир ишга киришиш инсон руҳига терс тушарди.

Миршабхонага етиб бордилар.

Полиция комиссари тонгги тўрт яримда арқон билан маҳкам боғланган бир одамни келтирган икки кишини қабул қилди. Ўғрига қараб шундай деди:

– Аллоҳнинг қаҳрига учрагур, ахлоқсиз бола, сенинг ҳеч тўғри юрган кунингни ҳам кўрамизми?

Ҳасанга қайрилиб:

– Бугун эрталаб чиқди ҳибсдан, – деди. – Ҳали жавоб берилганига йигирма тўрт соат бўлмади. Туролмайди бу одамлар. Ҳалол ҳаёт буларни безовта қилади. Шунча йиллик касбий тажрибада бирор ўғрининг ўғрилиқ билан видолашганини кўрмадим, эшитмадим. Хизматчи ишлайди, вақти келиб, нафақага чиқади. Спортчи ҳам вақти-соати келгач, спортни тарк этади. Аммо булар унақа эмас, азизим. Бутун дунёни ўғирласалар ҳам сира тўймайдилар, иккинчи бир дунё мавжуд эмаслиги учун қайғуга тушадилар. Уларга фақат ёлғиз Аллоҳнинг кучи етади.

Ўғрига яна бир марта қаради, кейин хизматчиларига қараб:

– Ечинг арқонни, – деди.

Яна Ҳасанга бурилди:

– Балки тўғри эмасдир, аммо бирор ўғрининг ўлганини эшитсам қувонаман. Бироқ ўғрилиқ шундай бир микробки,

бири ўлгунча учтаси, бештаси бошқа томондан отилиб чиқаверади. Борган сари ўғрилар сони кўпаймоқда. Талончиликлар ортмоқда.

У гапираётганда бир ходим воқеаларни ёзиб олишга тайёрланади.

Уй эгасининг исми, фамилияси. Уй манзили ёзилди. Унинг тафсилоти олинди. Уйга ўғрининг кирганини қандай билганлиги, қандай қувлаганликлари, ушлаганликларини тушунтирди. Навбат Ҳасанга келди:

- Исминг?
- Ҳасан
- Фамилиянг?
- (К.....)
- Отангнинг исми?
- Турсун.

Комиссарнинг юзи бу исм билан фамилияни эшитиб бир галати бўлди. Нималарнидир эслашга урингандек пешонасини тириштирди. Бу орада ўғри олдинроқ муносабат билдириб, ҳайрат тўла ифода орқали бақариб юборди:

– Бизнинг Турсуннинг ўғли!

Ҳасанга бурилди:

– Менга қара, оғайни, сен даданг билан шуғуллан! Мендан нима истайсан?

Комиссар гапга аралашди:

- Сен жим ўтир. Тентаклик қилишга ҳожат йўқ.
- Комиссар бей, унинг отаси ҳам ўғри. Ҳозир ҳам қамоқда – Манисада, ўн бир йилга кесилган.
- Бўлиши мумкин. Дадасининг бу болага нима алоқаси бор? Бундан ташқари, сен овозингни ўчирасанми ё йўқми?

Ҳасан нима дейишни билмай довдираб қолди. Рангги ўчиб, ҳаяжондан томоғи қуриди.

Комиссар эса, Турсунни яқиндан танирди. У билан миршабхонада тўрт-беш марта тўқнаш келганди.

- Сен Турсуннинг ўғлимисан?
- Ҳа, комиссар бей, афсуски, шундай.
- Лекин мен сени табриклайман. Жуда мамнун бўлдим. Виждонли бир болага ўхшайсан. Хијолатга ўрин йўқ, ўғлим.

Уй эгасига қаради:

– Пок одамнинг ўғли пок бўлса яхши. Бироқ ўғри отанинг фарзанди ҳалол бўлса – бу энг яхшисидир. Тиканда гул ўстирган Аллоҳнинг қудратидир бу. Ҳар куни бу ерда нималар, кимлар билан тўқнаш келишимизни бир билсангиз эди. Шайтонга дарс берадиган маккор ва ахлоқи бузуқ кишилар бўладики, аёли ва фарзанди фариштадек пок, ҳавас қиладиган даражада тарбияли. Сиз бу ишлардан асло ҳайратга тушманг. Биродар, булар тикандан гул яратган Аллоҳ қудратининг кўринишларидир.

Комиссар ходимга ўғрининг аввалдан маълум бўлган шахсий маълумотларини тақдим этди. Ёзилганлар ўқилиб, имзоланди. Кейинроқ комиссар:

– Сизнинг ишингиз битди, кетишингиз мумкин, – деди.

Бирга чиқдилар. Уй эгаси Ҳасанга миннатдорчилик билдирди. Нонуштани уйида бирга қилишни таклиф этди. Ҳасан изн сўраб, у ердан кетди.

Миноралардан юксалган овозлар бомдод намозининг вақтини эълон қилаётганди. Демак, қалъадан кетганига деярли икки соат бўлибди.

Кўзлари юмилар ҳолга келган, вужудини бир ҳорғинлик эгаллаганди. Бу ҳолатда бориб ётишдан, ухлашдан яхшироқ нарса бўлмасди.

Фақат уйига боргунча бир неча масжид ёнидан ўтади. Қалбида Аллоҳ муҳаббати бўлганлар, қуллик бурчини адо этиш дарди ила ёнганлар уйқуларини ташлаб, масжидга ухлашга бормасалар керак.

Кўпдан бери боришни камайтирган масжидга кирмай, ёнидан бир бегонадек ўтиб кетишни ўзига маъқул кўрмади.

Тўғри Улуғ Масжидга томон юрди. Ҳовуздан таҳорат олиш учун костюмини ечди.

Шалдир-шулдир оққан сувлар овози Ҳасанга жуда ҳам таниш. Руҳининг туб-тубигача етиб борган ширин нолалар Аллоҳ зикрининг энг соф ва тоза ифодалари каби янгради Ҳасанга. У оқаётган сувга, ҳовузнинг қуббасига, қуббани ушлаб турган устунларга қаради. Йиллар давомида Яратганни зикр этувчи хос қулларга муносиб ғайратга шериклик шарафи мазкур устунларга, қуббага насиб қилганди.

Таҳоратини олди, бир бурчакка ўтирди. Кўзларини юмиб жимгина эшитди... Руҳининг бу тотли оқимга шерик бўлаётганини ҳис қилди, қалбида таърифига тил ожиз роҳат ва ҳузурнинг жамланаётганини сезиб, вужудининг покланаётганига ишонди.

Намоз учун олинган таҳорат сирини кашф этгандек бўлди. Демак, таҳорат фақатгина қўлларни, юз ва оёқларни ювиш ҳамда бошга масҳ тортишдан иборат эмас экан. Таҳорат инсоннинг қалбини, кўнглини, руҳини ювиб, Аллоҳнинг ҳузурида туриш учун керакли покликни тақдим қилади.

Асрлар давомида, неча йиллар Аллоҳ йўлида ҳақиқий йўловчиликни адо этганлар бу ерда таҳорат олган, бу сувларнинг шилдирашини эшитган, кўнгилларга фараҳ бахш этувчи илоҳий нолаларни тинглаганди.

Шунча одамнинг Аллоҳ ҳузурига чиқиши учун ўзини фидо қилган, уларни Яратганнинг ҳузурига юбораркан, ўзи эса топган бир тешигидан ер остига кириб, ғойиб бўлган сувда бир аслик бор эди.

Келганлар таҳорат олиб, секин пичирлаб ўқилган дуола-ри билан масжидга киришаётганди.

Ҳасан ҳам ўрнидан турди. Деворлари сариқ тошдан қурилган, виқор ва ҳайбат тўла кўриниши орқали кишиларга:

«Бу ер Аллоҳнинг уйидир, одоб сақламоқ лозим...» деб тургандек бўлган хонақоҳ томон юрди. Эшигидан кирди.

Султон Мурад IV давридан буён кунда беш марта мусулмонларга хизмат қилиши орқали шараф топган, қуллик бурчини адо қилишга келганлар оёқларининг чангги ила нурланган, қанча Аллоҳ дўстларига саждагоҳ бўлган, қанча авлиёнинг жаннат бўйини ташиган нафаслари билан табба-рук қилинган бу муборак бинога кирди².

Неча қорайган юзлар бу ерда оқарди. Аллоҳ ишқи ила ёнган қалблар бу ерда ҳузурга эришди. Умр бўйи гуноҳ юки билан букчайган беллар тўғри бўлиб, хаста кўнгиллар шифо

² Улуғ Масжид анча олдин қурилган, фақат Султон Мурад IV томонидан қайта таъмир этилган.

топган жой шу ер эди. Қурилиши Аллоҳ ризоси ва Пайғамбар (с.а.в.) хушнудлигига сабаб бўлган, бузилиши эса фалокатлар ёғдирган бино эди бу.

Бу ерда Яратганга қуллуқ қилинар, неъматларнинг мутлақ Соҳиби зикр этиларди. Бу ернинг эшиги Аллоҳнинг қули эканини тан оладиган ҳар бир киши учун очиқ эди. Шоҳ ва гадонинг айни сафда ибодатга турадиган жойи эди бу ер. Бу ерда кўпчилик тик оёқда қўл қовуштириб туради, бу ерда раҳмат ва мағфират ниёз қилинади. Мўминлар бу ерда гуноҳ юкларидан тоза бўлишади.

Ичкари чироқлар билан ёритилган. Келганлар жимгина бўш жойларга ўтиришади. Имом афанди юзини жамоатга буриб, вазмин бир оҳангда «Қуръон» тиловат қилди.

Ҳасан ўтириб, кўзларини юмди. Қалби билан ўқиладиган оятларни ҳис қилиб тинглади...

Ўн дақиқадан сўнг имом тиловатини тугатди, фотиҳалар ўқилди. Намоз адо қилинди.

Ҳасан бомдод намозида ўша куни вазифасини бошлаган малаклар билан кечаги фаришталарнинг бир жойга тўпланишини, махсусан бомдод намозининг гувоҳи бўлишини, намоз пайтида ўқилган «Қуръон»ни эшитишини ва шу сабабдан Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) бошқа намозлардан кўра бомдод намозини кўпроқ ўқиганлигини эшитганди.

Ҳасан масжиддан кўнгли роҳатланиб, мамнун бўлиб чиқди. Уйга бориб ётмагани тўғри эканлигига амин бўлди. Қалбининг бу масжиддек кенгайганлигини бемалол айта оларди.

Шу фикр билан уйга йўл олди.

* * *

Фарида бомдод намозига турган, Ҳасаннинг ҳамон келмагани учун қайғуга тушаётганди. Бу кетишда уни ўзи чизган чизигидан юргиза олмаётганини англаётгандек эди.

Намозини ўқиб, кўз ёшлари ила қўлини дуога кўтарди:

«Ё Раббим, ўғлимни отасидек қилма. Сен ҳар нарсага қодирсан. Қудратинг ҳар нарсага етади. Ҳабибинг ҳурмати учун ўғлимни тузат. Эй, дорда қолганларнинг илтижосига

жавоб берган, эй дардмандларга дармон ато этган Раббим, гуноҳимни кўрибоқ мени даргоҳингдан қуруқ қўл билан қайтарма. Исён билан қорайтирган юзимни эҳсон орқали кулдир. Менга ярашадиганини қилма, Ўзингга ярашадиганини қил...»

Қўлларини юзига тортди. Қайта-қайта дуо қилди. Жойнамозини йиғиб, токчага қўйди. Дераза олдига ўтирди. Кўзлари қаршисидаги уй томида чуғурлашаётган чумчуқларга тушди. Жўшиб, берилиб, завқ билан сайрашаётганди. Уяларида бир кунлик егулик мавжуд бўлган кунни, балки ҳеч қачон бошидан ўтказишмагандир. Шунга қарамай, бирор дарди, ташвиши йўқлигини англатарди бу сайрашлар...

«Ажабо, буларнинг турсунлари, ҳасанлари йўқмикин?.. Ҳеч дарди йўқми буларнинг?..» дея ўйлади Фариди.

Шунда улар сингари бир қуш бўлишни, улардек дардсиз, ўйсиз бўлишни, улар каби узоқ-узоқларга учиб кетишни, ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган ўлкаларда ватан тутишни, бировни танимайдиган қишлоқларга бориб яшашни шундай истаётгандики...

Эшикка калит тиқилганини эшитди. Деразадан қаради, Ҳасан келаётганди.

«Қаерда эдинг?..» деган кўзлар Ҳасанга қаради.

Ҳасан бу қарашларга жавоб бермасликни афзал билди.

– Жуда ҳам уйқум келяпти, она. Мени соат тўққизда турфизинг!.. – деди ва тўғри ётоғига йўл олди.

Боши ёстиққа тегиши билан кўзлари юмилди. Икки дақиқадан сўнг Ҳасан бирор жойини кесиб кетса ҳам билмайдиган даражада қаттиқ уйқуга кетди.

Ҳасан тўққизда уйғонди. Дўконга боргунига қадар анча вақт ўтди, соат ўнга яқинлашди. Уста Комил илк марга кечиккан Ҳасандан ҳеч нарса сўрамади. Зеро, Ориф хожа билан бирга ўтириб, бир китоб ўқиётгандилар.

Ҳасан дарҳол ишни бошлади. Диққати Ориф хожа ўқиётган китобга тортилди:

«Бир-бирингизга ҳасад қилманг. Савдо-сотикда бир-бирингизни алдаманг, хафа қилманг, бир-бирингиздан юз

ўгирманг. Бировингизнинг пишиб қолай деган савдонгизни бузманг. Эй Аллоҳ қуллари, биродар тутининг.

Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмас, уни хор қилмас.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи вассалам кўксига уч марта ишора қилган ҳолда:

«Аллоҳ қўрқуви, Аллоҳга бўлган ҳурмат шу ердадир. Бир кишининг ёмон ҳисобланиши учун мусулмон биродарининг хор этилиши кифоя. Мусулмоннинг мусулмонга қони, моли, ор-номуси ҳаром саналади».

Ориф хожа олдидаги чойдан бир-икки ҳўплам ичгач, мутоалада давом этди:

«Яна Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) буюрдик:

«Хоҳ золим бўлсин, хоҳ мазлум бўлсин, мўмин биродарингизга ёрдам этингиз».

Саҳобалардан бири:

– Эй, Расулulloҳ (с.а.в.), мазлум кишига ёрдам қиламан, фақат золимга қандай ёрдам қилишим мумкин? – деди.

Расули Акрам (с.а.в.):

– Золимни зулм қилишдан сақлаб қоласан. Мана шунинг ўзи унга ёрдамдир, – дея марҳамат қилдилар».

Бир мижознинг келиши Ориф хожанинг гапини бўлди.

Ҳасан ўқилганларнинг таъмини бир лаҳза руҳида ҳис қилди. Жуда ҳам ажойиб сўзлар эди. Ҳар бир мусулмон риоя қилиши шарт бўлган ахлоқ тамойилларини англатарди.

Фақат Ҳасан бир ерда ичи ачишиб, ақли вайрон бўлди. «Бир кишининг ёмон ҳисобланиши учун мусулмон биродарини хор этиши кифоя», деган сўзлари уни паришон қилди. Ҳасан бирор бир мусулмон биродарини эмас, онасини азоблаган эди. Дунёда ўғлидан бошқа суянадиган кишиси бўлмаган – бағри куйган онасини хор қилган, қадрига етмаган, ҳатто хизматкорига дашном бергандек унга дашном берганди.

Ўша кун ичра учун Ориф хожа дўконнинг олдида келди. Эшикда тўхтади:

– Ассалому алайкум, уста...

– Ваалайкум ассалом, хожам, марҳамат.
– Бугун Ҳасанда бироз ишим бор, кечгача жавоб бера оласанми?

– Ҳай-ҳай, нималар деяпсиз, уста. Сиз нима десангиз, шуда.

Сўнг Ҳасанга қараб:

– Қани, хожамни куттирма, – деди.

Ҳасан дўкондан чиқди.

У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб, истироҳат боғига етганларида Ориф хожа:

– Шу ерда ўтирамиз, Ҳасан, – деди.

– Ўтирайлик, хожам.

Ўтиришди. Официант чой олиб келиш учун кетди.

– Ҳасан, бу ерни эслаяпсанми?

– Албатта, хожам. Шу ерда танишгандик.

– Бугун ҳам сен билан шу ерда суҳбатлашишни маъқул топдим. Кўнглингда бир сиқилиш борга ўхшайди. Суҳбатлашсак, кўнгил ёришади.

Ҳасан гап об-ҳаво ҳақида эмаслигини дўкондан чиққанидаёқ сезганди. Ориф хожа гапида давом этди.

– Ҳасан, шу ерда таниган кунимдан бери сенинг табиатинг менга маъқул келди. Фақат негадир бир муддат бу муносабат сусайди, деярли сени кўришни истамайдигандек эдим.

Ориф хожа Ҳасаннинг юзига синовчан назар билан қаради.

– Нима дейсан, Ҳасан, бунинг сабаби нимада экан-а?..

– Била олмадим, хожам.

– Мен анча ўйладим, Ҳасан. Орамизда бир-биримизни севишга тўсиқ бўладиган бирор ҳодиса бўлмади. Қизиқ, айб мендами, дея ўзимни таҳлил қилдим. Қарасам, сен билан танишган кунларда қандай бўлсам, ҳали ҳам ўшандайман. Балки айб сендадир, дея сен билан суҳбатлашишга аҳд қилдим. Ҳозир тўғриси айт, сен мени яхши кўрасанми?

– Яхши кўраман, хожам.

– Аввал танишган пайтларимиздекми? Масалан, дўконга кирмаган кунларим «келсайдилар», деган пайтларинг бўлганми?

Ҳасан бу саволга жавоб беришдан кўра бошини эгишни маъқул билди.

– Демак, айти ҳолат сенда ҳам бор, Ҳасан. Сен ҳам мен кабисан. Гапнинг очигини айттайми? Мен сенинг юзингда аввалги софликни кўрмайман. Бу юз ибодат нурлантирган юздан узоқдек туюляпти менга. Бунга нима дейсан?

– Нима дейин, хожама?..

– Яъни, айтган гапларимда хатолик борми?

– Рост гапиряпсиз, хожама.

– Ундай бўлса, аҳволингни тушунтир менга.

Ҳасан кечадан буён остин-устун бўлиб ётган фикрини бир жойга жамлаб, тушунтира бошлади:

– Қаттиқ пушаймонман, хожама... – деди.

Узоқ тушунтирди. Охирида бир кеча аввал онаси билан ораларида кечган воқеани, тонгга қадар тентираб юрганини, ниҳоят дўкондан эшитган Пайғамбарнинг (с.а.в.) сўзлари берган пушаймонликни айтди.

Ориф хожа баъзан бошини тебратиб, баъзан юзини буриштириб тинглади. Ҳасаннинг гаплари тугагандан сўнг:

– Ҳасан, энди том маънода бир қайтиш лозим сенга. Бу-гуноқ онангнинг қўлини ўпиб, узр сўра, пушаймон эканингни сўзла. Дунёнинг салтанати сеники бўлса-да, охирида яна йўқолади. Еярга нонинг бўлмай қолади, Ҳасан. Билъ-акс, охиратда яхши бир натижага эга бўлиш имкони сира ҳам йўқ. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Жаннат оналар оёғи остидадир», деб айтганлар. Кўнглини олишинг лозим бўлган биргина онанг бўлса-ю, у онани мамнун эта олмасанг, бу-нинг устига, қалбини жароҳатласанг, охири яхши бўлади, дея сира ўйлама, ўзинг учун ажойиб бир натижа кутма, Ҳасан...

Бир соатдан сўнг ўзаро бир-бирини тушунгандек иккови шаҳарга томон боришаркан, қуёш ҳам ҳорғин ҳолида тепаликлар ортига ғойиб бўлишга ҳаракат қилаётганди.

* * *

Ўша кеча Фариданинг сабр косаси тўлган бир пайтда кўнгли жойига тушган, қалбининг қақраган дудоқлари янги бир ҳаётга қовушганди.

Бу оқшом ўғлидан эшитган гаплар, неча ойлар тортган азобларига парда тортган, гўёки уларни бутунлай унуттирганди. Ўғлига тилаган яхши ниятлар билан тўла дуосини Аллоҳга бағишлаганди. Ундан сўнг кўз қабоқлари қалин бир уйқу пардаси билан ўралди.

* * *

– Ол, Ҳасан. Қайси китобни ўқишни хоҳласанг, ўшани ол.

Ҳасан Ориф хожа узатган китобни олди. «Риёзус-солиҳийн» дея ёзилганди муқовасига.

– Хожам, номи жуда чиройли эшитилди менга. Фақат маъноси нималигини англамадим.

– Аллоҳнинг хос қулларининг кўнгил боғлари...

– Чиндан ҳам, гўзал исм.

– Чиндан ҳам гўзал исм эканлигини ўқиган пайтингда яхшироқ тушуниб етасан.

– Иншааллоҳ, ўқийман.

– Ўқи, лекин фақат ўзинг ўқима. Онанг ҳам тингласин. Қулоғига Пайғамбар (с.а.в.) сўзи кирсин. Бир одамнинг яшаши учун сув ва нон қанчалик зарур бўлса, бир мусулмон учун бу китоб шунчалик лозим ва фойдалидир. Ўқиётганда диққат билан мулоҳаза қилиб ўқи. Бу ҳадисларга муносиб ҳаракат қилган-қилмаганингни доимо кўз ўнгингга келтир. Кўп нарсага эришасан. Мен бунга ишонаман.

Ҳасан Ориф хожага миннатдорчилик билдирди.

«Риёзус-солиҳийн»ни ўқиркан, Пайғамбар (с.а.в.) яшаган давр қалбига эга бўлиш, кун ўтган сари бошқача бир ҳаёт кечиришни истаётганди. Номини эшитган, ўзини танимаган улуг Пайғамбарнинг (с.а.в.) амрларига, тавсияларига кўра тартибга солинган, гўёки ўша асрда улар билан бирга яшаётгандек бир ҳаётни хоҳлаётганди.

Чин инсонлик том маънода ўша даврда яшалгани, маданий ҳаётнинг энг гўзал намуналари ўша замонда берилгани кузатиларди. Ўша замон одамлари дунёқараши билан ҳозирги ҳаёт орасида шунақанги катта фарқ борки... Ўқиган сари хокисорлашар, янада яхшироқ бир инсон бўлишни истар, қалби ўша ҳаётга янада мустаҳкам боғланарди.

«Мўминнинг иши ҳайратланишига муносиб. Чунки ҳар бир ҳоли ўзи учун хайрлидир. Бу фазилат эса, фақат мўминга хос саналади. Севинишига лойиқ бир ҳоли бўлса, шукр қилади ва ўзи учун хайрли бўлади. Сиқилиш берувчи бирор бало келса, сабр қилади ва бу ҳам ўзи учун хайрли бўлади».

«Аллоҳ таоло айтадики: Истаган бир қулимни кўзларидан маҳрум этсам ва у қулим эса, сабр қилса, кўзлари эвазига унга жаннатни бераман».

«Ато ибн Абу Рабоҳ дейдики: Абдуллоҳ ибн Аббос менга шундай деди:

– Жаннат аҳлидан бир аёлни сенга кўрсатсам майлими?

Мен:

– Бўпти, – дедим.

У:

– Мана шу қора хотин Пайғамбарнинг (с.а.в.) ҳузурига борди ва:

«Мени тутқаноқ тутади. Йиқиламан ва бутун вужудим қалтирай бошлайди. Шифо топишим учун Аллоҳга дуо қилинг, эй Расулуллоҳ (с.а.в.)» деди.

Пайғамбар (с.а.в.):

– Истасанг сабр қил, бунинг эвазига сенга жаннат бор. Яна истасанг, сенга шифо бериш учун Аллоҳга дуо қиламан.

Шундан келиб чиқиб, Пайғамбаримиз (с.а.в) унга дуо қилдилар...»

Бу ҳодисалар Фариданинг қалбини ювди. Умр бўйи торган шунча азоби фақат айтишга осон эканлигини англади.

Ўша пайтлар сабр қилганди. Пайғамбарнинг (с.а.в.) бу сўзларини, бу китобда айтилганларни эшитиб, янада кучлироқ сабр қилар, янада каттароқ мукофотлардан умид қилар эди.

Ҳасан бир марта жуда ҳам эътиборни тортадиган ҳадисга дуч келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уч кишининг ҳолини, неъматни берган Зотга шукур қилиш лозимлигини айтган эдилар.

«Исроил ўғилларидан ола танли, кал ва кўр уч киши бор эди. Аллоҳ таоло уларни синаш учун бир фариштани юборди. Фаришта ола танлидан сўради:

– Энг кўп нимани хоҳлайсан, қайси нарса сенга сеvimлироқ ҳисобланади?

– Чиройли бир ранг, чиройли бир тери истардим. Одамлар кўрганда жирканадиган ҳолатдан қутулишни тилайман.

Фаришта уни силади. Жирканч кўриниш ундан кетди ва ранги гўзаллашди.

– Қайси мол сенга сеvimлироқдир?

– Туяни яхши кўраман.

Ўн ойлик бўғоз бир урғочи туя берилди. Фаришта:

– Аллоҳ буларни сен учун баракали қилсин, – деди ва калнинг ёнига борди:

– Сенга энг сеvimли бўлган нарса нима?

– Чиройли соч. Одамларни жиркантирувчи бу ҳолатдан қутилишни истардим.

Фаришта уни ҳам силади. Ифлос ҳоли кетди, гўзал бир соч берилди.

– Қайси мол сенга энг сеvimли?

– Сигир.

Бўғоз бир сигир берилди. Фаришта айтдики:

– Аллоҳ буни сен учун баракали қилсин.

Ундан сўнг кўрнинг ёнига борди:

– Энг кўп орзу қилганинг нима?

– Аллоҳнинг менга кўзларимни қайтариши. Токи инсонларни кўрайин.

Фаришта уни силади. Аллоҳ таоло унга кўзларини қайтариб берди.

– Сенга энг сеvimли бўлган мол нима?

– Қўй.

Унга ҳам бўғоз қўй берилди.

Бу ҳайвонлар: туя, сигир ва қўй болалади. Бу уч кишидан бирининг бир яйлов туяси, бошқасининг бир яйлов сигири, яна бошқасининг бир яйлов қўйи бўлди.

Анча вақтдан сўнг фаришта ола танлининг эски қиёфасида унинг ёнига борди:

– Камбағал бир одамман, йўлимда давом этиш имконим қолмади. Боришим мумкин бўлган жойга фақат Аллоҳ ва уни севувчининг ёрдами ила бора оламан. Сенга бу чиройли рангни, чиройли терини берган, туяларни эҳсон қилган Аллоҳ ҳақи учун сендан бир туя сўрайманки, сафаримни тугатишим керак.

– Берадиган молим қўп, лекин сенга бермайман.

– Сени танигандек бўляпман. Сен ола танли эдинг, инсонлар сендан жирканишарди. Камбағал эдинг. Буларнинг ҳаммасини сенга Аллоҳ берди.

– Бу давлат менга ота-бобомдан қолган, – деди.

– Агар ёлғон гапираётган бўлсанг, Аллоҳ эски ҳолингга қайтарсин.

Ундан сўнг калнинг ёнига борди. Унга ҳам ола танлига айтган гапини такрорлади. У ҳам аввалгисидек жавоб берди. Фаришта бунга-да:

– Агар ёлғон гапираётган бўлсанг, Аллоҳ эски ҳолингга қайтарсин, – деди.

Сўнг кўрнинг эски қиёфасига кириб унинг ёнига борди:

– Фақир бир одамман, йўловчиман. Аллоҳнинг ва сенинг ёрдаминг билан сафаримни давом эттиришим мумкин. Кўзларингни қайтиб берган Аллоҳ ҳақи учун бир қўй беришингни сўрайман, шунда йўлимда давом этишим мумкин.

Кўр шундай деди:

– Мен бир кўр одам эдим. Аллоҳ кўзларимни қайтадан эҳсон этди. Қўйлардан истаганингни ол. Истаганингни қолдир. Аллоҳга қасамки, оладиган қўйларинг хусусида сени қийинчиликка қўймайман.

Шундан сўнг Фаришта дедики:

– Молинг ўзингники бўлсин. Мен фақатгина сизларни синадим, холос. Аллоҳ сендан рози бўлди, икки ўртоғингдан эса, ғазабланди, – деди».

Ҳасан ўқишдан тўхтаб, бу ҳадиснинг туб моҳиятигача ўйлай бошлади. Жуда узоқ ўйлади. Отаси бор кунларни, ўша кунларнинг аччиқ хотираларини, у кунлардаги луқманинг қаердан келганлигини, кимнингдир пешона тери билан болалари учун топганларини ўғирлаб келганини ўйлади.

Ҳасан, Аллоҳ билади, қанча оиланинг бахтсизлиги эвазига қонли бир дастурхондан йиллар давомида қорнини тўйғазган бир ўсмирдек кўраётганди ўзини.

Бу дастурхон кўзи ёшли болаларнинг ўксик кўнгиллари, алам ўтида қоврилган инсонларнинг ор-номуси, пок виждони эвазига ёзилганди. Бу дастурхондан таом едирган, оиласининг қорнини ўйламай тўйғизган номуссиз бир отанинг тиржайган башараси Ҳасаннинг кўз ўнгида гавдаланди, қалбини аламга тўлдирди.

Болалигида еганларининг жавоби Ҳасанга тегишли эмасди. Фақат бу йўл орқали келган таомлар билан тарбияланган бир вужудга эга бўлиши виждонли бир инсонни доим безовта қиларди.

Ишлаб топганидан бир қисмини ажратишни, ҳеч бўлмаса, ҳар куни бирор муҳтожга биттадан нон беришни, шу тарзда отаси едирганини тўлашни ўйлади. Оч қолиш эвазига бўлса-да, режасини – фикрини бажармагунича қалби ором топмаслиги аниқ эди.

Фикрини онасига айтди. У ҳам худди шу фикрда эди.

– Оч қолишга розиман, ўғлим. Шунча виждон азобида қийналганим етади, улардан қутулай энди, – деди.

Ҳасан саҳарлаб дўконга шу ният ила борди.

У кекса Исмоил оғани топди. Бир кило гўштни унга топширди.

– Аллоҳ, сендан рози бўлсин, болам. Аллоҳ ўтганларингни раҳматига олсин, чўнтагингга барака берсин.

– Омин... Ёқимли иштаҳа.

Ҳасан буларни айтarkan, қариянинг ёшланган кўзларини артаётганини сизди.

– Нима бўлди, отахон?

– Йиғлаяпман, ўғлим...

– Нима сабабдан, нима бўлди?..

– Нима бўларди. Олтмиш йилдан буён бирор марта бўлса-да уйимга ўз пулим билан гўшт олиб келолмадим. Йиғла-масдан нима қилай?

– Сизнинг ҳам охиратингиз обод бўлади. Сабр қилинг, Аллоҳ сабр қилганлар билан биргадир.

– Зеро, сабрдан бошқа нарсага кучимиз етмайди, ўғлим. Бироқ пайти келадики, сабр косаси ҳам тўлади.

Қария буларни айтarkan, яширишни лозим кўрмаган кўзёшларини артди.

– Аллоҳ бирингга минг берсин, ўғлим...

– Яхши қолинг. Омон бўлинг...

Ҳасан хуш кайфиятда қариядан узоқлашди.

Кейинги гал ойлик нон талонини олиб борди.

* * *

Ҳасан улғайгач, бирор фақир кишига кўмир олиб бермоқчи эди. Исмоил оғанинг оёғи қаттиқ совуқ қотган кечаси шуни эслади. Лутфуллоҳ амакининг юборган кўмири хаёлига келди. Бироқ шу онда бу қарзни тўлаш имконига эга эмас эди.

– Аллоҳ буюк, ҳар нарсага қудрати етади. Куни келиб, уни бажаришимга ҳам ёрдам беради, – деди Ҳасан.

XII

Бир оқшом Ҳасан овқатдан кейин чўнтагидан бир қоғоз чиқариб онасига узатди.

– Бу нима, ўғлим?

– Аскарнинг онаси бўляпсиз.

– Аллоҳга минг қатла шукр. Қачон кетяпсан?

– Билмайман. Энди маълум бўлади.

Ўша кеча она-ўғил фақат аскарлик ҳақида суҳбатлашишди.

Ҳасан анчадан буён тўплаган озроқ пулини ўша кеча онасига топширди.

Фарида ўғлининг фаҳм-фаросати учун Аллоҳга шукр қилди.

– Аллоҳ сендан рози бўлсин, ўғлим. Ҳар икки дунёда ҳам юзингни ёруғ қилсин, – деди.

* * *

Бир бозор куни тонгда Ориф хожа ва уста Комил биргаликда Ҳасаннинг уйига бордилар. Ҳасан онасининг қўлини ўпди. Онасининг дуоларини олиб, уйдан чиқди. Хожаси ва устасининг ёнига қўшилди, автовокзал томон йўл олишди. Ярим соатдан сўнгра ҳаракатланган автобус Ҳасан сингари саккиз-ўн та аскарликка номзод йигитларни Анқарага элтиш учун жойидан қўзғалди. Қўл силкиганлар, рўмолчалари билан кўзларини артганлар бўлди. Ҳасан ҳам ўзи учун силкинган бир жуфт кўлга охирги марта бош кўтариб қарагач, кўзларини юмди.

Бир жуфт кўз бир неча томчини ёноқларидан пастга оқизди. Юмилган кўзлар ўнгида маъсум чеҳрали бир аёлнинг хаёли жонлангандек бўлди. Бир ички кечинма, бир инграш, тубдан тортилган бир «оҳ» эшитилди. Ҳасаннинг ёнидаги киши унинг ҳолатидан аскар эканини фаҳмлагани боис, бошини секингина тебратиш орқали айрилганнинг дардига шериклигини ичдан такрорлади.

Обидадан ўтилди, қишлоқ ортда қолди. Илк фермадан ҳам бурилгач, энди Чорум кўринмайдиган бўлди. Орқасига қайрилган Ҳасан Хидирликнинг бир қисмини кўра олди. Энди ҳамма нарса ортда қолган, аччиқ-ширин хотираларга тўла шаҳридан қабристонигача – ҳамма нарсасини жон-жонидан ҳис қилганди Ҳасан.

Автобус катта тезликда юрар, телеграф устунлари, дала-лар кўз юмиб очгунча ортда қолаётганди.

«Ким билади, яна қачон қайтасан, кимларни бошқа кўрмайсан, Ҳасан...»

Автобус турли тоифадаги одамлар билан тўла. Ўзига ўхшаб, аскарликка бораётган саккиз-ўн нафар йигитдан ташқари саёҳатга, тижоратга бораётган кишилар ҳам бор.

Радиодан бир аёл қўшиқ куйларди. Ҳасан бу қўшиқни олдин ҳам бир неча бор эшитганини эслади. Бироқ улар Ҳасанга ҳозиргидек таъсир қилмаганди:

«Дардим кўпдир, дармон йўқдир.
Мен ғурбатда ўлар бўлсам,
Йиғлайдиган одам йўқдир».

Ушбу нақоротда айтилган қўшиқ ғамларни яна бир марта янгилади. Ҳасан ён томонида бир чинқириқ эшитди. Қараса, бир ўспирин атрофида ўзига ҳайрат билан қараб турган бир неча йўловчига аҳамият бермай, силкиниб-силкиниб йиғлаётганди.

Бу орада кўзларини ёнидагиларга кўрсатмаслик учун яшириб турган бир-икки ўспиринни ҳам кўрди.

«Ҳамшаҳарим, биз ҳам аскарликка боряпмиз, йиғлаш айбдир».

Йиғлаётган йигит бу гапларни айтган кишига қаради. Чиндан ҳам сочларини яхшилаб олдирган, ёш бир аскарликка номзод йигит эди.

Ёш йигит яна гапини такрорлади:

– Биз ҳам аскарликка боряпмиз, биз ҳам ота-онадан айрилдик.

Йиғлаган ўспириннинг жавоб беришига ҳиқиллаши тўсқинлик қилди. Шундан сўнг «Менинг дардимни қайдан ҳам билардинг», деган болаларча нигоҳ билан қаради унга. Бошқаси гапга аралашди:

– Йиғлама, айб бўлади. Эл-юрт қараб турибди.

– Қараса, нима қилай?

Бу орада радиодаги аёл янги бир қўшиғини бошлади. Бу ҳам дардли эди. Бу ҳам бағри куйганларга тегиб кетувчи эди:

«Кетма, гулим, кетма, анор донасиман,

Отамнинг, онамнинг бир донасиман...»

дея куйларкан, иккинчи бирининг: «Тинчлан, йиғлама» дегани эшитилди.

– Шофёр ака, радиони ўчирсангиз қандай бўлади?

Бошқа бири эътироз билдирди.

– Йўқ, йўқ, яхши куйлаяпти, эштайлик.

– Дўстим, сиз тинглаяпсиз. Лекин бу ёқда йиғлаганлар бор.

– Нима қилай, йиғлаган бор бўлса. Йиғламасин. Ким унга йиғла, деяпти?

– Вой. Художон-ей, нима, сиз аскар бўлмаганмисиз?
– Бўлганман, аммо боладек йиғламаганман.
– Ҳой, биродар, ҳозир биладиган киши йўқ, деб кўп катта гапирманг. Агар уларнинг ўрнида бўлганингизда, кетишда эмас, ҳатто келишда ҳам йиғлардингиз.

Гап гапни енгди. Йиғлаш тўхтатилди, радиодаги аёлнинг овози ўчирилди. Қишлоқлар бир-бир ортда қола бошлади. Тоғлардан ошилди, тепаликлардан ўтилди, ниҳоят Анқара кўринди. Билганлар ўтган жойларининг номини айтиб боришар, қаердан ўтишаётганини билмаганларга айтишарди.

Автобус Чорумдан анча катта бўлган бир шаҳарнинг йўлларидан ўтаркан, Ҳасан атрофни томоша қилиб борди. Автовокзалга тушишгач, биргаликда кетишдан бошқа ишлари йўқ эди. Сумкасини қўлига олиб кетаётганида, энди яна қачон бу ердан қайтаман, деган бир овозни эшитди ичидан. Ҳа, ойлар давомида шу ерда қолади. Ойлар давомида танимаган одамлар орасида кунларни санайди.

* * *

Фарида уйда ёлғиз қолди. Баъзан Ҳасаннинг хотираси билан овунар, баъзан ғам босган кўнглини ёзиш учун бирор қўшнисининг уйига чиқар эди.

Ўғлидан келган хатни ўқишдан аввал кўзёшлари билан уни ҳўл қилди. Маҳалладаги бир болага ўқитди, унинг сиҳат-саломатлиги ҳақидаги хабардан қувониб яна йиғлади...

Мактубнинг жавобини яна маҳалла болаларига ёздирди. Яхши эканлигини билдирди. Қийналмаётганини ёздирди. Аслида роҳатда яшамаётганди. Бироқ аскарликдаги ўғлини хафа қилмаслиги лозим эди. Аскарлик ҳаётини заҳар қилмаслиги керак эди.

Кунлар секин-секин Фаридани эрита бошлади. Сабаби номаълум бир касаллик уни ич-ичидан емириб битирди. Юзини сарғайтирди, рангини сўлдирди. Ётоғидан туриши учун алоҳида бир куч сарфлаши лозим бўлган кунлар кетма-кет кела бошлади.

Кўрганлар юзига ҳеч нарса айтмадилар, бироқ ичларидан бир оғриқ ўтганини ҳам инкор этолмадилар. Ҳатто бир

куни эшикнинг ёнидан ўтиб кетаётган Лутфуллоҳ амаки уни кўрган заҳоти кўнгли эзилиб кетди. Уйга боргач:

– Фарида қайғуга ботибди, бечоранинг дунёдаги насибаси дард чекиш экан, – дейишдан ўзини тўхтата олмади.

Ўша кундан сўнг Фаридага Лутфуллоҳ амакиларнинг уйдан иссиқ шўрва келтиришадиган бўлишди. Лекин шўрванинг томоқдан ўтиш ҳолати кўп бўлмади. Зўрға қийналиб, икки-уч қошиқдан ортиқ ичолмади. Ҳар одимида ўлимга яқинлашаётганига ишонган бир бемор сифатида мажолсиз вужудини ўнга-чапга судради. Ҳасаннинг кетганидан сўнг тўрт ярим ой ўтганда, бир куни эрталаб танининг ётоққа миҳланганини тахмин қилди. Кучанди, лекин ўрнидан тура олмади.

Кўзлари нурсизланиб, тиззаларидан дармон кетганди. Нафас олиши дақиқа сайин камайиб борганини тушуниб етаётганди.

Ўша дамларда кўзёшлари дарёдек оқди. Ҳаётининг сўнаётган шамдан фарқи қолмаганлиги учун эмас, дунёда ягона таянчи бўлган Ҳасанни яна бир марта дунё кўзи билан кўра олмаслигини ўйлаб йиғлади. Фоний дунё азобларини йиллар бўйи ичига тўлдирган қалбининг барча аламини тўкадиган, бутун қайғусига етадиган даражада қаттиқ йиғлади. Эшигини қоқадиган, кўнглини сўрайдиган кишиси йўқлигини ўйлаб йиғлади.

Иккинчи кун тушдан сўнг зўрға ётоғидан чиқиб таҳорат олди. «Қуръони карим»ни олиб ўпди, кўксига босиб юзларига сурди. Қайта-қайта ҳидлади. Салдан кейин ўтирган жойида аср намозини ўқиди.

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Деворларда чуқур бир нафас акс этди. Этиборсиз қолган деворлар иккинчи бир нафасни кутиб турдилар. Ҳолбуки, хонада энди бирор-бир тирик киши қолмаганди. Фақатгина сассиз, садосиз ётган бир аёлнинг вужуди бор эди, холос...

Ўн беш дақиқадан сўнг тақиллаган эшикни очувчи киши бўлмади. Эшик қайта-қайта тақиллади. Натижа ўзгармади. Келган одам қўлидаги шўрва солинган идиши билан овоз чиқармай, вазмин-вазмин узоқлашди.

Саҳарлаб яна эшик қоқилди. Яна очилмади. Бу сафар нега очилмаганлиги хавотирга айланди. Куч билан очилган эшикдан кирганлар ҳақиқатнинг ўзларидан аввал Фаридага етиб борганлигини, уни ҳам ўтганлар сафига қўшганлигини кўрдилар. Фарёд қилганлар бўлди. Йиғилар эшитилди. Кейинроқ Ҳасанга хабар етказиш учун уста Комилга бола юборилди.

Ҳасан эрталаб офицер томонидан шахсан бўлим хонасига чақиртирилди.

– Ҳасан, бир ҳафта рухсат билан сени Чорумга юборяпман. Дарҳол тайёргарлигингни кўриб, йўлга чиқасан, – деди.

– Бажонидил, қўмондоним.

– Ярим соат ичида армияни тарк этган бўлишинг лозим.

Ҳасан ичини ёндирган шубҳанинг сабабини офицердан сўрашга ўзида журъат тополмади. Туриб-туриб бир ҳафталик жавоб қаердан, кимнинг миясига келибди?

Тайёргарлигини кўрди, яна қўмондонига учрашди.

– Тайёрман, қўмондоним.

– Илк топган уловингда кетасан, тушунарлими?

– Тушунарли, қўмондоним. Фақат нима сабабдан рухсат асосида юборилаётганимни англай олмадим.

– Ҳасан, биз амр қулимиз. Юқоридан келган буйруққа сўзсиз итоат этиш бурчимиздир. Олган буйруғим мажбурияти остида сени жўнатяпман. Иншааллоҳ, хайрли бўлади.

Ҳасан офицернинг гапларини рост деб билди.

– Пулинг борми, Ҳасан?

– Ўртоқларимдан олдим, қўмондоним.

– Мана буни ҳам ол, ёнингда турсин.

– Олганим етади, қўмондоним.

– Йўл олисдир, олишинг керак.

Ҳасан берилганни олди, хонадан чиқди.

Офицернинг ўрнида бошқа одам бўлганда, унинг:

«Сени шундай жўнатишни истармидим, Ҳасан. Аммо нима ҳам қила олардик. Бандалик экан...» деганини эшитарди.

Ҳасан бир соатдан сўнггина йўлга чиқадиган бир автобусдан жой топди. Хавотирларга тўлиб кета бошланди. Бир-икки марта бузилган автобус гўё Ҳасанни Чорумга кеч етказиш буйруғини олгандек ҳаракат қилаётганди.

Маҳалланинг қашшоқ вакиласи маҳалланинг ёрдами билан сўнги сафар учун ҳозирланди. Марҳума ювиш учун ечинтирилганда, кўксидан чиққан бир жуфт эски ямоқли хира рангдаги маҳсича турганларнинг қалбидан ўтли, чуқур бир «оҳ» отилишига сабаб бўлди. Кўзлар ёшланди.

«Бечора», дея қимирлади бир-икки лаб. Бироқ бечоранинг Фаридами ёки Ҳасан эканлиги яхши англашилмади.

Миноралардан аср азони айтилганда автобус шаҳарга кирди.

Ундан тушган аскарни қайғули бир юз ила қаршилаган киши уста Комил эди. Қучоқлар очилди, вужудлар бир-бирига ёпишди.

– Нима гап, нима бўлди, уста?

– Юр, йўлда тушунтираман.

– Унча яхши хабар бўлмаса керак, уста.

– Юравер, Ҳасан.

Бу орада ўтаётган бир фойтунни тўхтатди. Ҳасанга:

– Бунга минамиз, деди.

Ҳасан ҳаяжон ва қўрқув тўла қадам ташлади. Кутаётган ва сира ишонгиси келмаётган қайғули бир хабарнинг ҳали айтилмасдан қулоқларини қоматга келтирганини ҳис қилаётганди.

Уста Комил мингандан сўнг фойтунчига деди:

– Улуғ Масжидга борамиз.

Отлар югура бошлади. Ҳасан Комил устага бурилди:

– Уста, аввал уйга борсак бўлмайдими?

– Кейин борамиз, Ҳасан.

– Нима сабабдан? Нима бўлди, нега чақиртирилдим?

– Ҳасан, бардам бўл. Аллоҳнинг тақдирига бўйин эгишинг лозим.

Фойтун катта йўлга чиққан, соат минорасига томон йўл олишни бошлаганди.

Уста Комил фойтунчига деди:

– Чап томондан борамиз.

– Улуғ Масжидга борамиз, демаганмидингиз?

– Ҳа, лекин бизни бу томондан элт.

– Бўпти.

Файтун чапга бурилди. Халқ банкининг олдидан чапга қайрилди.

Сабзавот бозорига буриладиган бурчакка келганда уста Комил:³

– Бизни шу ерда тушир, – деди.

Файтунчи ҳеч нарсага тушуна олмай отларни, тўхтатди.

Фақат:

– Бу ерга келишингизни айтсайдингиз, мен тушунардим, – деди.

Уста Комил чўнтагидан чиқарган пулни узатаркан:

– Ҳозир айтишнинг мавриди эмас, – деган жавобни берди.

Шундан сўнг кўзлари билан Ҳасанга қабристон эшигига яқинлашиб қолган тобутни кўрсатди. Файтунчи боши билан:

– Тушундим... – деган ишорани қилди, йўлида давом этди.

Лаблари орасидан билинар-билинемас бир сўз чиқди:

– Бечора... ким бўлади...

Кўзлари Ҳасанга қарамаганда бу сўзларни ким учун айтганлиги маълум бўлмаслиги мумкин эди.

– Ҳасан, – деди Комил уста: – Ўғлим, ойни этак билан ёпиб бўлмайди.

Ҳасан устанинг юзига телбаларча қаради.

– Тақдир измига қарши чиқиб бўлмайди, буни ўзинг ҳам биласан.

Ҳасан жавоб бермади. Фақат кўзларини ерга қаратди.

– Онангни қайта кўриш насиб этмаган экан, ўғлим...

Ҳасан ҳайқириқлар ичида жавоб берди:

– Тушундим, уста, тушундим.

Қабристоннинг эшигидан фотиҳалар билан савобсевар инсонлар елкасида киргизилган тобут ортидан Ҳасан етиб олди ва тобутни кўтарди.

³ Ўша пайтларда сабзавот бозори Улуғ қабристон қаршисидаги кийим-кечак дўкони ўрнида эди. Табиийки, бугунги каби кўчаларни тўлдирган машиналар йўқ эди. Биз турган кўчадан ҳафтада бир юк машинаси ўтиши муҳим бир воқеа ҳисобланарди.

Ҳасан бир неча ой олдин соппа-соғ қолдирган онасини бу ҳолда, бу ерда учратишини ҳеч ўйлаб кўрмаганди.

Аскарликдан қайтиб, нималардир қилиб, ҳаётда рўшнолик кўрмаган онасини қанчалик хурсанд этишини хаёл қилганди. Бироқ хаёллар хаёллигича қолди.

Қабрга Ҳасанни туширдилар. Фариданинг яна икки узоқ қариндоши ҳам тушди. Учови бирдан кафанга ўралган жасадни олдилар.

– Раббим, сен ёлғиз қолдирма уни... – дея ерга қўйдилар. Бу орада юқоридан:

– Ҳасан, сен чиқ! – дея гапирди бир киши. Бошқа киши қўлини узатди. Нега гапирганини, нечун чиқиши лозимлигини, кимнинг қўли узатилганини англамай, узатилган қўлдан тутди ва чиқди.

Шундан сўнг Ҳасан унча эслолмайдиган бир ҳолат юз берди, яъни ёшланган кўзлар олдида эгилиб-букилган, ердан ҳовучлаб олган тупроқни қабр устига отаётган кишиларни кўргандек бўлди.

Бироздан сўнг оёқда турган ҳамма ўтирди. Ўқиладиган «Қуръон» тинглана бошланди. Охирида баланд овозда:

– Омин! – дейилди.

Дуога очилган қўллар юзларга сурилди. Битта-иккитадан турганлар Фаридани бошқалар каби ёлғиз қолдириб, у ердан узоқлашдилар.

Ҳасан устанинг қўлидан тутиб, ўрнидан турди. Кўзидан оққан ёшлар ила онаси билан хайрлашди.

Шундай қилиб, марҳумлар карвонига яна бир киши қўшилди. Чорум аҳолиси рўйхатидан яна бир киши ўчирилди. Келганлар қайта ва сўнгги марта келиш мақсадида кетишаётганди. Эшикнинг ёнида турган Ҳасанга:

– Бошинг омон бўлсин, Аллоҳ орқада қолганларга узоқ умр берсин, – дедилар.

Ҳасан уларга мурожаат этиб:

– Омин. Соғ бўлинг, – деди.

Ўша кеча Ориф хожа ва уста Комил Ҳасаннинг уйида тунашди. Уни бу оқшом ёлғиз қолдиришни тўғри топишмади.

Тасалли учун айтилган сўзлар, ўтганларга доир хотиралар бир-бирини таъқиб қилди. Ҳасан:

– Хожам, – деди. – Аллоҳнинг амрига ҳар доим бўйсунадиган бошимиз бор. Ажали етган, албатта, ўлади. Фақат бечора онам бу дунёда кун кўрмади. Тузукроқ хизмат қилиш имконини топа олмадим. Умр бўйи азоб тортди, бунга жуда ачинапман.

Буни айтаркан яна кўзларини артди.

Ориф хожа:

– Гапларинг тўғри, ўғлим, деди. Бироқ энди буларнинг ҳаммаси тугади. Фақат қўлда қолгани тортилган азобларга нисбатан кўрсатилган сабрнинг мукофоти. Тарозини бир томондан босганда, бошқа томони қандай кўтарилса, дунёда тортилган азобларга ҳам сабр этилса, бу охирадда даражаларнинг ортишига сабаб бўлади. Агар қўлингдан келса, онангни асло унутма. Дунёдаги эҳтиёжларингдан ҳам кўпроқ муҳтождир сенга онанг.

Ориф хожа давом этолмади. Эшик тақиллади. Ҳасан чиқди:

– Ким у?

Нотаниш бир овоз жавоб берди:

– Бир дақиқага очасанми?

Ҳасан эшикни очди. Уч кишига дуч келди.

– Марҳамат, нима истайсиз?

– Ичкарига кирайлик.

– Сабаб?

Ораларидан бири хавфсизлик ходими эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатди:

– Гинтув қилишимиз керак.

– Вой, Худойим... Бу уйдан нимани қидиришингиз мумкин?

– Ҳеч бўлмаса бир кирайлик-чи, ичкарида тушунтирамиз.

– Узр, сизни ичкарига кирита олмайман.

– Нима сабабдан?

– Чунки бу уйдан бугун жаноза чиққан. Сизга алоқадор бирор ҳодиса бўлгани йўқ. Шу дамда дардимнинг етарли

даражада эканлигини, билмадим, айтишга эҳтиёж сезяпсизларми? Яна қайтараман, уйга киришингиз бефойда.

Бу орада одатий бир воқеа бўлмаётганини фаҳмлаган уста Комил ҳам ташқарига чиқди.

– Бироқ биз бу уйда қидирув ўтказишга масъулмиз. Фамингизга шерикмиз. Виждонимиз буни буюради, фақат вазифамизни бажармасдан кетишимиз мумкин эмас.

Чўнтагидан чиқарган қоғозни Ҳасанга узатди:

– Марҳамат, қидирув ҳақидаги буйруқ.

Ҳасан қоғозга қарамасдан:

– Адашиб келган бўлишингиз мумкин. Бу уйга бугун келдим. Бир онам бор эди, уни ҳам уч-тўрт соат олдин тупроққа топширдим.

– Хўш, Турсуннинг уйи шу, шундай эмасми?

Ҳасан ҳушёр тортди:

– Ҳа, шу ер. Лекин у Манисада...

Хавфсизлик ходимининг кўзига тик боқиб:

– Қамоқ... – деди. Хавфсизлик ходими:

– Биз ҳам уни изляяпмиз. Қамоқдан қочибди.

Ҳасан бир қадам ортга тисарилди.

– Ундай бўлса, киринг ичкарига. Узр сўрайман, бир онда ғам билан бўлиб, уни эслолмадим. Демак, қочибди, шундайми?

Бу гапдан «Қочмаса қандай яхши бўларди-я...» деган ифода очиқ англашилиб турарди.

Хавфсизлик ходими шериклари билан ичкарига кирди. Икки дақиқа ичида уй тинтув қилинди. Хавфсизлик ходими:

– Бундай бир кечада сизни хафа қилишни истамагандик.

Лекин ўзингизга маълумки, амр қулимиз.

– Қачон қочибди?

– Билмайман. Фақат Манисадан бу ерга келгунча кетадиган вақт ўтганки, бу ерда қидирув ўтказиш талаб қилинди.

Шундан сўнг шерикларига ишора қилди.

– Бизга рухсат. Аллоҳ сизга узоқ умр берсин.

– Омон бўлинг.

Улар кетгач, Турсундан гап очилди.

Шундай бир кечада унинг ташвиши билан машғул бўлиш Ҳасанга сира ҳам ёқмаётганди.

Ҳасаннинг ўша кеча уста Комилникада ётишига келишиб олишди.

Уч кеча ўтгач...

Ҳасан Комил устаникида узоқ давом этган бир тунгги суҳбатдан қайтаётганди. Соат анча илгарилаганди. Фақат ҳамон кўзларига уйқу келмаган эди. Бошини қуйи солиб, вазмин-вазмин қадамлар ила секин кетаётганди.

Бирдан ён кўчада бўғиқ бир инграш, бир жанжал бўлаётганини эшитди. Ўша томонга югурди. Уч кишининг бири-бири билан ёқалашаётганини кўрди.

Икки киши учинчи бир кишини дўппослаётганди. Бири орқадан маҳкам ушлаб олган, иккинчиси кучи етганча ураётганди.

– Ҳой, нима бўляпти бу ерда?

Ҳасан тўс-тўполон томон отилди.

Ушланган одамни ураётган киши қайрилиб қаради. Бироқ нима бўлганини англай олмай, шиддатли бир муштдан ағанаб тушди. Иккинчиси ушлаб олган одамни қўйиб юборди ва Ҳасанга ҳужум қилди. Ҳасан ҳам унга отилди.

Бу орада мушт еган ҳам туриб, қайта жанжалга қўшилди. Шовқин эшик-деразаларнинг очилишигига сабаб бўлди. Икки зўравон қочишдан бошқа қутулиш йўли қолмаганини англади.

Ҳасан зўравонлардан ҳеч бўлмаса биттасини қўлдан чиқармаслик учун бор кучи билан қучоқлаб олди. Бироқ қучоқланган одамнинг ой нурида ялтираган пичоғи Ҳасаннинг кўчаларни инграган бир фарёд ила ерга қулашига кифоя бўлди.

Зўравонлар қўлга тушмай қочишни уددалашди. Тўрт томондан етиб келганлар Ҳасанни турғаздилар. Чақирилган бир такси тезда касалхона томон учди.

Солиҳбей кечаси уйига кеч қайтаётганида рўпарасидан чиққан ва катта миқдорда пул талаб қилган икки зўравоннинг ўлдиришидан ўзини қутқазган ёш йигитни кўришга касалхонага борди.

Сўлгин ва маъсум кўриниш ила бир чеҳрага дуч келди. Хушсиз бир ҳолда ухлаётганди. Ёнидаги ҳамшира пичирлаб:

– Кўп қон йўқотди... – деди.

Тушдан сўнг қайта борганида бемор ўзига келганди.

– Ўтиб кетсин, йигит...

Кучсиз бир овоз жавоб берди:

– Раҳмат.

– Сендан жуда ҳам миннатдорман, ўғлим. Тунда сен бўлма сайдинг, ҳолим хароб бўларди. Жонимни қутқардинг.

Сўлгин чеҳрани билинар-билинемас бир табассум қоплади.

– Сиз эдингизми?

– Ҳа, мен эдим.

– Сизга ҳам ўтиб кетсин унда...

– Раҳмат, болам.

Ҳасан бундан ортиқ гаплашолмади. Кўзлари яна юмилгандек бўлди. Ҳамшира Солиҳбейга учрашувнинг узоқ давом этмаслиги лозимлигини ишора орқали тушунтирди. Солиҳбей ўрнидан турди, эшикка томон юрди.

Аскар экани маълум бўлган бу ўспириннинг аҳволига Солиҳбей ачинди.

Уста Комил кечаси кеч кетган Ҳасанни эртаси куни оқшомгача дўконда кутди. Келиб-кетувчи бўлмади. Яна бир кун кутди. Аср охиригача ҳам бирор хабар бўлмади.

Дўконни ёпгач, уйига бориб, қулоғидан бурашни ўйлади. Бу орада дўконнинг ичига кирган қирқ беш ёшлардаги чиройли кийинган, покиза юзли бир одам уни ўй-хаёлларидан чалғитди.

– Ассалому алайкум, уста.

– Ваалайкум ассалом, Солиҳбей, марҳамат⁴.

Солиҳбей ўтирди.

– Хуш келибсиз, Солиҳбей.

– Хушвақт бўлинг, уста.

⁴ Кичик бир шаҳарда одамлар бир-бирини танишади. Ўша пайтда Чорумда тахминан 35 минг киши яшар эди.

– Қандайсиз?

– Худого шукр, яхшиман, сизга салом олиб келдим.

– Ваалайкум ассалом. Қаердан экан?

– Касалхонадан.

Уста Комилнинг кўз олди қоронғилашди. Паришон бир овоз чиқди оғзидан:

– Субҳаналлоҳ... Ким бўлиши мумкин?

– Бир аскар. Исми – Ҳасан. Сизда ишлар экан.

Уста Комил бирдан:

– Нима бўлибди? – дея олди.

Солиҳбей икки кун аввалги воқеани сўйлади.

– Бироз олдин яна олдига боргандим. Анча ўзига келибди. Манзилингизни берди, устамга учрашиб, хабар беринг деди.

Комил уста Солиҳбейга миннатдорчилик билдирди.

Эртаси Ҳасаннинг олдига биргаликда бордилар.

* * *

Ҳасаннинг бир ҳафталик рухсати тугаган, бироқ докторлар касалхонадан чиқишига рухсат беришмаганди. Тайёрланган бир маълумотнома ҳарбий доктор тасдиғи билан биргаликда жўнатилди. Касалхонага тушиш сабаби ҳам очиқ баён этилди.

Етти кун ётгандан сўнг жавоб берилган Ҳасанга бир ой саломатлик таътили берилди.

* * *

Ҳасан бир ойлик саломатлик таътилини дўконда устаси ва Ориф хожа билан бирга суҳбатлашиб ўтказди. Баъзан энгил ишларда устасига ёрдам берди.

Касалхонадан чиққанидан сўнг учинчи куни Солиҳбейнинг илтимоси билан унинг дўконига борди. Солиҳбей ҳолаҳвол сўрагандан сўнг унга бир конверт узатди:

– Буни ҳадям сифатида қабул қилсанг, мамнун бўламан, – деди.

Ҳасан эътироз билдирди:

– Бўлмайти, мени маъзур тутинг, ололмаيمان.

– Мени мамнун қилишни хоҳламайсанми, ўғлим?

– Албатта, хоҳлайман.

– Ундай бўлса, мени хафа қилма.

– Бу истагингизни бажара олмайман.

– Нима сабабдан?

– Чунки буни олишимга бирор сабаб йўқ.

Солиҳбей ачинган ҳолда кулди. Кейин жиддий бир тусда:

– Шундай бир сабаб борки, мен учун ҳаётингни таҳликага қўйишинг ҳеч бир нарса билан ўлчанмайди.

– Бу бир тасодиф... шу қадар...

– Бошқа бир киши «менга нима» деб ўтмасмиди?

– Ўтувчи ҳам топилмади, албатта.

– Ундай бўлса, менинг айтганимни қил.

– Сиз бўлсангиз бундай бир ишни Аллоҳ розилиги учунми ёки бирор нарса эвазигами қилган бўлишни истармингиз?

– Аллоҳ ризолиги учун қилган бўлиш жуда яхши бир ҳаракатдир.

– Ундай бўлса, рухсат берсангиз, мен шу ишни қилган бўлайин.

– Лекин мен учун ҳузур бўлмайди.

– Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Орада бирор ҳақ бор бўлса, мен бу ҳақни ҳалол қиламан. Ҳалол этганимга, сизни ва мени шу ҳолимизда кўриб ва билиб турган Аллоҳ гувоҳ бўлсин. Яна бир нарсани хоҳламайсизми?

Солиҳбей уста Комилдан жуда ҳам камбағал эканлигини эшитган бу йигитдаги инсонийлик туйғуси қаршисида таъсирланмайдиган даражада ҳиссиз эмасди.

Шу ёшдаги бир ўспириннинг Аллоҳ ризолигидан баҳс этиши жуда ғалати туюлаётганди.

– Хўш, эҳтимол бу ҳодисада, сен ҳеч овозингни чиқармасдингми? Оёқ-қўлингизни чиқармасдингми? Оёқ-қўлингиз боғлиқ турармингиз? Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш бизнинг динимизга уйғун эмасми? Томирларида турк қони оққан бир киши жонини қутқазган инсон олдида тошдек сассиз туришига виждони қандай йўл қўяди?..

– Бўпти, узоқ муддатли бир яхшилик қилишни истайсизми?
– Кучим етадиган вақтда бўлса, майли...
– Демак, мени дуо қилинг. Эртага мукофот бериши учун Аллоҳга ёлворинг. Ҳузурига борган чоғимда сизнинг эзгу тилаклариниягизни Унинг ёнида топайин. Раҳматли онамни кечириш учун дуо қилинг. Менга беришингиз мумкин бўлган энг яхши ҳадя шудир. Жуда муҳтож бўлган пайтимда сизнинг самимий тилакларингиз ила қутулсам, мен учун улуғ саодат бўлади. Шундай қилсак, мен фойда кўрган бўлардим.

Солиҳбей қўлини узатди:

– Бўпти, келишдик, Ҳасан. Мени бу ерда сенинг ёрдамингда қутқазган у ерда ҳам Пайғамбари (с.а.в.) ҳурматига сени қутқарсин. Ҳузурида уялтирмасин.

* * *

Ҳасан саломатлик таътили тугагач, Чорумдан ҳарбий бўлимига жўнаб кетди.

Бўлим қўмондони бўлиб ўтган ҳодисаларни яна бир марта Ҳасаннинг оғзидан эшитди:

– Офарин, Ҳасан, – деди... – Аскарнинг вазифаси миллатни муҳофаза ва мудофаа қилишдир. Сен бу вазифани бажарган бўлдинг. Табриклайман сени.

Гўзал хулқи билан аввалидан ҳаммага ёққан Ҳасан яна бироз дам олиши учун ҳузур қилиб ишлайдиган бир мансабга тайинланди.

Бир куни эрталаб сержант бўлимни сафга тизгандан сўнг, югуриб, офицернинг олдига борди, салом бергач, бўлимнинг буйруққа тайёр бўлганлигини билдирди.

Бу тонгги топшириш дейиларди. Офицер топширишни қабул қилгандан сўнг бўлимга шундай деди:

– Салом, дўстлар!

– Соғ бўлинг!

– Қандайсиз?

– Соғ бўлинг!

Шундан сўнг сержантга паст овозда нималарнидир туншунтирди. Бўлим хонасига томон юрди.

Эркин бўлиш буйруғини берди ва хитоб қилди:

– Ҳасан!

– Лаббай, қўмондоним!

Буни айтarkan қадам ташлаб, сержантнинг ёнига борди ва салом берди.

– Офицер сени хонасида кутяпти, ҳозироқ бор.

– Бош устига, қўмондоним.

Ҳасан бўлим хонасида офицерни рангсиз бир юз ила ку-таётганини кўрди.

– Ҳасан!

– Лаббай қўмондоним!

– «Қуръон» ўқишни биласан-а?

– Худди шундай қўмондоним.

– Ундай бўлса, ҳозироқ борамиз. Уйда бемор бор... ўқий-сан.

– Бош устига, қўмондоним.

Беш дақиқадан сўнг улар минган бир машина шаҳар то-мон ҳаракат қилди.

Ётоқда бир одам ётганди.

Офицер дадаси эканлигини айтганди, докторларнинг бар-ча маслаҳатлари бажарилган, лекин бирортаси ҳам натижа бермаганди.

Сўниш арафасида турган ва бора-бора эриётган шамдан фарқи қолмаганди. Сўнгги нафасини чиқариш пайти келганлигини кўрган уй эгалари ташвишга тушишган, би-роқ на уйда, на-да қўшнилари орасида «Ёсин» ўқийдиган, ўлиш арафасида турган беморга ёрдам берадиган бир киши топилмаганди.

Офицер бирдан Ҳасанни эслаб, унинг диндор бола эка-нини, ўқий олишини ўйлаганди.

Ҳасан дарҳол беморнинг ёнига ўтирди. «Бисмиллоҳ» дея ўқишни бошлади. «Ёсин»ни, ҳам «Таборака»ни ҳам тугат-ди. Бу орада беморнинг бошида оғзига пахта билан сув то-мизган хотиннинг кўзи хонада у ёқдан-бу ёққа аланглай бош-лади.

Кимга айтганини фарқламасдан:

– Янада оғирлашди... – деди.

Ҳасан турди. Беморнинг қулоғига эгилди, у эшита оладиган овозда:

– Ла илаҳа иллаллоҳ... Ла илаҳа иллаллоҳ... Ла илаҳа иллаллоҳ, – дейишни бошлади.

Балки ўнинчи марта айтгандир. Бу орада беморнинг ҳам тили ҳаракат қилгандек бўлди. У ҳам айтаётгандек эди. Ҳасан эслатишда давом этди.

Беморнинг кўзларида енгил бир чақнаш, лабларида енгил бир табассум кўринди. Шундан сўнг кўзлар қалбга томон ишора қилди.

«Ичимда айтаяпман...» деяётгандек эди. Қарашлари унга бу муборак сўзларни эслатган Ҳасанга миннатдорчилик билдираётганди гўё... Бироқ ўша ҳолат бундан ортиғига изн бермаётганди.

Орадан балки беш дақиқа ўтди. Бемор деярли ўзига келди. Фақат бироздан сўнг бирдан ўзгарди. Юзидаги чизиқлар таранглашди. Мудҳиш бир дарддан қутулганлигига сира шубҳа йўқ эди.

Ҳасан яна қулоғига эгилиб, унга тавҳид калимасини эслатишни бошлади. Ўн беш, йигирма марта пичирлади: «Ла илаҳа иллаллоҳ, ла илаҳа иллаллоҳ...», дея охираат вазифасини хотирлатди.

Охирида жигарларнинг энг тубидан келган чуқур бир нафас оғзидан чиқди. Эътибор қилганлар бу нафаснинг икки бўғинли бир сўзни айтишга сарфланганлигини англади. Ҳасан унинг сўнгги нафасида: «Аллоҳ...» деганини эшитганди.

Шубҳасиз, бу унинг ҳаёти бўйича боғланган бир ишончнинг бир сўздан иборат ифодаси эди. Шундай бўлмаса, бир эмас, юзта Ҳасан ҳам фойда бермасди.

Ҳасан бор-йўғи беморнинг кўнглида мавжуд туйғуларни ҳаракатга келтирувчи куч уйғотган, Яратганнинг буюк исмини хотирлатган, бу исми қалбан айта-айта дунёдан кўз юмишига ёрдамчи бўлганди.

Бемор сўнгги нафасини чиқаргач, хонани бир чинқирик қоплади.

Ҳасан офицерга қаради, кўзларидан жимгина ёш оқаётганди.

Офицернинг отасининг ўлимидан сўнг бир ой ўтди. Бу бир ой ичида нимагадир Ҳасанга навбатчилик навбати келмади. Буни бўлим котибидан сўради:

– Офицернинг буйруғи бу, – деган жавобини олди.

Офицерни топди, салом берди, эркин бўлиш буйруғи остида қаршисида турди.

– Нима дейсан, Ҳасан?

– Мени навбатчиликка ёзишмаяпти, қўмондоним.

– Мен айтдим.

– Лекин мен навбатчи бўлишни хоҳлайман.

– Нечун?

– Бурчимни бажариш учун, ҳам...

– Хўш, ҳам..?

– Ҳам вафот этган онамнинг руҳига бағишлайман савобини.

Офицер ўйлаб туриб:

– Бўпти, Ҳасан, – деди, – сен айтгандек бўлсин. Айт, котибга...

Ҳасан ўша тундан эътиборан мунтазам равишда навбатчиликка турди. Интиқ бўлиб кутди навбатини. У онасининг руҳи таскин топганлигини ўйлаганча кезди навбатчилик жойларида...

Елкасида қуроли билан айланиб юраркан, руҳининг юксакларга учганини, гуллар каби покиза ҳолга келганини ҳис қилди. Кеча нақадар қоронғу бўлса, дилининг шу қадар равшан, қалби-дили шу қадар ҳузурли эканини англади.

Халқнинг тинч ухлаши учун уйғоқ туриши керак эди. Шу тушунча остида ухламаган кўзлар, албатта, нурли бўлган, бажариши лозим бўлган вазифаларнинг энг шарафлисини қилган ҳисобланарди.

Ёмғир демади, қор демади, шамол демади, ҳар галида онасининг руҳи ила учрашишини, унинг ифорини димоғида туюшини ўйлаган ҳолда жойдан турди.

Устига тушган ҳар бир қор парчаси, ҳар бир ёмғир томчисини бу учрашувнинг бир шоҳиди, гуноҳларининг ари-тувчиси сифатида қабул қилди.

Юзини қамчилаб эсган шамол унинг севинчи ортишидан бошқага ярамади. Совуқ қотган, сирқираган оёқлари ва тиззаларининг эртага бу навбатчиликларга яна гувоҳ бўлишини ўйларди.

Бир куни бўлим йигирма километрлик юришга чиқишига тўғри келди.

Бу юриш Ҳасан касалхонадан чиқишининг учинчи ойида содир бўлди. Офицер Ҳасанни чақирди:

– Бўлимда, навбатчи бўлиб қоласан, деди.

– Изн берсангиз. Мен ҳам юришда қатнашмоқчиман.

– Касалхонадан яқинда чиқдинг-ку!?

– Ўртоқларимдан орқада қолишни истамайман, қўмондоним. Улар юришда экан, бу ерда ўтириш менга оғир.

– Оғир бўлса ҳам қоласан, Ҳасан. Бу ҳам вазифа. Бу ергаям назорат керак. Эртага яна касал бўлиб қолсанг, унда мени виждон азобига қўясан.

Ҳасан юришда қатнашмади. Ўша куни устасидан бир мактуб олди.

Ориф хожа билан маслаҳатлашиб, Солиҳбейнинг қизига совчиликка боришганини, Аллоҳнинг амри ила сўраганликларини ёзганди:

– Биз бу ишга қарор қилдик. Сенга фақат «хўп» дейиш қоляпти. Эътирозни истамаймиз.

Ҳасан узоқ ўйлади. «Ҳа», «Йўқ» дейиш имконияти қўлдан кетганди. Отасидан ҳам кўп севган бу икки инсон, албатта, охири беҳайр бир ташаббусни бошламайди.

Бу вазиятда бир нарса дейиш қийин, Ҳасан дўпписини осмонга отадиган аҳволда ҳам эмас.

Қўлига қоғоз-қалам олди. Ўйлаганларини ёзмоқчи бўлди. Фақат қаердан бошлашини билмади. Бироз ўйлагач, ёза бошлади:

«Сиз муносиб дея топганингизга мен нима дейишим мумкин? Менга яхшилик истайсиз, албатта. Бироқ моддий вазиятимни кўз олдингизга келтириб, вақт белгиласангиз мамнун бўламан.

Тўй қиладиган ҳолда эмаслигимни сиз мендан кўра яхшироқ биласиз...»

Мактубни жўнатганидан сўнг, Ҳасанни бир нарса ўйлан-тирди.

Сира ақлига келтирмаган бир пайтда бошига тушган бу ўйланиш даъвоси билан анча кун мияси банд бўлди. Қандай тўй қилади. Келинни қаерга келтиради? Икки кундан сўнг маҳбуслик муддати тугайдиган отаси келса нималар бўлади?

Турсун Фаридага нисбатан йиллар давомида юрғизган сиёсатини яна уйда давом эттира бошлайдими? Агар шундай вазиятга дуч келса, муаммони қандай бартараф этади?..

Яна шунга ўхшаш бир қанча савол хира чивинлар каби Ҳасаннинг миясига ҳужум қилар, уни чорасиз қолдириб азобларди.

Бу ердаги тахминлар уйда содир бўлмаслиги лозим, деган хулосага келди. Ишни ўз холига қўйишни, натижанинг хайрли бўлиши учун Аллоҳга ёлворишни энг осон чора сифатида кўрди.

* * *

Ҳасан Чорумдан келганидан буён отасидан бирор хабар олмаганди. Онасини тупроққа топширган ўша кеча унинг ҳибсдан қочганини эшитган, ундан сўнг нималар бўлиб ўтгани маълум эмас. Шу боис, бирор мактуб ёзиб, онасининг вафотини ҳам билдиролмади.

Бир куни рухсат олиб, Анқарага чиқди. Қайтаркан, бир кило шафтоли олди. Бўлимда иккита ўртоғи билан ўтириб еди. Данакни қайта қоғоз халтага солишди.

Шунда Ҳасаннинг кўзлари қоғоз халтага михланиб қолди. Кейин сездирмасдан қоғоз халтани олдига тортди. Данақларини солиш учун ўрнидан турди. Ахлат қутисига отишдан олдин ёзилган хабарни яна бир марта ўқиди:

«Бир неча ой олдин Маниса қамоқхонасидан қочишни уддалаган Турсун (К...) исмли маҳбус қўлга тушди».

Хабарнинг тафсилоти бошқа саҳифада эди. Қоғоз халтада ўша саҳифа йўқ эди. Газетанинг санасига қаради, деярли бир ой олдинги сана.

Севиниш ёки йиғлаш орасида эсанкираб қолди Ҳасан. Бирор бурчакка ўтириб олиб, биров безовта қилмайдиган шаклда кўнгли билан ёлғиз қолишни истади.

Бир чеккага ўтиб, Анқаранинг туманли уфқларини кузата бошлади. Бир соат, икки соат ўтирди, лекин ўйлолмади. Ўйлашга кучи етмади.

Ақлининг тўхтаганини, бу кетишда ҳеч нарсани ўйлай олмаслигини фаҳмлади. Сўнгра бир ҳайқириқ отилди юрагининг туб-тубидан. Кўзлари бу ҳайқириқнинг силкинишидан намланди.

Ёноқларидан кетма-кет оққан ёшлар ҳайқириққа куч қўшди, уларга ҳамроҳ бўлди. Аммо Ҳасан нима учун йиғлаганини била олмади. Ўзининг толесизлигидами, отасининг бу ҳолигами, дунёда ғариб бир ўғил қолдирган бечора онасидами, йиғлаганини фарқламади.

Уфқларни қизартирганча Анқара билан видолашган куёшнинг сўнгги нурлари ҳам кўздан йўқолди. У ўрнидан турди. Худди шу пайтда йиғилишга бонг урилди ва югурганча йиғилиш жойига томон кетди.

Аскарлик ҳаёти комил даражадаги тўғрилиқда ўтган Ҳасан ҳарбий билетни олди. Чорумга боришдан аввал отасини бориб, кўрмоқчи бўлди.

Кейин воз кечди. Тўғри Чорумга йўл олди. Борганидан ўн беш кун ўтгач фотиҳаси бўлди. Уста Комил бирга ишлаш ёки бир дўкон очиш хусусида уни эркин қўйди.

Ориф хожа маълум муддат биргалиқда ишлашни маъқул кўрди. Биргалиқда ишлай бошладилар. Уй ижарага берилди, янги бир уй ижарага олинди.

Уч ойдан сўнг тўй қилинди. Лайло хоним келин бўлиб тушди. Кунлар шикоятсиз, ўзаро тушуниш ва муҳаббат билан ўтаётганди.

Ҳасан ўғил кўрса, исмини Лутфуллоҳ қўйишини аввалдан ўйлаганди. Қиз бўлса, исм қўйиш ҳуқуқи онаники бўларди. Бу орқали Ҳасан болалик кунларининг изтиробини тутатган Лутфуллоҳ амакини унутмаган, унинг номини яна давом эттирган бўларди.

Унинг яхшиликларини доим ёдда тутмоқ ва дуо этмоқ учун бир фурсат бўлади, дея ўйлаётганди.

Уйланганига бир ярим йил тўлгач, Ҳасан ўғилли бўлди. Фарзандининг исмини Лутфуллоҳ қўйди.

* * *

Бир куни Ҳасаннинг эшиги тақиллади. Лайло хоним эшикни очганда турқи совуқ бир одамга дуч келди. Совуқ башара юз, нафрат туйғуларини ошкор қилиб турган бир жуфт кўз, қамоқхона қочоғи кўринишидаги бир қиёфа меҳмонда мужассам эди.

Покиза туйғулардан бошқасига қалбидан ўрин бермаган бир инсоннинг бу одамни ёқтира олиши учун қирқ йил уриниши ҳам кам ҳисобланарди.

– Нима керак сизга?

Лайло хоним меҳмоннинг шу қадар совуқ эканлигини фақат ўша пайт сезди. Одам сохта кулди. Бу сохталик янада совуқ, янада ёвуз бир маъно касб этганди.

– Ҳасаннинг уйи шуми?

– Ҳа, шу.

– Ҳасан уйдами?

– Йўқ.

– Мен Ҳасаннинг отасиман.

Одам гапини давом эттиролмади. Лайло хонимнинг қўрқув ва нафрат тўла чинқириққа ўхшаш ингроғи уни жим бўлишга мажбур қилди. Юзи ўлим хабарини эшитгандек ўзгарди.

– Нималар деяпсиз?

– Ҳасаннинг отасиман.

– Фақат Ҳасан...

Лайло хоним давом этолмади. Ҳасан сендек бир одамнинг ўғли бўлиши мумкин эмас, дея олмади. Ўчиб қолди. Бироқ келгинди унга эътибор қилмади.

– Сен унинг хотинимсан?

– Ҳа.

– Мени танимайсан, албатта. Ҳозир уни қаердан топсам бўлади?

– Билолмадим.

Лайло хоним билиб туриб айтмади. Дўконнинг йўлини тушунтириши мумкин эди. Бироқ шошиб қолди, тўғрироғи: «Ҳасанни қанча кеч топса, шунча яхши бўларди» сингари галати бир фикр уни шу йўлга бошлаганди.

Келгинди кетди.

Лайло хоним кайфиятсиз ҳолда уйга кирди.

Кечқурун Ҳасан уйига отаси билан бирга қайтди. Хурсанд эди, кулаётганди. Лекин диққат билан қараган Лайло бу кайфият замирида ғам ва дарднинг яширинганини фаҳмлашга улгурди.

Кўзларининг ичида кулгидан узоқ бўлган ғариб маънолар, чуқур ўйлар, андишалар... мужассам эди.

Бироздан сўнг ошхонага борган Ҳасан:

«Ростдан ҳам бу одам сенинг отангми, Ҳасан?!» деган саволга дуч келди. «Нима қилайки, тақдир...» мазмунидаги бир жавоб Лайлонинг қулоқларига эшитилди:

– Ҳа, Лайло... Ҳа... Отам. Ўз отам.

– Нимагадир сира ўхшатолмадим, ҳеч ҳам ёқтирмадим уни.

– Уни ҳеч ким ёқтирмайди. Ҳатто, мен ҳам...

Ҳасан бу сўзни айтолмади. Лабларидан узоқлаштирди, зўрға ютди ва аччиқ ҳақиқатни... Айтмади, бироқ Лайло хоним айтолмаганидан ҳам кўпроғини тушунди.

– Аллоҳга нима ёмонлик қилгандим-а?

Ҳасан жавоб бермади. Бироз ўйлади, сўнгра ошхонадан чиқди, отасининг ёнига борди.

– Ҳасан, уй сеникими. Ижарамми?

– Ижара, ота.

– Аввалги уй нима бўлди?

– У ҳам ижарада.

Турсун ҳақи ейилган бир кимсанинг хатти-ҳаракати билан:

– Унинг ижара пули меники бўлади, шундайми?

– Албатта, ота. Ҳаммасини йиғдим. Отам келганда топшираман, дедим.

– Баракалла, Ҳасан...

Ҳасан отасидан илк рағбатни шу тарзда олганди.

– Келиннинг исми нима, Ҳасан?

– Лайло.

– Мени унча ёқтирмади.

– Нимага ёқтирмайди, ота?

– Мен қаердан билайин?.. «Ҳасаннинг отасиман» деганимда чинқириб юборди.

– Хурсандилигидан қилгандир.

– Аҳмоқлик қилма, Ҳасан! Мен шодлик билан қайғунинг фарқига бора олмайдиган одамманми? Шунча йиллик тажриба бор.

– Бирдан шошиб қолгандир.

– Мен одам савдогариман, Ҳасан. Кўзидан биламан одамни. Мени ёқтирмади.

– Танимаганидандир. Балки келган пайтингизда бирор нарсадан хафа бўлиб тургандир, ҳали яхши таниб олса, албатта, ёқтиради.

– Ҳа, майли. Энди қорин туйғазиш навбати. Тезроқ дастурхонни ёзинг...

Бу орада Лутфуллоҳ уйғонди. Турсун ўшандагина невараси борлигини билди.

– Исмини нима қўйдинг, Ҳасан?

– Лутфуллоҳ...

– Бу исм миянгга қаердан келди?

– Маҳалладаги Лутфуллоҳ амакидан.

– Ҳа, майли...

Овқат жимгина ейилди. Ундан сўнг Турсун шунча йиллик айрилиқни тўлдирган хотираларни айтиб берди. Ҳасандан хотираларини сўради. Фарида ҳақида эшитганда кўзлари ёшланди.

Лайло хоним ўша кеча уйда бир куз шамоли эсаётганини ҳис қилди.

* * *

Уч кундан сўнг кечга яқин қўлида бир ўйинчоқ билан Турсун уйига келди.

– Лутфуллоҳ, кел, ўғлим, сенга ўйинчоқ олиб келдим!

Ҳасанга қараб:

– Келаётиб кўриб қолдим. Ёқиб қолди-да олавердим, – деди.

Ҳасан ўйинчоқнинг келишидан хурсанд бўлмаганди. Жиддий, лекин юмшоқ овозда сўради:

– Пулга олдингизми бу ўйинчоқни, ота?

– Нима демоқчисан, Ҳасан?

– Бу ўйинчоқнинг пулини тўлаб олдингизми, демоқчиман.

Турсун таъна қилгандек:

– Шу кичкинагина ўйинчоққа ҳам пул тўланадими?

– Мен бу одамларнинг бизга ҳады бериш учун дўкон олганликларини тахмин қиляпман.

– Шугина ўйинчоқ учун бунча нозик фикр қаердан келяпти, Ҳасан?

– Бошқанинг молини рухсатсиз олиш таъқиқланади. Уйимга ҳаром йўлдан бирор нарса киришига рози эмасман. Майли, менинг болам ўйинчоқсиз қолсин, аммо эгасининг розилигисиз олинган бир ўйинчоқ билан завқланмасин.

– Сен анча сўфи бўлиб қолибсан, Ҳасан...

Шу пайт Лайло хоним ичкарига кирди-ю, гап бўлинди. Суҳбат бошқа мавзуларга йўналтирилди.

Турсун ўзини олдириб қўйган, кексайганди. Қаримаганлик туйғуси қолганди: Кўрсатмай олиш... Суяк-суягига сингиб кетган, ўзлигини қамраб олган бу хусусияти уйида Лутфуллоҳ билан ўйнаётганда ҳам кўринаётганди.

Уни ўйнатаётганда ўйинчоқларини бўлсаям ўғирлаб яширишдан катта-катта лаззат туяр, кейин яна ўйинчоқлар боланинг олдига келарди.

Азонлаб ўйинчоқ уйдан чиқди.

Турсуннинг келганига йигирма кун бўлди. Ҳасан ўша оқшом уйига қайтаркан, рўзғорига бир-иккита нарса олиш учун маҳалла баққолига учради. Олганларининг пулини тўларкан, баққол пичирлаб сўради:

– Ора-сира сен билан кўринадиган одам сенинг киминг бўлади?

– Отам.

– Бўлмабди-ку, бу ахир...

Ҳасан ичида яшиндек чақнаган бир оғриқни ҳис қилди:

– Нимага бўлмабди..?

Бу саволни беришга сира ҳожат йўқ эди. Овозининг бир лаҳзада қалтираб чиқиши, кўзларининг олдини туман қоплаши мағлубиятнинг таъмини яна бир бор тотганлигини шунақанги англатаётгандики...

«Биламан, нима бўлмаслигини, айтишинга ҳожат йўқ...» дегандек бир тус олди. Баққол Ҳасаннинг бу ҳолатини гапирмай, ўзгарган ҳолини тушуна олмади.

– Бугун уни дўкондан қувдим-да, ундан...

Ҳасан қип-қизил бўлди. Пешонасини тер босди. Бутун асабларининг таранглашганини, тиззалари бўшашиб қолганини ҳис қилди. Бундай сўзни эшитгандан кўра ўнта мушт ейишга минг марта рози эди.

«Нима учун қувдингиз? Нима ҳақинг бор менинг отамни ҳақорат қилишга?» дея олмади. Бир неча йилдирки, маҳалласида кўнгли очиқ, ҳалол, покиза бир инсон сифатида танилган Ҳасаннинг бир пулга олинмайдиган, эътиборсиз бир отанинг фарзанди дея танилиши... Ҳасанга бу юк оғирлик қилмоқда эди.

Баққол сўзида давом этди:

– Қайта бу дўконга оёқ босмаслигини тайинладим. Сенинг ҳурматинг учун индамаганимни айтдим. Илтимос, сен ҳам айт, дўконга бошқа кирмасин. Йўқса аҳволи ёмон бўлади.

Ҳасан дўкондан руҳий тушкун ҳолда чиқди. Ўйлади. Узоқ ўйлади. Ўйлаган режалари миясидаёқ салбий натижалар бера бошлади. Қайси эшикни қоқишини, қайси йўлни тутишини билолмай қолди.

«Энди бундан сўнг ҳалол бир одам бўлишингиз керак, ота!.. Уяламан сиздан...» дейиши лозим. Бироқ бу сўзларни эшитадиган, ҳақ бўлган тавсияга қулоқ соладиган бир ота мавжуд эмасди.

Турсун яна эски ашуласини айтиши, аввалги созини чалиши, кўниккан ҳавосидан нафас олиши аниқ.

Дўконнинг олдида келганида, қаёққа етиб келганини фаҳмлади. Уйнинг йўлидан адашганди. Ҳали йигирма кун ўтмас-

дан бу ҳолга тушган Ҳасан, ким билади, ҳали нималар билан учрашади, бошига қандай тошлар ёғилади!?

У уйига қараб юрди.

Овқатдан сўнг Лайло ошхонага чиққач, фурсатни ганимат билди.

– Ота!

– Нима гап, Ҳасан?

– Бугун баққолга учрадим.

– Шу ахлоқсиз одамгами?

– Ахлоқсиз эканлигини билмасман, лекин шу бизнинг баққолга...

– Тушундим, гапни чўзма. Ахлоқсизларнинг такаси нима деди ўзи?

– Асло яхши гаплар гапирмади.

– Яқинда унинг жазосини бераман.

– Нима қилмоқчисиз?

Турсун Ҳасаннинг кўзларига тик қараб пичирлади:

– Менга қара, Ҳасан... Менинг отим – Турсун... Сен отангни ҳали яхши билмайсан.

– Лекин баққол ҳақ, ота...

– Нимага ҳақ бўларкан-а?

– Нимагами? Масалан, сизники бўлмаган молга қўл узаётганингизда: «Марҳамат, кўнглингиз нимани истаса, ўшани олинг, йўқса хафа бўламан...» дейиши керакмиди?

– Нима дейишни ўрганиши учун кўп кутмайди. Яқинда унга дарс бериб қўяман.

– Лекин сиз зиён кўрасиз, ота!

– Бўпти, кўрамиз, қани ким зиён кўраркан. Ҳасан, сен қайси ақлингга бўйсуняпсан, билмайман-у, лекин бир пулга арзимайдиган тентакка ён босяпсан ва менга қарши чиқаяпсан.

– Аммо у ҳақли эмасми, ота?

– Қанақа ҳақ? Ким нимани қўлга киргازса, ўша унинг ҳақи ҳисобланади. Кўрасан, сени қисқа фурсат ичида бой қиламан.

– Мен ўша айтган йўлингиз орқали келадиган бойликка сира рози эмасман.

– Нималар деяпсан?

– Ҳа, ўғрилиқ орқали қўлга киритилган нарсани уйимга киргизгандан кўра очликдан ўлишни шараф деб биламан.

– Қулоқ сол. Ортиқча сўфилик зарар келтиради, Ҳасан. Жоҳил сўфини шайтоннинг разили дейишади.

– Бу фикрга қўшилолмайман. Бунга сўфилик эмас, ша- раф, ёруғ юз, инсонга хос тарзда яшаш дейилади. Мен йиллар давомида сиз едирган ноннинг ҳақини халққа тўлашга ҳаракат қилаётганимда қайтадан бошламайман ўша ҳаётни...

– Яхши тушунмадим... нима деяётганингни....

– Болалигимда сиз ўғирлаб келиб, бизга едирган ноннинг алами ҳали ҳам кўнглимда турибди. Унинг виждон азоби- дан қутилиш, излаган ҳузуримга етишиш учун едирган ҳар бир нарсангизни бугун камбағалларга бериш орқали тўлашга уриняпман.

Турсун ҳайрат ва ғазаб тўла бир оҳангда бақирди:

– Вой аҳмоқ, вой эси йўқ... Вой аҳмоқларнинг аҳмоғи, вой...

– Нимага аҳмоқ бўларканман?

– Бунга аҳмоқлик демай нима дейиш мумкин, Ҳасан? Ишлаб топган икки танганни ҳам одамларга тарқатсанг, эртага нима қиласан?

– Эртага Худо подшодир. Ҳеч бўлмаса, кўнглим таскин топади-ку. Мен шунга ҳам розиман.

Турсун Ҳасаннинг сўзларига тушунадиган мақомда эмас. Ўзига ўзи минғирлади:

– Том маънодаги бенуқсон бир аҳмоқлик... Аҳмоқликнинг бундан ўтадигани бўлса, инсонлик дафтаридан ўчирилишга ҳам розиман...

Ҳасан отасига ҳузур-ҳаловат, виждон роҳати ва ор-но- мус билан яшаш нималигини тушунтиришнинг фойдасиз- лигини англагани.

– Нима бўлса-да, майли, уни тинч қўйлик, ота. Лекин сиз бошқа ўша баққолнинг ёнига бормасангиз яхши бўларди.

– Нима қилишни ўзим биламан, Ҳасан.

Ҳасан гапининг чўзилиши бирор самара бермаслигини билгач, жим бўлди.

Ҳасан кечалари ора-сира уйда қолган отасига ҳам бирор фойдаси тегар дея «Риёзус-солиҳийн»дан ҳадислар ўқир, Лайло хонимга тинглатаркан, отасининг қулоқларига ҳам бирор нарса кирсин, деяди. Шу тарзда отасининг доғ тўла юраги бир лаҳза бўлса-да тинчланар, мияси дам оларди.

Борлиғи одамларга раҳмат бўлган буюк ва сўнгги Пайғамбарнинг (с.а.в) кўнгилларни нурлантирган, руҳларнинг энг қуйи нуқталарига қадар етиб борган ҳадислари, афсуски, Турсуннинг тошдан қаттиқ қалбига киришга йўл топа олмас, унинг руҳига хитоб қилолмас, ҳатто уни асло қизиқтирмасди.

Ҳасан баъзан кўзларини ёшлатган, баъзан юрагини ларзага солган Пайғамбар (с.а.в.) сўзининг отасига нақадар таъсир этганини билиш учун қараганида, жағлари айрилади-ган даражада эснаётганини кўрарди.

Баъзан Турсун энг қизиқ жойида Ҳасанни ўқишдан тўхта-тиб, қамоқхонада бўлиб ўтган ифлос бир жанжални тушунтиришга уринар, баъзан Ҳасандан бундай китобларни ўқишидан зерикиб, зерикмаганлигини сўрарди.

– Бас энди, ўғлим, бошимни ғовлатиб юбординг, бир тамаки тутагунга қадар дам олайлик, – дерди.

Ҳасан отасининг бу қилиқларига базўр чидар, портлаб кетишга оз қоларди.

Турсун ҳаётидан мамнун эмас. Келганидан буён Ҳасандан бирор марта ҳам ичкилик учун пул ундирилмаганди. Эски дўстлари даврасидан чиқиб қолган, гўёки шаҳар тарк этилганди. Бир қисми ҳибсда, бир қисми ҳақида бирор маълумотга эга эмас.

Уйда ичиш имкони йўқ. Ҳасан ўзининг телба тушунчасида барқарор бўлгани учун дастурхонга ичимлик келтиришга жасорат топа олмасди. Шу сабабдан, бош оғриғига чора излаш лозим эди.

Кирган дўконданми ёки аллақадан ундириб олган шишани ўтириб, бирор бурчакда бўшатар, кечга яқин уйга ҳушёр ҳолда қайтарди.

Лекин вазият бу ҳолда кетиши мумкин эмас. Ҳасанга биров бўлса-да, тушунтириш, унга фарзандлик бурчларини эслатиш лозим эди. Бир кун оқшом яккама-якка қолган пайтларида гапни бир чеккадан бошлади:

- Ҳасан!
- Лаббай, ота!
- Ўғлим, кўриб турганингдек, бирор даромадим йўқ.
- Хўш...
- Чўнтакни бўш қўйиб бўлмайди.
- Келганингизга ҳали бир ой бўлмадим, ота?
- Ҳа.
- Уйнинг барча ижара пулини мендан олмадингизми?
- Олдим, лекин...
- Лекин-пекини йўқ. Уйга бирор тийин ҳам сарфламайсиз.

Бу пуллар ўз ўрнида сарфланса, сизга бир неча йилга бемаллолетмайдимиз?

- Балки тўғри айтаётгандирсан, лекин тугади.
- Қимордами?
- Балки ютарман, дегандирман.
- Ундай бўлса, менга эътирозингиз бўлмаслиги керак, шундайми? Ўша пайтда сизга оз-оздан беришни таклиф қилдим, рози бўлмадингиз. Мен еб қўймасдим-ку. Бундан кейин ҳафтадан-ҳафтага фақат йигирма лира бера оламан.
- Бугина пул нимага ҳам етади?
- Нима қилай, бундан ортиғига кучим етмайди. Бошқа бир даромадим йўқлигини ўзингиз ҳам кўриб турибсиз. Атрофдагиларга қарз тўлаш, уйнинг ижара пулини бериш, рўзғор ўтказиш – булар осон эмас.

- Шу фуқаро тўйғазиш ҳикоясини бир чеккага қўйсанг...
- Бўлмайди, ота.
- Нега бўлмас экан?
- Бўлмаслигини аввал ҳам тушунтирдим. Бошқа ўша масалага қайтмайлик.

– Қайтмайлик, бироқ менга қараш ҳам сенинг вазифанг. Отангни бу ҳолда ташлаб қўёлмайсан.

- Албатта, отамга қараш вазифам. Оч яшарман, лекин сизни оч қолдирмайман. Қиш кунларида костюмсиз юрар-

ман, аммо сизни пальтосиз кездирмайман. Сизни бошқаларга муҳтож қилмаслик учун ўзимдан ўн ёш кичикларга ҳам хизмат қиламан.

Бир икки сония тўхтаб кейин сўради:

– Уйда еганингизга қорнингиз тўймаяптими?..

– Тўйяпти, аммо...

– Хўш...

– Кўриб турибсан-ки, томоғим сира ҳўлланмаяпти.

Ҳасан бу сўзлардан қаттиқ зарба остида эзилгандек бўлди. Турсуннинг нималар демоқчи бўлганини яхши тушунди. Тушунмаганликка олиб:

– Биргаликда чой ичяпмиз. Қаҳвангиз ҳар овқатдан сўнг тайёрланаяпти.

– Ҳасан, аҳмоқлик қилма. Сен ҳам биласан-ку, бизнинг томоқ чой билан ҳўлланадиган хилидан эмас.

– Бошқача ҳўллаш учун ичкилик пули йўқ менда.

– Унда мен нима қилай?

– Тавба қилинг. Аллоҳга ёлворинг. Қилган гуноҳларингизнинг охирини ўйланг. Қанча жонни қийнадингиз. Беҳисоб ноҳақликлар билан дафтарингизни ифлослантирдингиз.

– Булар эртақ, Ҳасан.

– Сиз буни эртақ дейсиз. Лекин мен учун бу – ҳақиқат. Яна бир марта ўйлаб кўринг, сизнинг уйингизга ҳам ўғри тушса, нима бўлади? Уйингизни шип-шийдон қилса, сизни паришон ҳолда қолдирса...

Турсун Ҳасаннинг сўзини бўлди:

– Менинг уйимга ўғри крмайди.

– Нима учун?

Турсун минғирлади:

– Касб андишаси бор.

– Ғалати бир андиша, очиғи... Бундай бир андишанинг борлигини эшитмагандим.

– Ғалатидек кўринади. Бироқ биз касбдошимизни муҳофаза қилишни биламиз. Истасанг, бугундан эътиборан ҳар кеча уйнинг эшигини очиқ қолдир. Ўзинг гувоҳи бўласан, синган игнага ҳам зиён етмайди.

– Ё Аллоҳим...

– Нимага ҳайратланаяпсан, Ҳасан?
– Бу қадар инсоний туйғулар олдида бош эгса арзийди.
– Нима, бизни ҳиссиз кесак, деб ўйлаяпсанми, Ҳасан?
– Бу шафқатингизни бироз бўлса-да бошқаларга йўналтирсангиз, оз бўлса-да бошқаларга ачинсангиз. Нима бўлади?

– Тўғри айтаяпсан, лекин шакарнинг ози яхши. Биласан-ку, ҳар нарсанинг ортиғи исроф саналади.

– Демак, инсонларга шафқат кўрсатиш исроф бўлади-а?

– Албатта, ҳар нарсанинг ортиғи исроф. Оҳ, қанийди, ўғрилар касб андишасини топтасалар-у, бир-бирларидан юз ўгирсалар.

– Бўлмайди дедим-ку, Ҳасан. Бу ҳудуд топталмайди. Топтамаймиз бу ҳудудни. Бундай бир одобсизликка қўл урганнинг жазоси оғир.

– Масалан?

– Масалан, нафаси бўғилади.

– Тушунолмадим?

– Ўлади.

– Йўғ-е...

Турсун бир гала товуқ орасидаги мағрур бир хўроздек юқоридан қараб:

– Нима деб ўйлаяпсан, Ҳасан? Бизни доимий бекорчи деб ҳисоблаяпсанми? Қандай оғир шартлар остида ишлаганлигимизни билмайсан, албатта...

– Оғир бўлса-да, енгил бўлса-да, манзур бўладиган бир касб эмас бу, ота. Орсиз, шарафсиз бир касб...

– Бўлиши мумкин. Сен ҳам шундай қабул қил. Бироқ жуда завқли бир касб эканлигини тан олишинг керак.

Ҳасанни бошдан-оёқ кўздан кечиргандан сўнг яна шуни қўшиб қўйди:

– Лекин тотиб кўрмаган билмайди.

Лайлонинг хонага кириши гапни бўлди. Чиққач, Ҳасан охири гапини айтди:

– Ичкилик мавзуида бирор тийин ҳам сарфламайман. Ичмасангиз ўлиб қолишингиз мумкинлигини билсам-да, бу қароримдан воз кечмайман.

Турсуннинг келганига уч ой бўлди. Бу орада Рамазон келди. Ҳасан билан бирга, Турсун ҳам саҳарликка турди. У ҳам овқат еб ётди. Бундан кейини эса, Турсуннинг ўз иши. Бироқ Ҳасан отасидан рўза тутиб-тутмаётганини сўрашга ботинмади.

Арафа кечаси Ҳасан овқатдан сўнг отасига:

– Эртага эрталаб байрам намозига бирга борамиз, ота, – деди.

Турсун бу таклифдан шошиб қолди.

– Сира бормаганман-ку, Ҳасан!?

Бу сўзлардаги совуқлик Ҳасаннинг юрагини ларзага солди. Лаблари қуриб қолди Ҳасаннинг.

– Майли, бунинг сира аҳамияти йўқ. Лекин бу гал аниқ борамиз.

Турсунни бир фикр чулғади. Устига жуда оғир юк юклангандек эди. Натижада бир қутулиш йўлини топди, севинди.

Оғир юк кўтариб, баландликка чиққан одам қора тер ичида қолган пайтида бир лаҳза бўлса-да, шабада эсса, янги бир ҳаётга эришганини ҳис қилади. Юрагига сув сепилгандек бўлади. Турсун топган бу ажойиб ҳол чораси билан шундай қувонди.

– Ҳасан!

– Лаббай, ота!

– Мен байрам намозини шу ерда ўқийман.

Ҳасан кулди:

– Бўлмайди, ота.

– Нимага бўлмайди, Ҳасан? Жуда яхши бўлади.

– Байрам намози уйда эмас, масжидда ўқилади.

– Оббо... бу одат ҳам янги чиқдимми, Ҳасан? Шунча йилдан буён илк марта эшитяпман. Шу ёшга кириб, энди сендан эшитдим. Онанг ҳар доим уйда ўқимасмиди-а? Сен сира уйда ўқимайсан?

– Улар байрам намози эмас-ку!?

– Ҳечқиси йўқ. У ҳам намоз, бу ҳам намоз. Эртага борганинга, муллага учра. Отам уйда ўқиркан де.

– Ота, бўлмайди, дедим-ку... Байрам намози ҳеч қачон уйда ўқилмаган. Боришимиз керак.

– Лекин мен уяламан.

– Нима учун?

– Намоз ўқишни билмайман.

– Менинг ёнимда ўтирасиз.

– Бу ишнинг осон йўли нима, биласанми?

– Нима экан?

– Бу гал мени маъзур тут. Келаси йилгача ўрганаман. Ўшанда бирга борамиз.

– Бу нарса аниқ эмас. Эҳтимол, келаси йилгача ўлиб қоларсиз.

– Оғзингни ел учирсин. Тушунарли, мендан тўйганга ўхшайсан, Ҳасан.

– Йўқ, ундай демоқчи эмасман. Кўнглим энди тавба қилишингизни истаяпти. Ҳалол ва тўғри ҳаёт кечиришингиз лозим.

– Чорумда мендан тўғри одам йўқ, Ҳасан.

– Орзу қиламан. Энг ҳалол одамнинг ўғли бўлиш қандай шараф. Лекин ўзингиз ҳам биласиз-ку, бу ҳалолликни ўзингиздан бошқа ҳеч ким тан олмайди.

Турсун қутилиш чораси йўқлигини англади.

– Бўпти, Ҳасан, айтганингек бўлсин. Ҳурматинг учун бораман.

Эрталаб саҳарлаб отасининг бошида термулган Ҳасан уни сира уйғота олмади. Турсун ўликдек ётарди. Оёғини кесиб кетса ҳам сезмайдиган даражада уйқуга кетганди.

Ниҳоят уринишлар ўз самарасини берди. Соатлаб давом этадиган бир уйқунинг туб-тубидан келган бир овоз:

– Нима хоҳлайсан? – деди

– Туринг, ота, намозга борамиз. Байрам намозига.

– Ҳозир ухляпман.

Турсун кўрпани яна устига тортди. Яна ухлай бошлади. Лекин Ҳасан уни турғизишга қаттиқ аҳд қилганди. Турсун норози бўлиб ўрнидан турди.

– Тун ярмида намоз ўқилмаса нима бўларкин-а...

Ҳасаннинг ёрдамида таҳорат олгач, сочиқ билан юзини артаркан, минғиллади:

– Бу жуда ҳам қийин нарса, болам. Эсда қоладиган даражада эмас.

– Қайси бири?

– Мана бу таҳорат олиш иши. Раҳматли онангнинг зеҳнига қойилман. Сира адашмай қиларди таҳоратини...

Ҳасан бу гапларга... кулишдан ўзини тўхтатолмади.

Уйдан биргаликда чиқишди. Бурилишга етгач, Турсун тўхтади:

– Ҳасан!

– Лаббай, ота.

– Уйга бориб келишим керак. Сен кетавер.

– Нима қиласиз?

– Тамакимни унутибман.

– Қолаверсин. Масжидда мумкин эмас.

– Болам, бориб келиш давомида бирорта чекарман, ахир.

– Кеч қоламиз, ота. Қайтиб келсак, топамиз ҳали.

– Сен кетавер, бир дақиқада етиб оламан.

Уйга киргач, қайтиб чиқиши ноаниқ бўлган отасини қолдириб бўлмасди, Ҳасан унинг қўлтиғига кириб:

– Бу сафар ўғлингизнинг ҳурмати учун иккита тамакидан воз кечасиз. Йўқса, қаттиқ хафа бўламан, – деди.

Турсун уринишнинг бефойдалигини яна бир бор тушунди.

– Мени таниб қолишса-чи, Ҳасан?

– Танисинлар, хурсанд бўлишади. Вақти келиб бизни энг яхши биладиган Зотнинг ҳузурида ҳисоб берамиз.

– Кимнинг?

– Аллоҳнинг...

Турсун энди эслагандек:

– А... албатта, – деди.

Бироз юрдилар. Турсун яна оғиз жуфтлади:

– Ҳасан, бирор киши гапирмайдими?

– Ҳеч ким гапирмайди.

– Гапирса-чи?

– Гапирмайди дедим-ку.

– Майли. Жавобини сен берасан.

– Бўпти.

Турсун масжид эшигидан судралгандек кирди. Бирор қамоқхона эшиги Турсунни бу қадар сиқмаганди.

Ичкари маҳшаргоҳ каби зич эди.

Бомдод намози ўқилди. Мулла минбарга чиқди.

Турсун маъруза эшитишдан зерикиб кетди, ҳуркак нигоҳи билан атрофни кузатди. Ўтиришини ўзгартирди. Барибир фойдасиз. Вақт ўтмаётганди. Маъруза бошланганига ўн беш дақиқа бўлганда, тирсаги билан Ҳасанни туртди:

– Кетмаймизми?

– Кетамиз.

– Қачон?

– Байрам намозидан кейин.

– Ўқидик-ку.

– У бомдод намози эди.

– Унда Байрам намозини қачон ўқиймиз?

– Маъруза тугагач.

– Тамом бўлдик, десанг-чи.

– Нимага?

– Бу одамнинг кўнглига қарасак, бизни кечгача қўйвормайди.

Ҳасан жавоб бермади. Турсун қўли билан туртди:

– Бунчалик эзма одамни кўрмагандим.

– Айтаётганлари чиройли гаплар, эзмалик эмас.

– Лекин қисқароқ қилиш мумкинмасми? Очиқ гапиришни шунақа хоҳлардимки, ҳамманинг иши, ташвиши бор. Ҳам жуда зерикдим мен...

Ҳасан яна жавоб бермади. Маъруза тингланди. Турсун ҳам ўглининг ўжарлигини енголмаслигига кўзи етгач, тишини тишига қўйди, бутун кучини сабр йўлида сарфлашга уринди.

Беш дақиқа, ўн дақиқа кутди. Воизнинг ҳали-вери жағи тинмасди. Ниҳоят Ҳасанни яна бир марта туртди:

– Бу одамнинг уйини биласанми?

– Нима қилмоқчисиз?

– Айтсанг ёмон бўлмайди.

– Ҳозир мавридими, ота? Хўш нима қилмоқчисиз?
– Бир дарс беришни ўйлаяпман.
– Қанақа дарс?
– Жуда ҳам эзма экан. Шунча одамни бу ерда соатлаб куттирмаслик дарси.

Ҳасаннинг юзига, кўзига беозор қараб:
«Кейин билиб оласан нима дарс эканлигини...» демоқчи бўлди.

Ҳасан «билиб оласан» дейишидан олдин тушуниб, қулоқларигача қизариб кетганди.

– Ҳеч бўлмаса масжидда яхшиликни раво кўрсангиз бўлмайдими, ота...

– Дарс бериш ёмонликни ўйлаш деганими? Бироз тушунчага эга бўлса, бунчалик эзмаликка вақт топа олмайди.

– Кейин гаплашамиз, ота. Бошқаларни безовта қилипмиз.

Пичирлаб гаплашиш бошқаларни безовта қилиш эканлиги Турсунга жуда ғалати туюлди. Бироздан сўнг яна:

– Ҳасан! – деди.

Ҳасан бурилиб қаради.

– Мен чиқаман бу ердан.

– Оз қолди.

– Қаердан биласан оз қолганини.

– Вақт яқинлашди. Беш дақиқадан сўнг тугайди.

– Лекин мен портлаб кетаман.

– Шу сафар чиданг.

– Чиқишим керак. Таҳорат олиб қайтаман.

– Келмасангиз-чи?

– Сўз бераман.

– Бўпти.

Бирга ўринларидан туришди. Жамoadан қараганлар бўлди. Олдинда Ҳасан бўлган ҳолда эшикка томон юриб, ташқарига чиқдилар.

– Оҳ-оҳ... ҳаёт бор экан ташқарида.

– Тезроқ таҳоратингизни янгиланг, ота.

– Оёқларим уюшиб қолди... Ҳа, майли, мулла, ҳали сен билан учрашамиз.

– Ота, шошилайлик, вақт яқинлашяпти.
– Бир тамаки тутатсам бўлмайдими, Ҳасан? Хумор қиляпти.

– Уйга борсак чекасиз.

Турсун Ҳасанга буларни айтаркан, тамакини ҳам чиқарди.

– Уйда унутиб қолдиргандингиз-ку!?

– Бу заҳирадагиси. Эҳтиёж сезилмаса, тегмайман. Уйдаги бошқа.

– Ҳозир тамакини ташласангиз бўлмайдими? Намозга улгурмайсиз.

Турсун бу таклифни эшитмагандек эди. Дарҳол гугурт чақди. Устма-уст бир неча марта тортди. Кейин жиддий бир оҳангда:

– Ҳасан, мен уйга кетаман, – деди.

– Нима учун? Намоз тугамади-ку ҳали!?

– Тугамади, лекин менинг сабрим тугади.

– Менинг ҳам сабр косам тўлди, ота. Ишонинг, бошқа мажбурламайман. Лекин шу сафар мени хафа қилманг.

– Ваъда берасанми, Ҳасан?

– Ваъда бераман.

– Бўпти. Ундай бўлса, кирайлик.

– Таҳорат янгиламайсизми?

– Йўқ.

– Нега?

– Таҳоратим бор.

– Унда нима учун чиқдик?

– Кетимдан юришни бас қиласанми-йўқми? Чиққан заҳоти жуфтакни ростламоқчи эдим.

Турсун ярмидан кўпини чеккан тамакини ичи ачий-ачий ўчирди, Ҳасан унинг қўлидан тортди. Яна кирдилар. Воиз минбардан тушаётганди. Турсун севиниб:

– Хайрият-е, тугабди, – деди.

Ҳасан хайр ва фазилатга тўла намоздан бу даражада юз ўгирган, Ҳақдан келадиган ҳар нарсани инкор этадиган бир отанинг фарзанди бўлишнинг берган алами ила байрам намозини ўқиди. Воизнинг бир Аллоҳ дўстининг ривоятидан

келиб чиқиб айтган мана бу сўзи шу қадар мос тушардики отасига...

«Бир валийдан сўрашди:

– Бадбахт ва пасткаш ким?

– Аллоҳга элтувчи йўлни билмаган ва билишга ҳам эҳтиёж сезмагандир».

Бу жумладаги маънони балки воизнинг ўзи ҳам Ҳасанчалик тушунмаганди. Бошига тушган, ҳаётида учратган инсончалик бу гапдаги чуқур маънони, нишонга бехато уришни бутун нозикликлари билан тушуниш имконсиз эди.

Намоздан сўнг имом хутбани ўқиш учун минбарга йўналди. Бу орада бир неча киши чиқиш мақсадида ўрнидан турди. Турсун ҳам қимирлади. Ҳасан уни кийимидан тортиб ўтқазди.

– Кетишяпти.

– Майли.

Ниҳоят хутба охирига етди, дуо қилинди, жамоа турди. У ҳам сакраб турди. Ҳасан ундаги руҳсиз, ҳиссиз, масъулиятсиз ҳолга ачиниб қарарди. Не-не умидларда олиб келганди. Қулоғига бир-икки сўз кирар, тавба қилишига сабаб бўлар, дея ўйлаганди.

Бироқ Турсуннинг энг қаттиқ тошларни ҳам парчалайдиган қаттиқ қалбига ҳақ сўзининг кириши шу қадар қийин, имконсиз эдики...

Ҳасан жамоанинг озайганини кўргач, ўрнидан турди.

Кўзи оёқ кийимини излаётган бир одамга тушди. У одамлар дер, оёқ кийимини қўйган жойни кўрсатарди.

Ҳасан пойафзалини кияркан, отасининг оёқ кийими ўз жойида турганини кўрди. Қаттиқ хафа бўлди. Кайфияти тушиб кетди.

Чиққан одамлар ўз оёқ кийимини кийиб кетар, у одам эса бир у ерни, бир бу ерни қидиришда давом этарди.

Икки-уч киши қолганди. Бояги одамга яқинлашди:

– Оёқ кийимингиз йўқми, амаки?

– Алмаштиришибди.

– Ўғирлаган бўлмасинлар?

– Астағфируллоҳ... Сира тахмин қилолмайман ўғирлаган-лигини. Бир англашилмовчилик бўлса керак. Ҳозир фарқи-га бориб қайтариб келади.

Шундан сўнг эшикдан яна бир марта қаради. Келиб-кетувчи йўқ эди.

– Оёқ кийимингиз янгимиди, амаки?

– Бир ҳафта олдин олгандим.

– Аттанг, ёмон бўлибди.

Масжидда қолган бир жуфт пойафзални олди ва оёқ кийими йўқолган одамнинг ёнига бориб:

– Мана, булар меники. Марҳамат, уларни кийиб олинг, – деди.

– Булар менинг пойафзалим эмас.

– Сизники эмаслигини сиздан ҳам яхши биламан. Лекин бошқа чора йўқ.

У Турсуннинг пойафзалини кийди.

Шундан сўнг Ҳасан унга қараб:

– Менга қулоқ соласизми?

– Хўш.

– Дўконимга борайлик. Бир пойафзал бераман. Сигмаса, ўлчаб, бошқа тикаман.

– Қандай бўларкин-а?

– Аллоҳ розилиги учун эътироз этманг.

– Лекин...

– Пайғамбаримизни (с.а.в.) севсангиз.

Оёқ кийимларидан илк танлагани лойиқ келганди. Кийганидан сўнг сўради:

– Қанча беришим керак?..

– Ҳеч қанча, амаки.

– Бўладими, ўғлим?

– Бундан бошқаси бўлмайди?

– Ундай бўлса олмайман.

– Оласиз.

– Фақат қандай бўлади?

– Айтдим-ку бошқа хили сира бўлмайди. Оласиз.

– Менга садақа беряпсанми?

– Йўқ, садақа эмас. Яхши кўрмаганим учун қасам ичма-
япман. Буни ҳадям сифатида қабул қилсангиз, мамнун бўла-
ман. Менга байрам кайфияти бахш этган бўласиз.

– Лекин, ўғлим, ҳали таниш эмасмиз.

– Танишдик, дея ҳисобланг. Бундан кейин кўп танишамиз.

– Унда манави оёқ кийимларни нима қиламиз?

– Қолсин шу ерда. Хоҳласангиз, олиб кетинг.

– Майли, қолсин. Исминим Ҳамди, сеники-чи?

– Ҳасан.

– Раҳмат, Ҳасан, байраминг муборак бўлсин.

– Омон бўлинг. Ҳамди амаки, сизнинг ҳам байрамингиз
муборак бўлсин.

Ҳасан янги дўсти билан хайрлашгандан сўнг, дўконни
қулфлади, уйи томон йўл олди.

Турсун аллақачон уйда эди. Янги ва бегона пойафзал
Ҳасаннинг кўзларида нафрат ўтини чақнатди:

– Кеч қолдинг, Ҳасан.

– Сиз тез қочдингиз, ота.

– Ҳамма билан бирга чиқдим.

– Ота-ўғил биргаликда чиқсак, янада яхши бўларди. Бирга
келардик.

– Ва ҳозиргача қолиб кетган бўлардик.

– Йўқ, ҳозиргача қолиб кетмасдик.

– Тушунолмадим.

– Яъни оёқ кийими ўғирланган бир одам билан шуғул-
ландим.

– Азизим, сенга нима, элнинг пойафзали, унинг-бунинг
дарди сенга қолдими?

– Ҳой, уни отам ўғирлаган бўлса-чи?

Турсуннинг юзи қизармади.

– Бир пойафзал билан нима ҳам бўлардики...

– Мен ҳам бир пойафзалдан нима бўларди, дея унга бир
оёқ кийими ҳады этдим.

– Аҳмоқлик қилибсан. Айтувдим-а, сен ҳеч одам бўл-
майсан, деб.

– У бошқа масала. Бироқ аҳмоқлик қилмаганимга ишона-
ман. Бурчимни бажарганим учун қалбим ҳузур топди. Мен

сизга неча марта оёқ кийими тикишни таклиф қилмадимми, ота? Нима сабабдан бу шармсиз ишга қўл урасиз? Нимага ҳалол ўрнига ҳаромни танлайсиз?

– Қўйсанг-чи, Ҳасан. Инсон оз-оздан егани, кийганининг завқини туйиши керак.

Ҳасан юзсизликнинг бу даражасига қарши ҳеч нарса дея олмади. Муборак кунни заҳар қилган бу одамни «ота» дея кучгиси келмади.

Байрам меҳмондорчилигига отасини қайнотасиникига элтиш кўнглига сиғмади. Лайло ва Лутфуллоҳни олди-ю, кетди. Борди, лекин бир соатдан сўнг эшик тақиллаб, Турсун ичкарига кирди:

– Сен олиб келмасанг ҳам, ўзим сўраб-сўраб топдим, Ҳасан... – деди.

Ҳасан бирор нарса демади. Солиҳбей:

– Нега олиб келмадинг отангни, Ҳасан? – деди.

Ҳасан яна жавоб бера олмади. Қизарган юзи юрагининг чўғдек ёнаётганини англатиб турарди.

Овқат ейилди, қаҳвалар ичилди. Бу орада Турсун баъзан ахлоқ чегарасидан чиқадиган гаплар билан Ҳасанни изза қилди.

Лутфуллоҳ у ёқдан бу ёққа борар, баъзан Солиҳбейга суйкалар, баъзан отасига отиларди. Баъзан у-бу ерни титарди. Шу орада тортган бир китобининг муқовасидан тутиши саҳифаларининг очилишига сабаб бўлди. Ичидан бир-иккита қоғоз тушди. Ҳасан:

– Одобсизлик қилияпсан, Лутфуллоҳ, – дея ўрнидан турди. Китобни олди. Ердаги қоғозларни тўплади. Бироқ кўзи қоғозлардан бирига тушганда, қўллари титради, юзи оқариб кетди, нафаси сиқилиб, ҳаяжондан бўғила бошлади.

Бу титроқ қўл билан ёзилган икки-уч сатрдан иборат, эски, сарғайган бир қоғоз эди. Ҳасаннинг кўзлари ёшланди. Бир неча йиллар аввал ўтган қўрқинчли тун хотираси хаёлида жонланди. Ўлимнинг қучоғигача борганларидан беҳабар ётган инсонларни кўрди...

Отаси томонидан ўлим таҳдиди остида ўғриликка мажбур қилинган бегуноҳ ва толесиз бир болани кўз олдига кел-

тирди. Демак, тунда бир қошиқ қонлари кечилган инсонлар Солиҳбей ва оиласи эди.

– Ҳасан, қўй болани, ўйнасин!

Солиҳбей буларни айтаркан, Ҳасандаги ғайритабиий ҳолатни фаҳмлаганди.

– Нима бўлди, ўғлим?

Ҳасан шошганча фақат қоғозни кўрсатди, бироқ ҳеч нарса деёлмади.

– Ҳа, у қоғозми? Қулоқ сол, унинг бир ҳикояси бор, Ҳасан...

Ҳасанга ўрнига ўтиришни ишора қилгандан сўнг, давом этди.

Тахминан йигирма йилча олдин эди. Бир куни саҳарда одатдагидек ўрнимиздан турдик, намозларимизни ўқидик. Шундан сўнг аёлим ётоқхонасини тартибга келтириш учун кетди. Тезда келавермагач, хавотирланиб чақирдим. Икки дақиқадан сўнг ошхонага кирди. Юзи оқариб кетган. Тушкун бир ҳолда эди.

– Нима гап, Ҳалима, нима бўлди? – дедим.

Жавоб ўрнига мана шу қоғозни менга узатди. Илк сўзлариданоқ тик туриб ўқиёлмаслигимни англадим ва ўтириб ўқидим:

– «Ҳурматли, хоним:

Ифлос рўмолчаларнинг ўрни тортмалар эмас. Бир ўғри сифатида мен ҳам хафа бўлдим. Аллоҳга топширдик, ифлос ва тартибсиз хотин».

«Изоҳ: Ҳаётингиз сира қимирламасдан ухлашингизга бағишланган экан. Йўқса...»

Буни ўқиган пайтимда менинг ҳам рангим бўзариб кетди. Юрагимнинг ураётганини қулоқларим билан эшитаётгандек эдим.

– Демак... – дедим. Аёлим қўшимча қилди:

– Демак, уйга ўғри кирибди...

Шундан сўнг биргаликда бордик. Тортмадаги вазиятни яна бир марта кўздан кечирдик. Жавоҳирларнинг, маржоннинг ўз жойида турганини, рўмолчанинг бунинг устига қўйилганини, бу ёзув нима учун ёзилганини сира тушунмадик.

Уйда айрим нарсаларнинг камайганини эҳтиёж сезганимизда, излаган пайтимиз топа олмаганимизда билиб, ўша тундаги ғалати ўғри билан бирга кетганлигини тахмин қилар эдик.

Солиҳбей бу воқеаларни тушунтираётганда пешонасидан совуқ тер чиқиб, ернинг тагига кириб кетишга рози бўлиб турган Ҳасан ора-сира қизиқарли бир эртақ тинглаётгандек завқланаётган Турсунга қарар, тусини ўзгартирмай туришига ҳайрон қоларди.

Солиҳбей тушунтираётганда асосан Турсунга қараган ҳолда ўша кунларни ҳикоя қилмаганда, аллақачон Ҳасаннинг ҳолидан нималарнидир англар, нималарнидир сезарди.

– Ўша куни оқшомга қадар бу масалани роса ўйладим. Лекин ечимини тополмадим. Демак, биз ухлаётганда бошимизда айланиб юрган «ҳурматли» ўғри ухлаб ётганимиз учун бир қошиқ қонимиздан кечган экан-да. Хўш, унда қайси ҳақ, қайси салоҳият, қайси виждон уни менинг уйимга таклифсиз киргиза олибди? Ажабо, бу нозик ўғри аини ҳаракат ўзига қилинишини қандай қаршиларди? «Аввал пичоқни ўзингга ур, оғримаса, бировга ур», деган ҳикматни ҳеч эшитганмикин?

Ўтмишни ўйладим. Туркнинг шарафли ўтмишини... Туркни турк қилган фазилатлари, уни жаҳоннинг фозили қилган, ахлоқ ва фазилат тимсоли ҳолига келтирган турклик шахсиятини эсладим.

Бу минг йиллик мозийда ўғрилиқнинг ҳиди ҳам йўқ эди. Қаҳрамонлик, фидокорлик, йигитлик ва мардлик бор эди. Бошқа бировнинг молини ҳам ўз моли каби қўриқлаганлар, ҳатто бу йўлда жонларини фидо қилганлар ҳақида унутилмас дostonлар мавжуд эди.

Бошқанинг моли, жони ва номусига тикилган бир турк кўзини тарих ҳеч кўрган эмас.

Миллатимиз ўз душманининг ҳақиғага ҳам самимий муносабатда бўлиши билан танилган бир миллат эди. Ўзгаларнинг топталган номусини ҳимоя қила билиши, ҳатто душманининг ҳам ҳақини олишида ёрдамчи бўлиш йўлида

кўрсатган қаҳрамонона ҳаракатлар, асл муносабатлар билан тўла эди тарих.

Шундан келиб чиқиб мулоҳаза юритганимда, бир туркнинг ўғри бўлиши ёки бир ўғрининг турк бўлишидек имконсиз ва жирканч бир ҳолатни кўрмадим.

Итларга ҳам шафқат ва марҳаматли муносабатда бўлиши билан ном қозонган, ҳайвонлар қаровига махсус эътибор берган бир миллатнинг фарзанди қандай қилиб ўғирлик қилиши мумкин?

Турк миллатининг фарзанди йиллар давомида пешона тери билан топганини мусулмон биродарларининг фойдаланиши учун Аллоҳ йўлида харжлаган, масжидлар қурдирган, кўприклар ясаган, қудуқлар қаздирган, карвонсаройлар бино қилдиргандир.

Қурдирган карвонсаройларида юз йиллардан сўнг улови билан қўнадиган бир йўловчининг улови роҳатини ўйлаб борлиғидан марҳамат ёғилган бир миллатнинг фарзанди ўғирлик қилармиди?

Европани тиз чўктирган қонуний Султон Сулаймон бир сафарида отини душман экинига қўйвориб ўтлатгани учун ўз аскарини дарҳол қатл эттирганди. Бошқа сафар эса, тўхтаган боғларидан узилган узумнинг баҳосини ортиғи билан тўлаганлиги дунёга ёйилганди.

Энди бу ўғри шундай шарафли ном қолдирган улуғларнинг невараси бўлишга лойиқми? Минг марта йўқ!

Улуғ Пайғамбар (с.а.в.) бир куни:

«Мусулмонларнинг энг хайрлиси ким?» деган саволга шундай жавоб бергандилар:

– Шундай кишидирки, инсонлар унинг тилидан ва қўлидан зиён кўрмайди ва беҳузур бўлмайди.

Бир ўринда фақат мусулмонларга эмас, ҳатто мусулмон бўлмаган бошқа одамларга ҳам зарар етказмаслик, уларни хафа қилмасликни ҳам таъкидлаган эди Пайғамбаримиз (с.а.в.):

«Мўмин хушмуомала, у билан хушмуомалада бўлиш мумкин бўлган кишидир. Муомаласи ёмон кишида хайр йўқдир.

Ҳар бир киши ўзи учун раво кўрган нарсани мўмин биродарига ҳам раво кўрмагунча, иймони мукамал бўлмайди», деганлар.

Ҳолбуки, бу ўғри улуғ Пайғамбар (с.а.в.) таъриф берган мусулмонлик қоидаларининг бирортасига бўйсунмагани. Хўш, у ҳақда нима дейиши мумкин?

Намозлардан кейин ўқийдиган дуолардан бирининг маъносини эсладим: «Эй Раббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтганларни афв эт, иймон келтирган кишилар учун қалбимизда бирор гина ва ёмон туйғу қолдирма. Эй Аллоҳим, Сен, ҳеч шубҳа йўқки, энг кечирувчи ва энг марҳаматлисан».

Мусулмон киши дин биродарига ёмонликни раво кўрмайди, ҳатто ўтганларнинг кечирилишини ўзига бир дард, дея билади, тирик мўминлар ҳақида эзгу дуолар қилади, яхшилик истайди.

Ўша пайтларда ўғри ҳақида бериладиган ҳукми Аллоҳга ҳавола қилиш, уни Унинг ихтиёрига топширишдан ўзга қутилиш йўли йўқ эди.

Ислом тарихи ёритилган манқабаларни кўздан кечирдим. Аллоҳнинг суюкли бандаларининг ҳолатларини, инсонларга бўлган муносабатларини кўз олдимга келтирдим.

Уларда бундай ёмон ахлоқдан асар ҳам йўқ эди. Бошқа бировнинг молига кўз тикиш у ёқда турсин, ўз мол-дунёларини бошқаларга тарқатмагунча таскин топишмагани. Тарқатганда ҳам энг сеvimли, энг хуш кўрадиган молларини тарқатишарди. Чунки Аллоҳ таоло:

«Севган молларингиздан Аллоҳ йўлида сарфламагунингизча ҳақиқий хайрга эриша олмайсиз. Хайр сифатида нимани харжласангиз, ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ уни билади», дея буюрган. Бир яхшилик эвазига энг камида ўн баравар қайтаришини ваъда қилган.

Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканига ишонган инсонлар ҳам ўшандай яхши ахлоқли бўлади, яъни ўғри бўлмайди.

Чанқаган бир итга сув берган фоҳишанинг кечирилганлиги ва жаннати бўлганлигини, бир мушукни ўлгунча бир жойда боғлаб оч ва сувсиз қолдириб, ўлимига сабабчи

бўлган бир аёлнинг эса жаҳаннамга киришини, ҳайвонларга қилинган яхшилик ёки ёмонлик учун ҳам инсонни жаннатига ёки дўзага қила олишини билувчи Пайғамбарнинг (с.а.в.) уммати ўғирликка қандай қўл уради, инсонларни хонавайрон қилишга қандай рози бўлади?

* * *

Солиҳбей гапини тугатган пайтида Ҳасаннинг вужуди шалаббо бўлган, кийими баданига ёпишиб қолганди. Турсун ҳамон тамаки бурқситар, хурсандлигидан осмонларда учаётганди.

– Фақат йигирма йилдан буён ҳамон изоҳини топа олмаган нарсамиз: бизга тегишли бўлмаган рўмолчанинг жавоҳирларнинг устига қўйилганлиги... Мана шу қоғозни ҳам ўша рўмолчанинг устидан топгандик.

Ўша одам ўғри бўлса, нега жавоҳирларни олмади, нимага уларнинг устини рўмолчаси билан ёпди, нечун бу ёзувни ёзди?..

Турсун гапга аралашди:

– Ўша одамнинг ўғри эканлиги тўғри, лекин ўғрининг сони бир эмас, иккита бўлиши керак. Демак, иккинчиси ўғрига шерик бўлишга розилик билдирмаган. Хуллас, фалокат бошингиздан осон ариган экан.

– Ҳа, осон қутулдик.

– Ундай бўлса, келтир қаҳваларни!

– Ҳасан, чойга қара, ўғлим.

– Қаҳва бўлсин, Ҳасан!

Ҳасан яна бир разолатнинг рўй бермаслиги учун бироз олдин йўлга чиқишни хоҳлар, Турсун эса ҳали барвақт эканлигини айтганча, эътироз билдирарди. Солиҳбей бунақа муаммога илк марта учраётган эди.

Турсун Ҳасаннинг барча таклифларини натижасиз қолдирди. Суҳбатнинг ширин бўлаётганлигини, қайнотасидан жуда хурсанд эканини айтиб, сира ўрnidан туришга рози бўлмади.

– Мулла ака, ўша пайт ҳам уйингиз шу ермиди?

– Йўқ, у пайт ижарада эдик. Шундан кейин топган-тутганимизни бу уйга сарфладик.

– Яхши қилибсиз. Бошқа фарзандингиз йўқ, шундайми?

– Ҳа, биргина келинингиз бор.

– Жуда яхши.

Бу орада Солиҳбей ташқарига чиқди. Ҳасан:

– Ота, бўлди, кетдик энди. Уят бўлади, – деди.

– Бор, ишингни қил. Нимаси уят? Бу ер ўғлимнинг уйи эмасми? Кўнглим қанча истаса, ўшанча ўтираман.

– Илтимос қиламан, ота!

– Гапни чўзма. Сен хоҳлаган пайтинг кетишинг мумкин.

Мен бу кеча шу ерда ётаман.

– Лекин бу бўлмайди.

– Нима бўлмас экан?! Бўлганда қандоқ!

– Сизни бу ерда қолдирмайман. Дунё чаппа-роста бўлса ҳам қолдирмайман.

– Азизим, сенга нима бўляпти? Мен қудамнинг уйида қолмайманми?

– Қололмайсиз.

– Сенга нима бўляпти ўзи?

– Нимага ҳеч нарса бўлмас экан? Бу ерда отангизга савобини бағишлаш учун қоласизми? Худо биледи, қанақа ёмонликларни ўйлаяпсиз.

– Ҳеч қандай ёмонликни ўйламаяпман. Нимани ўйлашим мумкин? Кимга қандай ёмонликни раво кўргандимки...

– Ота, эски хотираларни эслашга ҳожат йўқ. Ҳозир энг янгиси – топган шу қоғозимиз. Қарасам, юзингиз сира қизаргани йўқ.

– Нимага қизариш керак? Бир қошиқ қонларидан кечиш ҳам гуноҳ ҳисобланадими? Қўлларимни, ҳатто оёқларимни ўпсалар ҳам қарзларини тўлолмайдилар. Шу пайтда суякларни чириганига йигирма йил бўларди. Болалари етим қоларди. Буларнинг эвазига яхшиликни биладиган хилидан бўлишса, ҳеч бўлмаса, қуруқ бир раҳматларини қизганишармиди.

Қара, ўша тундаги одобсизлигинг сабабини энди сўрайман. Демак, ўша кеча қўлимни қуруқ қайтарган сен экансан-да. Қилган аҳмоқлигинг камми, дейман?

– Ота, бироз бўлса-да, инсофлироқ бўлолмайсизми?

– Сенинг отангдан ҳам инсофли бўлган ким бор дейсан?
– Афсус, жуда афсус!..
– Қулоқ сол. Сенга янги бир таклиф бор. Менга уч минг лира топиб беришга сўз берсанг, бу ерда қолмайман.
– Нима қиласиз уч минг лирани?
– Кейин айтаман.
– Топа олмайман.
– Қўлингга бир қулай пайт тушди. Қадрла бу вақтни.
– Қанақа вақт бу?
– Кейин айтаман дедим-ку!
– Тополмайман, бир тийин ҳам тополмайман.
– Майли, икки минг беш юз бўлсин.
– Топа олмаслигимни айтдим.
– Бой қиламан сени. Бир кунда бадавлат бўламиз.
– Тўғри, унча тушуна олмадим? Қиморга борасизми?
– Тушунмайдиган одам. Биласанки, сир ҳар жойда ҳам айтилавермайди. Шу қайнотанг ўлса, ҳамма нарса сенга қолади. Биргина қизи бор экан.

Ҳасан қулоқларигача қизариб кетди:

– Ҳеч ачиниш ҳисси йўқми сизда, ота? Бирор инсоний туйғу йўқми сизда? Икки минг беш юз лира бериб, бир инсонни ўлдиртирмоқчимисиз? Ундан сўнг меросини олган ўғил ҳам бирор фалокатнинг қурбони бўлади. Натижада бизнинг падарбузрукворимиз бутун мулкнинг соҳиби бўлади... Кулини кўкка совуради... Бироз бўлса-да, уялсангиз нима бўлади...

– Хўш, ўлим Аллоҳнинг амри эмасми? Бу одам дунёга устун бўлиб қоладими?

– Тушунишимча, Аллоҳнинг амрига жуда ҳавасмандсиз. Одам ўлдириш Аллоҳнинг амрими?

– Ҳасан, бу одам дунёга устун бўлиб қолармиди?

Солиҳбейнинг эшикка яқинлашганини билдирган оёқ товушлари гапларни бўлди.

– Узр сўрайман, сизни ёлғиз қолдирдим.

– Зарари йўқ. Ота-ўғил гаплашдик.

Ўн беш дақиқадан сўнг Ҳасан тўртинчи марта кетиш таклифини қилганда, Турсун унга рухсат берди:

– Бўпти, Ҳасан, сизлар бораверинглар. Мен бу кеча Солиҳбейнинг меҳмониман. Жуда мамнун бўлдим Солиҳбейдан.

Солиҳбей томдан тараша тушгандек айтилган таклифга нима дея оларди!?

– Албатта, албатта... Бу ер сизнинг ҳам уйингиздир.

Ҳасан эътироз билдирди:

– Бўлмайди, ота. Бирга кетамиз.

– Отанг қолсин, ўғлим. Нима зарари бор?

– Сиз қистаманг, отам кетади.

– Нима учун?

– Ўзида ишим бор.

Шундан сўнг Турсуннинг қўлидан ушлади:

– Кетдик, ота!..

Солиҳбей жуда завқли бир ҳолатни кузатаётганди. Ҳасан отасининг қўлидан тортиб, турғизишга ҳаракат қилар, Турсун эса қайсар эчкидек оёқ тираб, ерга михлангандек ёпишиб олиб, туришни хоҳламасди. Ниҳоят баҳс Ҳасаннинг муваффақияти билан тугади. Турсун уй эгасининг қистови ила қилинган бир таклифни бажара олмагандек:

– Кейинги сафар қоламиз, иншааллоҳ, айбга буюрманг, дея оёқ кийимини кийди.

Меҳмонлар кетишди. Солиҳбей аёлига фикрини айтди:

– Ҳалима, Ҳасан билан отасини сира бир-бирига ўхшата олмадим... Бири – гул, бири – тикан...

* * *

Ҳасан отасини базўр уйга олиб келди. Ўзидан катта одамга ким нима дея олади?

Лайло хоним йўқ пайтида Ҳасан шундай деди:

– Энг қийин шартлар билан фарзандлик бурчимни бажаришга ҳаракат қилаётганимни кўриб турибсиз. Бироқ меннинг шарофатим билан ўйин кўрсатишга ҳақингиз йўқ.

Ўша кунги разолатингиз тарбия даражамизни жуда ҳам очик кўрсатди. Бундан сўнг мендан рухсатсиз у ерга бормайсиз. Йўқса, вазият ёмон бўлади. Балки ўзимни бошқара олмасман.

Турсун бу гапларга қарши овоз чиқармади. Ким билади, нимани ўйлаётганди!?

Отаси келганидан буён Ҳасаннинг тили қисилди. Бир куни Лайло:

«Ҳасан, гоҳ-гоҳ нимадир уйда йўқоладими, излаганимда топа олмайман», деганидан ернинг тагига кириб кетгудек уялганди. Аммо ҳар иккови ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса дея олмади.

Ҳасан Лайлонинг бу гапини эшитиб, нима қилишни билмай, шошиб қолди. Ямоқ жойлар бирдан сўкилиб кетар, бир тешик ёпиларкан, бошқа бир нечаси бирдан очилиб қолар эди. Кошки отаси гапга тушунса, унга ҳолатни айтса, инсофга келса.

Ёмон ўйлар Ҳасанни шу даражада ўраб олдики, энди у бошини сира кўтариб юролмайдиган бўлди. Ўйчан келиш, ўйчан кетиш, кулмаслик ва кула олмаслик унинг одатларига айлана бошлади.

Ҳеч кимга дардини айтолмас, отамнинг ўғрилиги мени шу куйга солди, дея олмасди.

Калаванинг учини йўқотиб қўйганди. Тегинса, портлайдиган ҳолда эди. Дунёнинг шу қадар тор, шу қадар ғамгинлигини сўнгги бир неча ойгача билмаган эди. Юксак ва бепоён осмонлар гўё бошига тегиб, оғирлигини ташлаётгандек эди.

Кўзлари доимо ҳорғин, юзи доимо хавотирга солувчи ўйчан, оғзига талқон солиб олгандек жим эди у. Кўпинча айтилган гапларни тушунмас, уларни икки, ҳатто уч марта такрорлаш керак бўларди.

Уста Комил унинг аҳволидан хавотирланаётган эди. Ориф хожа вазиятни надомат билан кузатарди. Бир неча марта у билан гаплашишни хоҳлади, лекин Ҳасан гапирмасликни маъқул кўриб: «кейин гаплашайлик», дея масалага чек қўйди.

Дўконда кайфиятсиз, уйда қовоғи солиқ, қаҳвахоналарда ўйчан... Бир неча ҳафтадан бери Лайло ва Солиҳбей, уста Комил ва Ориф хожа безовта эди. «Иродасизлик қилиб қўйсачи...» деган фикр уста Комил ва Ориф хожани Ҳасан ўтирган қаҳвахоналарни узоқдан кузатишга мажбур қилганди, у

уйига кетгандан сўнг ўзлари ҳам уйларига қайтишни одат қилишганди.

Бу ҳолатдан таъсирланмаган, ҳамон ўзининг эски қўшигини куйлаётган, ўзига таниш ҳаводан нафас олаётган биргина киши – Турсун.

Вазиятни бироз яқиндан назорат қилиш учун уста Комилнинг аёли Лайлонинг олдиғача келган, хавотирларини айтганди. Лайло эса:

– Отасидан бошқа бирор сабабни билмайман. Унга бирор нарса демайди. У ҳам аҳволимни тушунадигандек эмас... деганди. Ота-боланинг жиддий баҳсларидан Лайлонинг хабари йўқ эди.

Ҳасан бир душанба оқшоми қаерга боришни билмай бир қаҳвахонага кириб, соатлаб хаёлот оламига шўнғиб кетганди.

Қаҳвахонада мижоз қолмагач, турди. Вазмин, ўйчан ҳолда уйига йўналди. Бир кўчанинг бурчагидан энди буриланман деганида, тормоз босган бир таксига тўқнаш келди. Таксининг тагига тушиб, эзилиб кетишига оз қолди.

Бошини ҳам кўтармади. Ҳеч нарса бўлмагандек ёнидан ўтиб кетди. Фақат ҳайдовчи бошини чиқарганча ҳақорат қилиб қолди. Ҳасан қулоқларига чалинган ҳақоратдан орқасига қаради.

– Эй, аҳмоқ, сенмидинг Ҳасан?! Мажақлансанг одам бўлардинг. Шунингдек, сен эканингни билганимда...

– Нима қилардинг?

– Тўхтатмасдим машинани. Бир ўғри насли камаярди.

Ҳасан диққат билан қарагач, ҳайдовчини таниди. Ўрта мактабдаги синфдош ўртоғи Ҳоқон... «Ўғри насли» сўзини эшитгандан сўнг қони қайнаб кетди. Тентак бўлиб қолмадимми, дея ўйлаб кўрди. Ҳали ақли жойида эди. Бутун тушкунлигини енгиб, иродасини йиғиб олди.

– Ҳоқон. Кетавер йўлингга. Кечирдим сени, – деди.

Аҳмоқона қаҳ-қаҳа, ўқдек овоз Ҳасаннинг қулоғини қоматга келтирди.

– Ўғри насллари қачондан бери кечиришни бошлабдилар.

Ҳасан бундан кейин ўзини тута олмаслигини тушунди:

– Пасга туша оласанми? Зеро, сен билан эски ҳисоб-ки-тобимиз бор!

– Жоним билан...

Ярим маст ҳолда бўлган Ҳоқон бу таклифга, албатта, бефарқ бўлолмас, ундан юз ўгириб кетолмасди. Шу заҳоти машинани тўхтатиб тушди.

Жанжалнинг бошланишига: узундан-узоқ айтишувга ҳожат йўқ эди. Барча нарса тайёр ҳолда эди. Шу сабабдан, икки рақиб бир-бирининг устига отилди.

Шапалоқ, мушт, тепки, ҳақорат – жанжал бошланди. Ҳасан бир неча йилдан буён йиғиб юрган аламини олиш учун урар, Ҳоқон эса уни майдонга таклиф қилишга журъат этган ўрта мактабдаги заиф Ҳасаннинг попугини пасайтириб қўйиш учун бутун кучини сарфларди.

Ҳасан ҳеч қачон бунчалик кучлилигини эслолмаганди. Балки ақлидан озадиган даражада жаҳл отига миниш уни шу ҳолга келтирганди. Беш дақиқадан сўнг ғолиб келишига ишончи орта бошлади. Юзи, кўзи қон ичида қолган Ҳоқон энди ура олмас, ўзини ҳимоя қилиш йўлларини изларди.

Ҳолбуки, Ҳасанда ҳали ҳам куч бор эди. Ўрта мактабдан бери юрагини ёндирган қасос ўтининг алами билан урар, тинмай урарди. Шундай пайт келдики, Ҳоқон ўзини ҳимоя қилишга ҳам дармони қолмади.

Яхшигина дўппослаганига ишонган Ҳасан уни машина томон судради. Ёқаси ҳамон қўлида эди.

– Шунини яхши билки, Ҳоқон, мен ўғрининг боласи бўлсамда ўғри эмасман. Бойнинг ўғли бўлмасам ҳам бу айб саналмайди. Ҳозирча хайрлашамиз. Шикоят қилмоқчи бўлсанг, дўконимни биласан. Яна муштлашишни истаб қолсанг, мен тайёрман.

Ҳасан кетди.

Неча йиллардан бери қалбининг туб-тубида яширинган, эслаганда янгиланган орзуси кутилмаган бир пайтда ҳақиқатга айланди. Бу зафарнинг берган сархушлиги ичида юраверарди, юраверарди... Уйининг эшигидан кираркан, тўхтади.

Пушаймон бўлганди:

Нафсининг хоҳишидан бошқа бир нарсага хизмат қилмаганди.

Лекин тан олиш керакки, Ҳоқон билан уришаётган паллада буларни ўйлашнинг иложи йўқ эди. Ўша пайтдаги Ҳасандан фақат шу кутиларди.

«Мен қилмаслигим керак эди, аммо у ҳам муносиб жазосини олди», деди ва ичкарига кирди.

Ҳоқон машинага минди ва тезда ҳайдаб кетди.

Ҳоқон калтак, мастлик ва ҳирс паришон қилган кайфиятда машина ҳайдаркан, иккинчи бир фалокат қурбони билан тўқнашди. Лекин бу сафар вақтида тўхташнинг иложини тополмади. Йўловчи машина урилиш зарбидан ерга йиқилиб, бир лаҳзада ҳушидан кетди.

Ҳоқон бир зумда ўзига келди. Таксини орқага олди. Дарҳол кўздан ғойиб бўлди. Йўловчи ҳамон у ерда ётарди. Ҳали ўлмаганди.

Бир неча дақиқадан сўнг йўлдан ўтиб кетаётган бир киши ерда ётган одамни кўрди, у маст эди. Турғизишга уринганида қўлларининг ҳўл бўлганини сизди. Қараса, қон экан. Ётган одам инграрди. Келган кишининг ёрдами билан зўрға оёққа турди.

Бир неча жойидан жароҳатланганди. Ёрдам қилинса, юра оларди. Зўрға, инграганча уйига томон судрала бошлади.

Ҳасан тун ярмида тақиллаган эшикни очди. Рўпарасида отамни кўрди. Бир одамга суяниб турарди. Афтода бир ҳолда. Бояги киши икки оғиз гап билан ҳолатни тушунтиргач, кетди.

Турсун ўзини аллақандай бир машина урганини биларди. Машинанинг рангги, шакли, ҳайдовчиси ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Ҳасаннинг миясидан Ҳоқон ўтди. «Ажабо!» Удир ёки у эмасдир?!

Касалхонага бориш таклифини Турсун рад этди. Мажбуран уйда даволашга тўғри келди. Жароҳат учун зарурий дориларни ва маълумотномани навбатчи дорихонадан олиб келди.

Битта-биттадан яралар боғланди. Турсун касаллик тўша-
гига михланди. Ухлашдан олдин уриб кетган ҳайдовчини
ҳақоратлади.

Инграр, инграган сари сўкинарди.

Соатлаб давом этган инграш ва сўкиниш тонгга яқин
тўхтади; Турсун ухлаб қолди...

* * *

Ҳасан эртаси куни ўзини миршаб маҳкамасига чақиради-
ган бир ходимни кутди. Бироқ ҳеч ким келмади. Иккинчи,
учинчи ва бир неча кун ўтди. Қидирувчи, сўровчи йўқ эди.

Турсун уйда ётарди. Ҳасан кечалари унинг яраларини
боғлар, даволаш учун ҳаракат қилар эди.

Ўн беш кунга яқин ётган ва бирор жойга чиқмаган Турсун
бир кеча Ҳасанга ўзини юргизишини таклиф қилди. Ҳасан
аҳволининг яхши эмаслигини эслатса ҳам бўлмади. Биргаликда
чиқдилар. Тунгги соат ўн яримда кўчага қадам қўйишди.

Бироз айландилар. Турсун чарчади. Ҳасан уни кўтариб
олди. Озроқ юрди.

– Ҳасан!

– Лаббай, ота.

– Шу томонга юр.

Ҳасан отаси ишора қилган деворга яқинлашди. Бир си-
мёғочга осилиб, юқорига чиққан Турсун деворнинг устига
шапкасини жойлаштириб қўйди.

– Сен юр.

– Шапка у ерда қолади-ку!?

– Қани, Ҳасан мени кўтар.

Ҳасан юрди. Йигирма беш-ўттиз қадам қўйди.

– Ҳасан, мени ерга тушир.

Ҳасан туширди.

– Сен бир четда тура-тур.

– Нима бўлади?

– У ёғига аралашма.

Ҳасан хавотир билан орқага чекинди. Турсун бирдан бур-
чакка юрди. Деворнинг тагидан судрала-судрала олдинга
борди.

Ниҳоят симёғочнинг ёнига етди ва атрофга бир кўз югуртирди. Шундан сўнг симёғочга тирмашди, чўзилди, шапкани олди. Лекин шу пайт мувозанатини йўқотди ва ерга чалпақдек ёпишиб қолди.

Ҳасан югуриб борди. Турсун аянчли аҳволда эди. Нафаси бўғилаётгандек эди.

– Ота, ота...

Турсун кўзларини очди. Кулимсирагандек бўлди.

– Уддаладим, кўрдинг-а?.. – деди.

Шундан сўнг боши бир томонга «шилқ» этиб тушди. Икки марта нафас олди. Учинчи ва чуқур бир нафас унинг ҳаётига нуқта қўйди. Бир лаҳзадан сўнг кўчада фақатгина Ҳасан бор эди. Ёнидаги эса жасаддан бошқа нарса эмасди. Ҳасан шоша-пиша Турсуннинг қулоғига эгилди:

– Аллоҳ, Аллоҳ... – дея бақирди. Яна, яна бақирди. Садо йўқ эди.

Турсуннинг қалби ҳам, қулоғи ҳам умр бўйи бу сўзни қабул қилмади. Ўлгандан сўнг қулоғига бақирининг фойдаси йўқ эди.

Бир зум нима қилишини билмади Ҳасан. Бир неча марта жасадни туртди. Жавоб йўқ эди. Томирини ушлаб кўрди – урмаётганди.

Бироз шу ҳолда қолди. Нима қилиш кераклигига ақли етмади. Оний бир қарор билан жасадга яқинлашди. Елкасига кўтариб кетишни ўйлади. Бироқ уддалай олмади. Яна уринди. Зўрға турғизиб, елкасига олди. Жуда оғир эди. Гўё бироз олдин кўтариб юрган отаси эмасди у.

Уйнинг эшигини қоқаркан, ўтиб кетган бир такси ҳушини ўзига келтирди. Нимага бирор такси тўхтатмаганлигини ўйлаб афсусланди.

Лайло бир қарашдаёқ ичкарига кирган Ҳасаннинг елкасида осилиб турган отасининг ўлганлигини сизди. Соғ одам бундай келтирилмасди.

Ҳасан отасининг ортидан узоқ йиғлади. Лекин бу йиғлаш отадан айрилиш йиғиси эмасди. Отасининг ўлимига йиғламаётганди. Фақат отаси тавба қилмасдан кетди. Илоҳий ёзувлар уни сўнгги нафасигача касбига содиқ қолган бир ўғри сифатида намоён қилганди.

Фарзанди ёқтирмаган одамни ким ёқтиради? Шунча йилдан буён бирорта ҳам яхшилиги маълум бўлмаган бир одам сифатида дафтари ёпилгани учун йиғлаётганди Ҳасан.

Ориф хожа билан қабристондан қайтаётганда Ҳасан:

– Хожам, отам гуноҳи кўп бир одам эди. Шахсан мен бирор яхшилик қилганини билмайман. Ажабо, кечирилиш имкони бормикан? – дея сўради.

– Ҳасан, дўконга борайлик.

Дўконга бориб ўтирдилар.

– Ўғлим, – дея сўз бошлади Ориф хожа, – Аллоҳ таолонинг авфи, марҳамати жуда кенг. Уни инсон ақли билан ўлчашнинг имкони йўқ. Унинг раҳмати ҳар нарсани қоплаган, чек-чегараси йўқ.

Шуни ишонч билан айта оламанки, Ҳазрати Одам Атодан энг сўнгги ўлган кишига боргунча бутун инсонларнинг қиладиган гуноҳларининг ҳаммаси Аллоҳнинг раҳмат ва мағфирати қаршисида уммондан бир томчини ҳам ташкил этмайди.

Фақат раҳматга талабгор бўлиш, Аллоҳга яқинлашиш, гуноҳларни кечиритиш учун ёлвориш лозим. Агар отанг иймони билан кетган бўлса, натижаси Аллоҳга боғлиқ. Истаса кечиради, истаса азоб беради.

Бироқ иймони йўқ бўлса, у ҳолда аҳволи ёмон. Шундай бўлса, орқасидан қиладиган дуоларинг ҳам фойда бермайди. Лекин иймони билан кетган кимсага фарзанд дуоси катта фойда беради.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай буюрадилар: инсон ўлганда амали кесилади. Дафтارينинг остига чизилади, фақат уч нарса орқали давомли тарзда савоб келади.

Масжид, кўприк, чашма каби Ҳақ ризолиги учун қурдирган нарсалари. Инсонлар фойдалана оладиган илмлари. Орқасидан дуо қила оладиган солиҳ фарзанди.

Мана шулар сабабли инсон ўлимидан кейин унга савоб етади. Вафот этганида савоби оз бўлган кишининг шулар туфайли савоби кўпайиши ва ҳузур Илоҳийда ўзини қутқариши мумкин.

Дунёда ёвузлик ва фасод уруғини экканларнинг аҳволи ёмон. Улар қолдирган фасод йўлидан юрилгани сари аҳволлари баттар ёмонлаша бошлайди.

Ҳасан ўйлади, қайта-қайта ўйлади. Турсуннинг яхшилиги ҳақида бирорта мисол топиш учун миясини беҳуда чарчатди. Охири таслим бўлди.

Ичидан бир «оҳ» чиқди... Кўзлари ёшланди. Йиғлади. Бирор яхшилик қолдирмай кетган бир отанинг фарзанди бўлиш аламини ҳис қилиб йиғлади. Бу орада шу гапни пичирлади:

– Ота, бечора ота, бизни куйдирдингиз, ўзингиз ҳам куйдингиз..!

«Қабр ё жаннат боғчаларидан бир боғча, ё жаҳаннам чуқурларидан бир чуқурдир» ҳадисини, Аллоҳ билади, неча марта ўқиган ўғлини отаси ҳикоялар билан машғул бўлгани учун койиган, бундай сўзларга қулоқ солгани учун уни сўфиликда айблаганди.

Ҳолбуки, бу ҳадиснинг тўғрилиги учун бугун гувоҳ қидирилса, Турсун биринчи қатордан жой оларди.

Аммо энди фишт қолипдан кўчган, руҳ танани тарк этганди.

ХШ

Орадан уч ой вақт ўтди. Бу орада Ҳасаннинг аҳволи яна яхшиланди. Яна аввалигидек хушчақчақ, хушмуомала ҳолига қайтди. Атрофидагиларга бўлган ҳалол ва самимий муносабати орқали яна ҳурмат орттира бошлади. Энди пешонасида уни айблайдиган, азоб берадиган ота йўқ эди.

Бир куни тушдан сўнг дўконга бораётганди. Соат минорасидан Улуғ Масжид томон тезлик билан келаётган бир фойтун зарбидан базўр қутулган қарияни кўрди.

Ҳасан қарияга қаради – Лутфуллоҳ амаки. Файтунни ҳайдаётган ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги ўспирин оғзидаги тамакисини ташлади, сўнг қарияни қаттиқ ҳақорат қилди.

Нафсини қондиrolмади, шекилли, иккинчи марта бақирди. Бу сўкинишларга Лутфуллоҳ амакининг аёли қўшилди.

Бу ҳақоратлар Ҳасаннинг қонини қайнатди, миясига урди. Ақлини остин-устун қилди. Кўзлари қонга тўлди. Масъулиятсиз бир ўспириннинг заиф бир қария ва унинг марҳум аёлини ноҳақ ҳақорат қилиши уни ортга қайтарди, файтуннинг оргидан ўқдек отилди:

– Файтун... Файтун..!

Ўспирин отларни тўхтатди. Ҳасан бир ҳамлада файтунга чиқиб олди:

– Қаёққа борамиз, оға?

– Ҳайдайвер, ҳали тушунтираман.

Отлар яна югура бошлашди. Усмон кўчаси бўйлаб шаҳарнинг ташқарисига бор тезлиги билан кетаётганди.

Ниҳоят шаҳардан чиқдилар. Ҳасан гапирди:

– Чапга бур!

Чапга бурилдилар. Икки дақиқадан сўнг хўжалик мозорининг олдида эдилар.

– Тўхта шу ерда!

Отлар тўхтади. Ҳасан тушди.

– Қани, сакра пастга!

Ўспирин нима қилишини билолмай пастга тушди. Яқин атрофда файтунга ортиладиган бирор нарса йўқ. Ҳасан унга бир қабрни кўрсатди.

– Мана шу ерда.

– Ким?

– Бироз олдин сен ҳақорат қилган қариянинг аёли.

– Шу ерда бўлса нима қилай?

– Бозор ўртасида бақириб-бақириб нимани айтган бўлсанг, ўшани қил!

Ҳасаннинг кўзларидан пишқирган олов ўспиринни титратди:

– Сизга нима алоқаси бор?

– Қария менинг отам бўлса нима қилай?

Шундан сўнг унинг қўлидан ушлаб қабр томон судради:
– Қани, бироз олдингни хоҳишингни ҳақиқатга айлан-
тир.

Ўспирин иккинчи марта титради:

– Ҳазиллашманг мен билан, оға!

– Яъни, жиддий бўлишни хоҳлаяпсан, шундайми?

– Ҳа.

– Бўпти, модомики жиддийликни хоҳлаётган экансан бу
масала осон.

Сўзларини тугатиши билан ўспириннинг бошига кетма-
кет икки мушт тушди.

Кўзларидан ўт чақнаб кетди. Гавдаси силкинди. Яна шу
шаклда икки мушт ёғилди. Кейин нима бўлаётганини тушун-
масдан ўзини ерда ётган ҳолда кўрган ўспирин ёлворишни
бошлади.

– Урманг, оға, тавба қилдим, бошқа сўкмайман...

Туширган тўрт мушти билан муродининг ҳосил бўлган-
ини кўрган Ҳасан оёқларининг остида ётган ўспиринга
буюрди.

– Тур, ўрнингдан.

Ўспирин турди.

– Хоҳлайсанми яна бир марта куч синашамиз?

– Кечиринг, оға... Бу охиргиси бўлади, Аллоҳ ҳақ, охир-
гиси бўлади.

– Майли, ундай бўлса сен ҳақорат қилган аёлга бир дуои
фотиҳа ўқи.

– Мен дуои фотиҳа ўқишни билмайман.

– Шунча ҳақорат ўрнига бир фотиҳа ўқишни ўргансанг
нимани йўқотардинг? Уялмайсанми, теракдек бўйингдан?

– Ким ўргатсин, оға?

– Ҳақоратни ким ўргатди сенга? Ўқишни ўрганмаган
бўлсанг-да, етмиш ёшли бир қарияни ноҳақ ҳақорат қилаёт-
ганингда виждонинг қийналмадими?

– Билмадим, оға.

– Боравер, энди кексаларни ҳақорат қилаётганингда ақлинг
бошингга бўлсин. Йўқса, аламини бу дунёдан олувчи топил-
маса, ерга кирганингдан сўнг ҳам олувчи топилади.

Ўспирин файтунга минди. Отлар яна шаҳарга томон жўнади. Ҳасан қабристонда қолди. Ўтганлар ҳақиға фотиҳа ўқиди, дуо қилди, ёлворди... Шундан сўнг қўлларини юзига сурди. У ердан узоқлашди.

* * *

Ҳасан тиккан пойафзалининг чиройли ва сифатли бўлишига интилар эди. «Сизлардан бирингиз ўзи учун истаганини дин биродари учун ҳам истамагунча ҳақиқий иймон соҳиби бўлолмайди» ҳадисини касбининг энг асосий тамойили қилиб олганди.

Пойафзал буюртма берганлар учун ваъдасига вафо қиларди. Ҳеч бир одам буюртма берган пойафзалини ваъда қилинган кундан кечикиб олмади.

Ҳасан пешона тери билан, ҳеч кимни алдамай топган пулидан бир қисмини бир четга қўяр, бу пули билан Байтуллоҳга боришни, Саййидул-анбиё (с.а.в.) ётган тупроқни кўзига суришни тиларди. Бу орзу унинг ичини ёндирар, кўнглини дунёнинг ҳар қандай севгисидан айириб, Ҳабиби Аллоҳнинг юртига томон йўналтирарди.

Дўконида ўша томонга қараб ўтирар, қаршисидаги тоғларнинг унга янада яқин масофада жойлашганини кўрганда уларга ҳавас билан қарар, эсаётган шамол овозини Унинг ишқидан бир фарёд дея қабул қилар, коинотнинг айланишини Унинг ишқига боғлар, тун вақти порлаган юлдузларда Унинг севгисини кўрарди.

Шоир эмасди. Лекин ички туйғуларимни тилга чиқара олармиканман, деган умидда гоҳида қўлига қалам ҳам олди.

Қудрати ҳар нарсага етган Аллоҳнинг эшигига умид билан борганларни қуруқ қайтармаслигига ишонар, ёшу қари Аллоҳ Ҳабибининг юрти хокини юзига суришини билар, дунёда бўлмаса-да, сўнгги нафасида Саййидул-анбиёга (с.а.в.) қовушишига кучли бир иймон келтирарди.

Бу иймон уни Расулуллоҳга (с.а.в.) кўнгил тўла саловот ва салом ўқишга даъват этар, баъзан уйининг бир бурчагида Расули Акрам (с.а.в.) ҳузурда ўтиргандек камоли эҳтиром ила ўтирар, қалбини Султони анбиёга (с.а.в.) боғлар,

ўқиган саловотини пок севгисига етказиш учун Ҳақ таолога илтижо қиларди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир куни: «Биродарларимизни кўришимизни шу қадар орзу қиламанки... дегандилар. Саҳобалар:

– Эй, Расулulloҳ (с.а.в.), биз сизнинг биродарларингиз эмасмизми? – дедилар.

– Сиз менинг саҳобаларимсиз. Биродарларим эса ҳали дунёга келмадилар...» дея жавоб бергандилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) «биродарларим» дея таърифлаган бахтиёр мўминлар уни кўрмаган ҳолда унга кўнгил кўшничилиги қилган, унинг ишқи ила ёнган қалбига ундан бошқанинг севгисини киргизмаган, ҳар бир ҳаракатини уларнинг муқаддас буйруқлари асосида амалга оширган, қисқаси, Аллоҳга хос қул, Ҳабибига (с.а.в.) мос уммат бўла олиш учун интилган инсонлар бўлса ажаб эмас. Раҳмати ҳар нарсани қамраб олган буюк Раббимизнинг холис ниятли мўминлар учун қиёматгача очиқ тутган бу эшигидан ҳар асрда кирувчилар топилиши мумкин эди. Буюк Аллоҳнинг уммати Муҳаммадга (с.а.в.) энг буюк лутфларидан бири ҳам шу эди.

Ҳасан мана шу йўлдан юриш дардидан бошқа бир дардга мубтало бўлишни сира ўйламас, ҳар бир ҳаракатида бу орзунинг таъсири кўринар, гапирса гапида, жим турса сукунатида бу севги акс этарди.

Фарзандини шу йўлда тарбия этиш, турк миллатига, бу ислом умматига гуллардек тоза бир авлод ҳадея этиш, умри давомида ташиган инсонийлик омонатини сўнгги нафасида ўғлига топшираркан, кўнгил ҳузури учун ҳам охират оламига ўтиш орзуси билан мусумонга муносиб тарбияни Лутфulloҳига беришга ҳаракат қилаётганди.

* * *

Отасининг ўлганига беш ой бўлди. Бир куни Ҳасан кўшни дўкондаги бир кишининг вафоти сабабли қабристонга борди. Қайтаркан, отасининг қабри томон йўл олди. Фарида билан ёнма-ён ётган отасининг қабри тиканлар, қичитқи ўтлар билан тўла эди.

Ҳасан бир муддат қабр тепасида туриб қолди. Ҳақ таолога илтижо қилди. Кетаётганида кўзлари ҳамон тиканлар, қичитқи ўтларга қадалган эди. Ажабо, улар отасининг ҳаётига алоқадормиди?

Вазмин қадамлар билан қабрлардан узоқлашди.

Қалбидаги ғалати туйғуларни ўзи ҳам изоҳлай олмади. Қабристоннинг эшигидан чиқаркан, ушбу сўзларни пичирлаб айтди:

– Ажабо!? Эртага менинг қабримдан нима унар экан-а? Гулми ё тикан?

Чорум. 1976 йил, март.

Дунё адабиёти хазинасидан

АҲМАД ЛУТФИ ҚОЗОНЧИ
СЎНГГИ ТЎФОН

Роман

Муҳаррир
Баҳодир КАРИМОВ

Таржимонлар
Тўлқин СУЛТОНОВ
Роҳила РЎЗМОНОВА
Сарвара ТОШАЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Насиба ЮСУПОВА
Иноят ЗОҲИДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 30.04.2008 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 11,5. Шартли босма тобоғи 9,66.

Адади 2000 (1 босиш 1000) нусха. Буюртма № 108.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru